

EKOLOGIYA



xabarnomasi

Ijtimoiy-iqtisodiy, ilmiy-amaliy jurnal

№1 [5]
2023



«Yashil makon» umummilliy loyihasida faol bo'ling!

11-bet



Atrof-muhit va suv resurslari bo'yicha «Yevropa Ittifoqi – Markaziy Osiyo» yuqori darajadagi 7-konferensiyasi

15-bet



Xalqaro seminar: Tabiatga asoslangan yechimlar

20-bet

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ ТАРКИБИ:

Алимов Зикрилла Бобамуратович – Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институти «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш» лабораторияси мудир, техника фанлари доктори

Аллабердиев Рустамжон Хамраевич – Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Экология факультети декани, биология фанлари номзоди, доцент

Аминов Хамза Хусанович – Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институти директори ўринбосари, техника фанлари бўйича фалсафа доктори

Ахмедова Захро Рахматовна – Ўзбекистон Фанлар Академияси Микробиология институти «Табиатни муҳофаза қилиш биотехнологиялари» лабораторияси мудир, биология фанлари доктори, профессор

Буриев Салимжан Самеджанович – Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институти директорининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича ўринбосари, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди

Жулиев Муҳиддин Комилович – “ТИҚХММИ” МТУ табиий фанлар бўйича фалсафа доктори

Каримов Фарход Исомиддинович – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, биология фанлари доктори, катта илмий ходим

Казбеков Жусипбек Сдикбекович – Ўзбекистон Республикаси Табиат ресурслари вазири ўринбосари, техника фанлари номзоди

Мадримов Ражаббой Машарипович – Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институти «Ер ресурсларини муҳофаза қилиш» лабораторияси мудир, биология фанлари бўйича фалсафа доктори

Мирзаева Адолат Усмонбоевна – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Зоология институти Умумий паразитология лабораторияси катта илмий ходими, биология фанлари бўйича фалсафа доктори

Муродов Шухрат Одилович – Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти профессори, техника фанлари доктори

Мухсимов Нурилло Пўлатович – Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти катта илмий ходими, қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори

Нишонов Баҳриддин Эркинович – Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти «Ер усти сувлари сифати тадқиқоти» лабораторияси мудир, катта илмий ходим

Обломуратов Нарзулло Наимович – Ўзбекистон Республикаси Табиат ресурслари вазири ўринбосари, иқтисод фанлари номзоди

Радкевич Мария Викторовна – “ТИҚХММИ” МТУ Экология ва сув ресурсларини бошқариш кафедраси профессори, техника фанлари доктори, доцент

Самиев Луқмон Найимович – Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институти илмий котиби, техника фанлари доктори

Тургунов Дониёр Маннапжанович – Ўзбекистон Республикаси Табиат ресурслари вазирлиги бошқарма бошлиғи, география фанлари доктори

Уринова Адолат Абдивасиевна – Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институти «Биохилмахилликни сақлаш» лабораторияси мудир, биология фанлари номзоди, катта илмий ходим

Усманов Саидислом Маннонович – Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети “Қурилиш ва Архитектура” кафедра мудир, вази фасини бажарувчи, техника фанлари доктори

Хамзаев Абдушукор Худойкулович – Ўзбекистон Экологик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Холматжанов Бахтияр Махаматжанович – Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Гидрометеорология факультети профессори, география фанлари доктори

Шеримбетов Халидулла Сатимович – Ўзбекистон Республикаси Табиат ресурслари вазирлиги бошқарма бошлиғи, техника фанлари номзоди

Эркабоев Фурқат Ильясович – Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институти “Сув ресурсларини муҳофаза қилиш технологиялари” лабораторияси мудир, техника фанлари доктори

1/2023

Журнал ҳар чорақда камида
бир марта чоп этилади.

Муассис:

Ўзбекистон Республикаси
Табиат ресурслари вазирлиги

Таҳририят кенгаши раиси:

Абдуҳакимов Азиз Абдуқаҳҳорович,
Табиат ресурслари вазири

Илмий муҳаррир:

Пулатов Бахтиёр Алимович,
Атроф-муҳит ва табиатни
муҳофаза қилиш технологиялари
илмий-тадқиқот институти директори,
техника фанлари доктори

Дизайнер-саҳифаловчи:

Мамажонов Улуғбек Рустам ўғли

Нашр Ўзбекистон Республикаси
Олий аттестация комиссиясининг
илмий журналлар рўйхатига
киритилган.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 2021 йил
8 октябрда 0515-сонли
гувоҳнома билан
қайта рўйхатга олинган.

Обуна индекси: 910

Босмаҳонага топширилди: 10.05.2023 йил
Офсет босма усулида босилди.
Хажми 11,2 босма табоқ. Бичими 60x84 1/8.
Адади 420 нусха. Буюртма № 11.

«Silver star print» МЧЖ матбаа
бўлимида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри,
Олмазор тумани, Иброҳим ота МФЙ
Қорасарой кўчаси, 322-Б уй.

МУНДАРИЖА

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёевнинг Наврўз умумхалқ байрамига
бағишланган тантанали маросимдаги табрик нутқи 3

А.Абдуҳакимов.

Наврўзи олам ва Халқаро ўрмонлар куни инсоният учун
муҳим аҳамият касб этади 6

Ўзбекистон делегацияси БМТнинг Сув масалалари
бўйича конференциясида иштирок этди 8

Ўзбекистон делегацияси БМТ Бош Ассамблеясининг
“Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда мақбул
ечим сифатида чиқиндининг ноль даражаси роли”
мавзусидаги мажлисида иштирок этди 10

У.Собиров.

Экологик барқарорликни таъминлаш
Конституция даражасида мустақамланмоқда 11

Давлат дастури: Халқимиз фаровонлигини оширишга
хизмат қилади 12

Ҳашар – ҳамжиҳатлик, ободлик ва яратувчанлик рамзи 13

«Яшил макон» умуммиллий лойихасида фаол бўлинг! 14

Атроф-муҳит ва сув ресурслари бўйича
«Европа Иттифоқи – Марказий Осиё» юқори даражадаги
7-конференцияси 18

Халқаро семинар: табиатга асосланган ечимлар 23

Ҳамкорликнинг янги истиқболлари 25

Жаҳон банки билан ҳамкорлик йўналишлари
кенгайтирилади 27

Ж.Абдусатторов.

Сув-ботқоқ худудларини муҳофаза қилиш масалалари
муҳокама этилди 29

Оролбўйи минтақасида йирик лойиҳанинг
2023 йилги мавсумига старт берилди 31

Илмий-амалий семинар ўтказилди 32

Она табиатга зиён етказмаслик барчамизнинг
бирдек вазифамиз 33

А.Курбонов.

Каврак учун 3 йилга мораторий жорий этилди 34

Ж.Хошимов.

“Жайрон” питомниги — ноёб экологик маскан 35

АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ

Н.Раҳимова, Э.Темиров.

Республикамиз вилоятларида кўкаламзорлаштиришда
фойдаланилаётган дарахт ва буталар 37

АТМОСФЕРА ВА ИҚЛИМШУНОСЛИК

С.Буриев, Р.Қусалиев, С.Асатов.

Загрязнение атмосферного воздуха в Узбекистане 42

Р.Халилов. Влияние изменения климата на прочность дорожных одежд с асфальтобетонным покрытием	46
---	----

БИОХИЛМА-ХИЛЛИК ВА БИОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК

Ж.Собиров, С.Намозов, Б.Камилов, Н.Курбон, Б.Собиров. Современное состояние стада сазана - <i>Suiprinus carpio</i> , в Айдаро-Арнасайской системе озер	49
--	----

Д.Олжаев, С.Адилов, Ю.Шерматова. Дала шароитида хуросон эспарцети (<i>Onobrychis chorossanica</i>)нинг ўсиб ривожланишига уруғларини қобиқлаб экишда минерал ўғит ва бентонит гиллари кукуни суспензиясидан фойдаланишнинг таъсири	53
--	----

М.Халқўзиева, М.Тиркашева. Смола сақловчи <i>Ferula foetida</i> (bunge) ва <i>F. Tadshikorum pimenov</i> ўсимликларининг биологияси	57
---	----

СУВ ВА СУВ РЕСУРСЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

Х.Аминов, А.Ходжиев, Р.Мадримов, Ш.Мавлонова. Айдар-Арнасой кўллари тизимининг ҳозирги ҳолати ва мониторинги	60
--	----

L.Samiyev, A.Turdiyev. Suv omborlarining gidravlik va gidralogik jarayonlarini raqamlashtirish	63
--	----

Ф.Эркабаев, Д.Мухаммадиева, И.Рўзматов, Ш.Раббимқулова, Қ.Норбутаева. Саноат оқова сувларини электрокимёвий усулда ўта заҳарли хром (VI) ионларидан тозалашда самарадорликни ошириш	67
---	----

ЕР ВА ТУПРОҚ МУАММОЛАРИ, ЕР РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ

Р.Мадримов, Х.Рўзимова. Тупроқ таркибидаги туз ионларининг қишлоқ хўжалик экинларига экологик таъсири	71
---	----

ГЕОЭКОЛОГИЯ

Ж.Қурбонов, М.Жураев, А.Хусанова. Жиззах вилояти тоғолди ер ости сувлари конининг геоэкологик ҳолатини баҳолаш	75
--	----

Б.Абдуллаев, Н.Дадаходжаева, М.Холмуродова, У.Саидмуратов. Тоғ-кон саноатининг геоэкологик муаммолари	78
---	----

ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ ВА ТАРҒИБОТ

Н.Базарова. Табиатимиз келажаги баркамол авлод қўлида	83
---	----

Сувни тежаш ва унумли фойдаланиш – давр талаби	87
--	----

ЭКОЛОГИК САНА

БМТ сайёрамиз биохилма-хиллигини муҳофаза қилишга чақиради	91
--	----

Об-ҳаво қандай бўлишидан дарак берувчи аломатлар	92
--	----

ОНА САЙЁРАМИЗНИ АСРАЙЛИК!

Амазонкада дарахт кесилиши Тибетга ҳам таъсир кўрсатади	94
---	----

Голливуд экологияга жиддий зарар етказмоқда	94
---	----

Сайёрамизнинг 50 йил мобайнида ташқи кўриниши кескин ўзгарди	94
--	----

Олимлар сув фалокати ҳақида огоҳлантирмоқда	95
---	----

Биологлар филларнинг камайиб кетиши ва глобал иссиқ ўртасидаги боғлиқликни аниқлади	95
---	----

Қора оққушлар парранда гриппидан қирилиб кетиши мумкин	96
--	----

Жомбойда ноёб қуш топилди	96
---------------------------------	----



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК НУТҚИ

**Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!
Муҳтарам меҳмонлар!**

Мана шу гўзал ва ҳаяжонли дамларда муаззам “Янги Ўзбекистон” боғида туриб, сиз, қадрдонларимни, кўпмиллатли бутун халқимизни улуғ айём – Наврўз байрами билан самимий табриклайман.

Бугун бепоён Ватанимизнинг воҳа ва водийлари, шаҳар ва қишлоқлари, боғ ва майдонларида эл-юртимиз катта шоду хуррамлик билан Наврўз сайилларини ўтказмоқда.

Қалбларимиз қувончга тўлиб турган ушбу дилбар лаҳзаларда кексаю ёш жамики юртдошларимизни чин дилдан қутлаб, барчангизга ўзимнинг юсак ҳурратим ва энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Шарқона янги йилимиз муборак бўлсин!
Наврўзи оламнинг қадами қутлуғ келсин!

Қадрли дўстлар!

Бугун жонажон юртимизга гўзаллик ва нафосат, яшариш ва янгиланиш, меҳр ва оқибат байрами – Наврўз кириб келар экан, дала ва қирларимиз, боғ ва яйловларимиз кўклам ёмғирлари – обирахматдан баҳраманд бўлиб, бўлғуси мўл ҳосил, қут ва баракадан дарак бермоқда.

Ҳар бир инсон ўзининг табиат фарзанди эканини янада чуқур англаётган мана шундай мунаввар айёмга эл-юртимиз билан соғ-омон етганимиз учун, аввало, Яратганимизга беҳад шукроналар айтамыз.

Хурматли байрам иштирокчилари!

Биз бугун юртимизда Янги Ўзбекистонни – инсон эркин, озод ва фаровон яшайдиган жамият ва давлатни барпо этиш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдамиз.

Янги Ўзбекистон ғояси – бу 36 миллионли катта халқимизнинг азму қарори, унинг ҳаёт мазмунидир.

Бу олижаноб мақсад Наврўзи олам фалсафаси ва қадриятлари билан ғоят уйғун ва ҳамоҳангдир.

Инсон қадрини улуғлаш, ҳар бир фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини амалда таъминлаш, барча шаҳар ва туманлар, олис ва чекка ҳудудлар аҳолиси учун муносиб шароит яратиш бериш, оддий қилиб айтганда, халқимизни рози қилиш – мана, бизнинг бош мақсадимиз.

Шу эзгу йўлда иқтисодиётимиз ва ижтимоий соҳаларни ҳар томонлама ривожлантириш, илм-фан, таълим ва тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, соғлом турмуш тарзи ва спорт, она табиатни асраш каби йўналишларда бошлаган катта-катта дастурларимизни жадал давом эттирамиз.

Ҳаётимизни янада гўзал ва обод қилишда биз мўътабар отахон ва онахонларимиздан, уларнинг доно маслаҳатлари ва дуои фотиҳаларидан куч-қувват оламиз.

Миллий тараққиётимизни янги босқичга кўтариш йўлида мардона меҳнат қилаётган хурматли ака-укаларимиз, азиз опа-сингилларимизга – бутун халқимизга ишонамиз ва таянамиз.

Шу қутлуғ айёмда сизларнинг ҳар бирингизга Ватан равнақи йўлида қилаётган муносиб хизматингиз учун қўлимни кўксимга қўйиб, чин юракдан ташаккур билдираман.

Сиз, азизлар олдимизда турган муҳим сиёсий тадбирда ҳам юксак сиёсий тафаккур ва маданиятингизни намоён этиб, эришган ютуқларимиз ва ислоҳотларимизни қатъий давом эттириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратишга ўз ҳиссангизни қўшасизлар, деб ишонаман.

Мана шу бетакрор лаҳзаларда кўкларнинг ҳар бир кунини, ҳар бир соатини ғанимат билиб,

даласига йўл олаётган миришкор деҳқон ва фермерларимизга энг эзгу тилақларимизни билдирамиз.

Бугун катта орзу-умидлар билан сафларимизга кириб келаётган навқирон ўғил-қизларимизни – Янги Ўзбекистон бунёдкорларини барчамиз самимий олқишлаб, уларга бахт ва омад тилаймиз.

Мен бир фикрни такрор ва такрор айтишдан чарчамайман – ҳар томонлама соғлом ва баркамол, билимли ва серғайрат ёшларимиз энг юксак марраларни эгаллашлари учун биз барча имконият ва шароитларни яратиш берамиз.

Азиз фарзандларимиз эл-юртимиз ишончини оқлаб, катта-катта ғалабаларга эришаётгани барчамизни чексиз қувонтиради.

Куни кеча футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси қизгин беллашувларда мустаҳкам ирода ва маҳорат намунасини кўрсатиб, Осиё чемпиони деган юксак шарафли номга сазовор бўлди.

Айни пайтда улар Индонезияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритдилар.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ёшлари хоккей бўйича ўн саккиз ёш тоифасида барча рақибларни ортда қолдириб, Осиё чемпионлигини қўлга киритдилар.

Мамлакатимиз спорт тарихида илк бор мана шундай катта зафар қозонган ёш хоккейчиларимизга ҳар қанча таҳсинлар айтсак, арзийди.

Айниқса, иқтидорли ҳужумчимиз Жасурбек Рустамхонов мусобақа давомида ўн тўртта гол уриб, чемпионатнинг ҳақиқий қаҳрамонига айланди.

Шунингдек, юртимиз ёш шахматчиларининг юксак интеллектуал салоҳияти дунё бўйлаб тилларда дoston бўлмоқда, десак, асло муболаға бўлмайди.

Яқинда Тошкентда хотин-қизлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда истеъдодли шахматчи қизимиз Нилуфар Ёқуббоева 100 дан ортиқ хорижий иштирокчилар қатнашган мусобақада фахрли иккинчи ўринни қўлга киритганини алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман.

Мана шундай умидбахш ютуқлари билан азму шижоатли фарзандларимиз юртимиз

ёшлари қандай улкан ишларга қодир эканини яна бир бор яққол намоён этдилар.

Шу каби ғоят муҳим ютуқларга ёшларимиз илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт соҳаларида ҳам эришиб келмоқдалар.

Шу муносабат билан ёш чемпион ва совриндорларимизни, уларнинг устоз ва мураббийлари, ота-оналарини, барча спорт мухлисларини, бутун халқимизни чин қалбимдан табриклайман.

Бу, ҳеч шубҳасиз, азамат ёшларимизнинг эл-юртимизга ҳақиқий Наврўз совғаси бўлди.

Янги Ўзбекистонга албатта мана шундай ғалабалар ярашади.

Янги Ўзбекистонга миллионлаб тенгдошларига ўрناق ва намуна бўладиган мана шундай ватанпарвар, қаҳрамон ёшлар керак.

Ўз даврида жаҳонни лол қолдирган буюк аждодларимизнинг муносиб давомчилари бўлган бундай ёшларимиз билан халқимиз, Ватанимиз ҳақли равишда фахрланади.

Катта раҳмат сизларга, азиз фарзандларим!

Ҳаёт йўлларингизда барчангизга доимо янги омад ва зафарлар ёр бўлсин!

Муҳтарам ватандошлар!

Мир Алишер Навоий бобомизнинг олам аҳлига, биз – авлодларга қарата “Ҳар кунинг Наврўз бўлсин!” деб айтган тилакларини ҳаммамиз яхши биламиз.

Шу маънода, кексаларга ҳурмат, кичикларга иззат кўрсатиш, ёрдам ва кўмакка муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлаш, беморларнинг дардига дармон бўлиш каби халқимизга хос савобли амалларни нафақат Наврўз айёмида, балки ҳар куни, виждон амри билан адо этишимиз лозим.

Бугун биз барпо этаётган ижтимоий ва халқпарвар давлатда меҳр-шафқат, саховат ва ҳиммат, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик ҳаётимиз қоидасига айланиши зарур.

Мен барчангизни, авваламбор, раҳбар ва мутасаддиларни шу борада янада фаол ва самарали ҳаракат қилишга даъват этаман.

Токи азалдан “одамийлик диёри” деб шуҳрат қозонган Ватанимизда ҳар бир инсон халқимиз ва давлатимизнинг меҳри ва эътиборини тўла ҳис қилиб яшасин.

Қадрли дўстлар!

Бу йилги хосиятли Наврўз фасли юртимизга кўплаб қувончли воқеалар, қўшалок байрамларни бошлаб келмоқда.

Шу кунларда барчамиз яна бир қутлуғ ва фазилатли ой – муқаддас Рамазони шариф арафасида турибмиз.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, юртимиз мусулмонларини, бутун ислом умматини ана шу табаррук айём билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Ушбу илоҳий ойда қиладиган хайрли амалларимиз қабул бўлиб, эзгу ва пок ниятларимиз ижобат топишини тилайман.

Айни вақтда мамлакатимизда эртага нишонланадиган Маҳалла тизими ходимлари куни билан ҳам барчангизни қутлайман.

Мустақиллик йилларида Наврўзи олам диёримиздаги барча миллат ва элат вакилларини ягона ва аҳил оила этиб бирлаштирадиган дўстлик ва нафосат байрамга айланганини биз юксак қадрлаймиз.

Бундай ноёб ва бебаҳо бойлигимизни ҳамиша кўз қорачиғидай асраб-авайлаймиз.

Тинчлик ва бағрикенглик элчиси бўлган бу айём – 21 март Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қарори билан Халқаро Наврўз куни сифатида кенг нишонлаб келинаётгани албатта барчамизни хурсанд қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, бизга ҳурмат кўрсатиб, бугунги сайил-шодиёнамизда иштирок этаётган хорижий давлатларнинг муҳтарам элчиларини, халқаро ташкилотлар вакилларини чин дилдан қутлаб, уларнинг мамлакатлари ва халқларига самимий салом ва эзгу тилакларимизни йўллаймиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Барчангизни, бутун халқимизни Наврўз умумхалқ байрами билан яна бир бор табриклайман.

Фасли навбаҳор ҳар бир оила, ҳар бир маҳаллага, элу юртимизга тинчлик ва фаровонлик, бахту саодат олиб келсин!

Барча эзгу ишларимизда Яратганнинг ўзи мадаккор бўлсин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!



НАВРЎЗИ ОЛАМ ВА ХАЛҚАРО ЎРМОНЛАР КУНИ ИНСОНИЯТ УЧУН МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ

Юртимизда Наврўз шукуҳи кезиб юрган шу кунларда табиат ва инсон ўртасидаги узвий боғлиқлик янада яққол намоён бўлади. Қиш бўйи дала-сини соғиниб, кўклам келишини интиқ бўлиб кутган бободехқон уруғликка олиб қўйган дон-дунларини саралайди. Боғбон боғ оралаб дов-дарахтларни парвар-ришлашга чоғланади. Маҳалла нуроний-оқсоқоллари йигит-ялангларни тўплаб, ариқ-зовурларни тозалашга бош-қош бўлади. Бир сўз билан айтганда, табиат, бутун борлиқ жонланишига монанд равишда одамлар ҳам фаол ҳаракатга келади – ҳаёт қозони қайнайди.

Президентимизнинг «2023 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорида таъкидлаб ўтилганидек, халқимизнинг кўп асрлик эзгу қадриятларини, унинг орзу-интилишларини ўзида мужассам этган ушбу қутлуғ айём мустақиллик йилларида мамлакатимизда яшаётган турли миллат ва элатларга мансуб барча ватандошларимиз учун умумхалқ байрамига айланди.

Наврўзи оламнинг руҳи ва фалсафасида мужас-сам бўлган яхшилик ва бағрикенглик, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, атроф-муҳитни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш каби олийжаноб ғоялар Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган тарихий ўзгаришларнинг мақсад ва мазмунига тўла ҳамоҳангдир.

2023 йилги Наврўз умумхалқ байрами мамла-катимизда «Ҳар кунинг Наврўз бўлсин, жонажон Ўзбекистоним!» деган бош ғоя асосида умумхалқ сайиллари шаклида кўтаринки руҳ ва юксак савияда нишонланиши ҳам эътирофга молик.

Наврўз табиат ва инсон уйғунлигини англатадиган ноёб ва ижтимоий, табиий ҳодиса ҳисобланади. Марка-зий Осиё ва Шарқ мамлакатларида яшовчи халқларнинг қадимий бу байрами баҳорги тенг кунликка, яъни куёш-нинг Ҳамал буржиги киришига тўғри келади. Айни шу кун куёш ҳаётбахш нурларини тик, яъни 90 даража бур-чак ҳосил қилиб, сайёрамизнинг қоқ белига – экваторга йўналтиради. Бу дақиқаларда баҳорги кеча-кундуз тенг-лашади, кейин эса кундузнинг узая бошлаши кузатилади.

Наврўзи олам инсониятнинг энг қадимий байрамлардан бири ҳисобланади. Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит-турк», Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Умар Ҳайёмнинг «Наврўзнома», Абу Бакр Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарларида Наврўз байрами 3 минг йилдан зиёд тарихга эга эканлиги баён этилгани ҳам бизга шундан далолат беради.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, аждодларимиз қадимда Наврўз ҳафтанинг қайси кунига тўғри келишига, ўша кундаги об-ҳавонинг ҳолатига қараб, йил бўйи деҳқончилик ва чорвачилик соҳаларида қандай ўзгаришлар юз бериши ҳақида солномалар битишган ва бу солномалар кейинги авлодлар учун ҳаётий тажриба вазифасини ўтаган экан.

Мазкур байрам 2009 йил 30 сентябрда инсоният маданий меросининг ажралмас қисми сифатида ЮНЕСКО томонидан Умумжаҳон номоддий маданий мерослар рўйхатига киритилди. 2010 йилнинг 19 февраль кuni БМТ Бош Ассамблеясининг 64-сессиясида эса 21 март «Халқаро Наврўз кuni» деб эълон қилинди. Қбул қилинган резолюцияда Наврўз байрами турли халқлар ўртасидаги маданий алоқалар ва ўзаро ҳамжиҳатликни рағбатлантириш, бирдамлик, қўни-қўшничилик муносабатлари, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидлаб ўтилган.

Дарҳақиқат, кўҳна, умрбоқий Наврўз – аҳиллик ва эзгулик байрами. Мамлакатимизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча юртдошларимиз бу байрамни шоду хуррамлик билан нишонлайди. Наврўзи олам ўзида қадимий анъана ва урф-одатларимиз, меҳроқибат, хайру саховат, бунёдкорлик, бағрикенглик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик сингари юксак инсоний фазилатларни намоён этади.

Наврўз руҳи ва фалсафасида атроф-муҳитни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ғояси ҳам мужассамлигига эътибор қаратсак, 21 март бутун дунёда Халқаро ўрмонлар кuni сифатида нишонланиши бежиз эмаслиги аён бўлади. Бу ташаббус дастлаб 1971 йили БМТ Бош Ассамблеясида Европа қишлоқ хўжалиги конфедерацияси томонидан илгари сурилган ва БМТнинг (ФАО) Жаҳон озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти томонидан қўллаб-қувватланган.

БМТ Бош Ассамблеясининг 2012 йил 21 декабрда қабул қилинган 67/200-сонли резолюциясига мувофиқ, барча турдаги ўрмонларнинг аҳамияти тўғрисида кенг жамоатчилик хабардорлигини ошириш мақсадида 21 март санаси Халқаро ўрмонлар кuni этиб белгиланди.

Ўрмон ва унинг бойликларини сақлаш ва муҳофаза қилиш масаласи бугунги кунда дунёнинг барча мамлакатлари учун энг муҳим экологик вазифалардан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда сайёрамизда ўрмонларни кесиш билан боғлиқ зарарли ҳаракатлар нафақат экологлар, балки бутун халқаро ҳамжамиятни хавотирга солмоқда.

Бугунги кунда ўрмонларнинг умумий майдони 38 млн квадрат километрни ташкил қилади. Бу ер майдонининг қарийб учдан бир қисми дегани. Шундан 13 фоизи муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда жойлашган.

Ўрмонлар сайёрамизнинг ўпкаси бўлиб, улар беқиёс экологик, ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга эга. Ўрмонлар иқлимни шакллантиришда иштирок этади, атмосферани кислород билан таъминлайди, зарарли чиқиндиларни қайта ишлайди, сув ресурсларини тежашда муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, кўплаб ўсимликлар ва ҳайвонларнинг яшаш жойи бўлиб, фауна ва флора оламини озуқа билан таъминлайди ва табиий ресурслар манбаи ҳисобланади. Одамлар учун соғлом муҳит, тупроқ унумдорлиги ва ландшафтларини сақлашга ёрдам беради.

Афсуски, ҳар кuni дунёда ўрмонлар майдони узлуксиз камайиб бормоқда. Ҳар сонияда 1,5 гектардан ортиқ унумдор ўрмон майдони йўқотилади. Бу, биринчи навбатда, аҳолининг кўпайиши ва ўрмон майдонларининг турли эҳтиёжлар учун ишлатилиши билан боғлиқ. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, сўнгги 10 минг йил ичида инсоният томонидан 26 млн квадрат километр ўрмонлар йўқ қилинган. Шу билан бирга, ўрмонлар ёнғинлар, ноқонуний дарахт кесиш, табиий офатлар, ҳашарот-зараркунандалар, касалликлар ва бошқа сабаблар таъсирида нобуд бўлмоқда. Ачинарлиси, ўрмонлар майдонининг қисқариши табиат ва инсоният ҳаёти учун глобал, тузатиб бўлмайдиган салбий жараёнлар юз беришига олиб келади.

Халқаро ўрмонлар кунининг асосий вазифаси сайёрамиз аҳолисининг эътиборини ўрмонларни муҳофаза қилишга қаратиш, ўрмон экотизимларини қайта тиклашнинг аҳамияти, уларнинг ҳақиқий ҳолати, ўрмонларни муҳофаза қилишнинг асосий чора-тадбирлари ҳақида маълумот беришдан иборат.

Ўрмонларнинг кесилиши ва деградацияси жараёнлари барча мамлакатлар томонидан биргаликда ҳал қилишни талаб қилувчи халқаро муаммоларга айланганлиги сабабли БМТ барча аъзо давлатларни ушбу кунни махсус тадбирлар билан нишонлашни қўллаб-қувватлашга чақирди. Шу кuni дунёнинг аксарият мамлакатларида ўрмонлар ва яшил майдонларни муҳофаза қилишга қаратилган турли акция ва тадбирлар, танлов ва кўргазмалар, дарахт экиш акциялари, турли флеш-моблар ўтказилмоқда.

Жамоат ва экологик ташкилотларнинг бундай тадбирлари аксарият ҳукумат вакиллари томонидан қўллаб-қувватланади. Хусусан, БМТга аъзо давлатлар ўрмонларни қайта тиклаш ва ўрмонларни кўпайтириш бўйича мақсадли сиёсат доирасида тегишли келишувларга эришиб, бугунги кунда қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Мухтасар айтганда, Наврўзи олам ва Халқаро ўрмонлар кuni мақсадлари муштарақлиги билан бутун инсоният учун муҳим аҳамият касб этади.

Азиз АБДУХАКИМОВ,
Табиат ресурслари вазири.

ЎЗБЕКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ БМТНИНГ СУВ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА КОНФЕРЕНЦИЯСИДА ИШТИРОК ЭТДИ

22-24 март кунлари БМТнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида тузилманинг Сув масалалари бўйича конференцияси ўтказилмоқда. Унда 2030 йилга қадар Барқарор ривожланиш мақсадлари йўлида обиҳаёт орқали дунёни бирлаштириш, сайёрамиз фаровонлигида денгиз ва океанларнинг аҳамияти, бу борадаги глобал ташаббуслар БМТга аъзо барча мамлакатлар, ихтисослашган идоралар томонидан нуфузли спикерлар иштирокида кўриб чиқилмоқда, деб хабар бермоқда «Дунё» АА мухбири.

Халқаро ҳамжамият 45 йиллик танаффусдан сўнг илк марта бундай конференцияда жам бўлди. Чунки масала ниҳоятда долзарб: 2050 йилга бориб сайёрамиз аҳолисининг 5 миллиард киши си сув танқислигидан азият чекиши мумкин. Ўзбекистоннинг ҳам бу борада айтар сўзи ва таклифлари, салмоқли тажрибаси бор. Чунки катталиги бўйича ўз вақтида дунёда 4-ўринда бўлган Орол денгизи Ўзбекистонда жойлашган ва унинг бугунги тақдири фақат бизгагина эмас, балки бутун халқаро ҳамжамиятга дахлдор масала.

Қолаверса, сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳар гал Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг олий даражадаги йиғилишларида иштирок этар экан, айнан шу муаммони кўтарди ва бу йўналишда муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Конференция ишида тузилмага аъзо 198 мамлакат қаторида Ўзбекистон делегацияси ҳам иштирок этмоқда.

23 март куни конференциянинг юқори даражадаги ялпи мажлисида мамлакатимиз делегацияси аъзоси Саида Мирзиёева нутқ сўзлаб, БМТ минбаридан Орол денгизи фожиасининг оқибатлари, уларни юмшатиш бўйича Ўзбекистон томонидан амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ва бу борадаги халқаро саъй-ҳаракатларни бирлаштиришда мамлакатимизнинг етакчилиги хусусида сўз юритди.

У Орол бўйидаги Мўйноқ илгари йирик ишлаб чиқариш қувватларига эга порт шаҳар бўлгани, кейинчалик мувозанат бузилиб, денгизнинг ўлик қирғоқлари кемалар қабристонига айланганини таъкидлаб, қорақалпоқ элининг атоқли шоири Иброҳим Юсупов ижодидан денгизнинг кўз очиб юмгунча сахрога айланиши тасвирланган сатрларни ўқиб берди.



“ – Орол денгизининг инқирози инсониятнинг атроф-муҳитга эътиборсизлиги оқибатлари ҳақида даҳшатли эслатмадир. Бироқ, ғамхўр одамларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли у яна умид ва янги-ланиш рамзига айланмоқда, – деди Саида Мирзиёева.



Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ташаббуслар халқаро даражада қўллаб-қувватланиб, 2021 йилда БМТ Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар зонаси деб эълон қилиш ҳақидаги резолюция қабул қилингани, сал аввалроқ – 2018 йилда Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосидаги траст фондига асос солингани қайд этилди.

Давлатимиз томонидан амалга ошираётган чоратадбирлар ҳақида сўз борганда, минтақани молиялаштириш, иқтисодий салоҳиятини оишириш, асосийси, матонатли қорақалпоқэлининг саломатлигини тиклаш, ҳудудда яшил боғларни яратиш учун 14 миллион доллардан ортиқ маблағ ажратилгани айтилди.

Фожиа оқибатларини бевосита ўз бошидан кечираётган Қорақалпоғистон халқининг матонати, меҳнатсеварлиги, яратувчанлиги алоҳида эътироф этилди. Минтақанинг оғир шароитида, айниқса, аёллар кучли ғамхўрлик ва кўмакка муҳтожлиги, улар учун имкониятларни кенгайтириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Сўзининг якунида Саида Мирзиёева халқаро ҳамжамиятни глобал сув масалалари билан чамбарчас боғлиқ бўлган Орол фожиаси оқибатларини юмшатишда Ўзбекистоннинг саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашни давом эттиришга чақирди.

22 март куни БМТнинг Сув масалалари конференцияси доирасида Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси ташаббуси билан ташкил этиладиган Aral Culture Summit – Орол маданият саммити лойиҳасининг тақдироти ўтказилди. Бу маҳаллий ва халқаро ҳамжамият, етакчи олимлар, архитекторлар, расом ва дизайнерларни бирлаштирадиган янги институт.

Орол маданияти саммити доирасида ёш авлодни минтақадаги вазиятни яхшилашга ҳисса қўшадиган кўникмаларни шакллантиришга ундайдиган таълим ва алмашинув дастурлари, стипендиялар ва стажировкалар

ташкил этилади.


Шунингдек, саммит доирасида биодизайн ферма-лабораторияси ташкил этилади. Лойиҳа доирасида минтақани сув билан таъминлаш, янги экин турларини яратиш, шунингдек, ҳудудда шўрланишни камайтириш бўйича турли технологиялар ўрганилади ва ишлаб чиқилади.

Саммит ижодкорларни маҳаллий фермерлар билан бирлаштириб, янги ўсимликлар етиштириш учун биодизайн соҳасида барқарор алоқаларни ўрнатиши ва шу орқали келгуси 10 йилга мўлжалланган стратегик режани ишлаб чиқиши маълум қилинди. Бу маҳаллий ҳамжамиятда улкан ўзгаришлар учун замин яратади.

Бўлажак саммитнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти конференция доирасида ўтган «Сув ҳамкорлик учун: сув ресурслари соҳасида трансчегаравий ва халқаро ҳамкорлик, сув соҳасидаги тармоқлараро, шу жумладан, илмий алоқалар ҳамда 2030 йилга қадар Барқарор ривожланиш кун тартибининг сувга оид мақсадларига эришиш» мавзусидаги сессияда ва жамғарма томонидан халқаро экспертлар иштирокида ташкил этилган «Санъатдан – ҳаракатга: Оролбўйи минтақасининг қайта тикланиши учун саҳрони ўрмонга айланттириш» мавзусидаги панель муҳокамасида батафсил очиб берилди.


Шунингдек, БМТ конференциясида иштирок этиш асносида Нью-Йорк шаҳрида АҚШдаги ватандошларимиз билан учрашув бўлиб ўтди. Унда Нью-Йорк мэри Эрик Адамс ҳам иштирок этди.

Саида Мирзиёева йиғилганларни Наврўз байрами билан табриклади, мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ислохотлар тўғрисида сўзлаб берди. Самимий суҳбатда ватандошларимиз она юрти билан алоқаларини узмаётгани, мамлакатимизда бўлаётган ўзгаришларни катта қизиқиш билан кузатиб бораётгани, турли лойиҳаларни амалга ошириш орқали Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги маданий, сиёсий ва иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётгани хусусида сўз юритилди.



Ўзбекистон делегацияси БМТ Бош Ассамблеясининг “Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда мақбул ечим сифатида чиқиндининг ноль даражаси роли” мавзусидаги мажлисида иштирок этди

Жорий йилнинг 30 март куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳида “Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда мақбул ечим сифатида чиқиндининг ноль даражаси роли” мавзусида Бош Ассамблеянинг юқори даражадаги мажлиси бўлиб ўтди. Туркия ҳукумати, БМТнинг Атроф муҳит бўйича (ЮНЕП) ва аҳоли пунктлари дастурлари (БМТ-Хабитат) кўмагида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси раиси Б. Алиханов иштирок этди.



Мажлисида Б. Алиханов ўз маърузасида Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда атроф муҳитни муҳофаза қилиш, чиқиндиларни бошқариш ва қайта ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, шунингдек, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар ҳақида атрофлича ахборот берди.

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси ва 2030 йилгача “яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегияси қабул қилингани, уларда аҳолига қаттиқ маиший чиқиндиларни йиғиш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатишни 100 фоизга етказиш, ҳосил бўладиган маиший чиқиндиларни қайта ишлаш даражасини 65 фоизга ошириш, шунингдек, “айланма иқтисодиёт” тамойилларини кенг жорий этиш бўйича белгиланган вазифалар изчил амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди.

Таъкидланганидек, мазкур чора-тадбирлар маиший чиқиндиларни полигонларга ташлаш ҳажмини 60 фоизгача камайтириш, 200 дан ортиқ чиқинди полигонлари ерларини тўлиқ ўзлаштириш, яшил ҳудудга айлантириш, янги иш ўринлари яратиш имконини беради.

Мажлисида иштирокчилар Ўзбекистон 2022 йилда Метан чиқиндиларини камайтириш бўйича глобал мажбуриятларга қўшилганлиги ва 2030 йилга бориб уларнинг ҳажмини 30 фоизга камайтиришни мақсад қилгани маълум қилинди.

Жорий йилнинг бошида Ўзбекистонда Марказий Осиёда биринчи марта чиқинди газини икки йирик полигонда электр энергиясига айлантириш лойиҳаси ишга туширилганини мамлакатимизнинг иқлим ўзгаришига қарши курашишга қатъий интилаётганига яққол мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Тадбир якунида чиқиндиларни биргаликда ўзаро манфаатли ва самарали бошқариш бўйича қатор таклифлар билдирилди, шунингдек, Ўзбекистоннинг БМТ ва аъзо давлатлар билан масъулиятли ишлаб чиқариш ва истеъмолни таъминлаш соҳасида, шу жумладан, “Ноль чиқинди” ташаббусини илгари суришда ҳамкорликни янада ривожлантиришга тайёриги билдирилди.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий мажлиси сенати
матбуот хизмати.**

ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ КОНСТИТУЦИЯ ДАРАЖАСИДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА



Жорий йилнинг 30 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2023 йил 10 мартдаги ҳамда Олий Мажлис Сенатининг 14 мартдаги қарорларига мувофиқ, “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикасининг референдуми ўтказилади.

“Конституциянинг ягона манбаи ва муаллифи халқ бўлиши керак” ғояси асосида конституциявий қонун лойиҳаси бўйича умумхалқ муҳокамаси ўтказилиб, аҳолидан уни такомиллаштириш юзасидан 220 мингдан зиёд таклифлар келиб тушган ва уларнинг ҳар тўрттасидан биттаси лойиҳадан жой олган. Конституциявий қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида БМТ, ЕХХТ, ШХТ, Европа Иттифоқи, Туркий давлатлар ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган 400 дан ортиқ халқаро ҳужжатлар, 190 га яқин мамлакатлар конституциялари пухта таҳлил этилган.

Янгиланаётган Ўзбекистон Конституциясидаги моддалар сони 128 тадан 155 тага, ундаги нормалар эса 275 тадан 434 тага оширилди, 128 та модданинг 91 тасига концептуал ўзгаришлар киритилмоқда.

Конституциянинг янги таҳрирдаги 49-моддасида ҳар қим қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқига эгаллиги, фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш ва атроф-муҳит муҳофазасини кучайтириш мақсадида шаҳарсозлик фаолияти соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш юзасидан давлатнинг мажбуриятлари белгиланмоқда.

Давлат барқарор ривожланиш принципига мувофиқ, атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириши қайд этилган.

Бундан ташқари, давлат Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини муҳофаза қилиш ҳамда тиклаш, минтақани ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш юзасидан чоралар кўриш мажбуриятлари белгиланаяпти.

Умуман олганда, экология ва атроф-муҳит муҳофазасига оид давлатнинг конституциявий мажбуриятлари 3,5 баробарга ошмоқда.

Айтиш лозимки, бу мажбуриятларни бажариш учун давлатимизда катта ишлар фаол олиб бормоқда.

Республикамиз атмосфера ҳавосига таъсир хавфи юқори бўлган 44 та саноат корхоналарининг турғун ифлослантирувчи манбаларидан намуналар олиш ва таҳлил қилиш бўйича 50 та автомат станциялари ҳамда саноат корхоналарининг ифлослантирувчи манбаларига туташ ҳудудларида 12 та стационар кузатиш пунктлари ўрнатилди ва ягона геоахборот маълумотлар базасига интеграция қилинди.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар (I-V тоифалари

+ биосфера резерватлари) майдони сўнги беш йил якуналари бўйича умумий майдони 6 млн. 320 мингдан ортиқ гектарни ташкил қилиб, мамлакат умумий майдонидаги улуши 4,5%дан 14,08%га ортди.

Ўзбекистон атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида жами 14 та халқаро (конвенциялар) шартномага ҳамда 2 та халқаро ташкилотга аъзо бўлди.

Оролнинг қуриган тубида туз чанглари ушлаб улар таъсирини камайтириш мақсадида 2019-2023 йилларда 1 млн. 799 минг гектар майдонда саксовул, черкез, қандим дарахт ва буталаридан иборат “Яшил қоплама”лар ташкил этилди. Ушбу кўрсаткич 2,5 млн. гектарга етказилади.

Республикада «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида 2022-2026 йилларда ҳар йили 200 млн. дондан дарахт ва бута кўчатлари ҳамда қаламчалари экилади. Яшил ҳудудларни кенгайтириш, дарахт кўчатларини экиш ва уларни самарали парваришлаш орқали экологик муаммолар, иқлим ўзгариши билан боғлиқ салбий оқибатларнинг олдини олиш, шаҳар ҳамда туман марказларида яшил майдонларни амалдаги 8 фоиздан 30 фоизда етказиш назарда тутилгани ғоят аҳамиятлидир.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда экологик барқарорликни таъминлаш, аҳолининг қулай табиий муҳитга эга бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, табиий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш, юзага келаётган экологик муаммоларнинг олдини олиш ва уларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Конституциямизда Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини ҳимоя қилиш ва тиклаш, уни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш бўйича давлат томонидан кўшимча чоралар кўрилиши давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида мустаҳкамланиши ҳам шундан далолат беради.

Мазкур ўзгартириш бошқа давлат конституцияларида учрамайдиган ҳолат бўлиб, унда алоҳида минтақадаги экологик тизимнинг ҳимояси масаласи давлат мажбурияти сифатида белгиланмоқда.

Биз қураётган фаровон давлат ва жамиятда инсон энг олий қадриятдир. Шунинг учун унинг яшаш шароитлари, шу жумладан, атроф-муҳит сифатини асраш давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлмоқда.

Улмас СОБИРОВ,

Табиат ресурслари вазирлиги ҳузуридаги Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институти бўлими бошлиғи.

Давлат дастури:**ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ**

Мамлакатимизда 2023 йилга “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”, деб ном берилиши замирида улкан маъно мужассам. Инсонни кадрлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган ишлар юқори босқичга қўтарилади. Таълимга эътибор юртимиз ривожини ва тараққиётини билан узвий боғлиқ бўлиб, барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия орқали эришилади. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яққою ягона тўғри йўлидир. Шунинг учун ушбу соҳада бошлаган ислохотлар давом эттирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 февралдаги ПФ-27-сонли Фармони билан 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” да амалга оширишга оид Давлат дастури тасдиқланди.

Давлат дастурида барча соҳалар қатори атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик вазиятни яхшилаш, табиий ресурсларни асраш, аҳоли саломатлигини сақлаш бўйича устувор вазифалар белгилангани эътирофга молик.

Хусусан, 2023 йил давомида сув ресурсларини бошқаришда рақамли технологияларни кенг жорий қилиш, сув тежовчи технологиялардан фойдаланиш, зарур ирригация ва мелиорация тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш орқали камида 7 млрд метр куб сув иқтисод қилинади ҳамда 300 минг гектар майдонда такрорий экинларни суғоришга йўналтирилади. Ўзбекистоннинг олис ҳудудларидаги аҳолини ижтимоий буюртма лойиҳалари асосида тоза ичимлик сув билан таъминлаш чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилади.

БМТ маълумотларига кўра, дунё аҳолисининг қарийб 40 фоизи тоза ичимлик суви етишмайдиган ҳудудларда яшайди. 2025 йилга келиб ҳар 10 кишидан 6 нафари ёки 5,5 миллиард аҳоли чучук сув танқислигидан азият чекиши мумкин. Юқумли касалликларнинг 80 фоиздан ортиғи айнан ичимлик сув сифатининг пастлиги ҳамда сув таъминотида санитар-гигиеник қоидаларнинг бузилиши билан боғлиқ.

Давлат дастурининг 6-йўналишида “Аҳоли саломатлиги ва генфондига зиён етказадиган мавжуд экологик муаммоларни бар-тараф этиш”, “Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, шаҳар ва туманларда экологик аҳволни яхшилаш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш”, “Ўрмонлар майдонини кенгайтириш” мақсадлари белгиланган.

Оролбўйи ҳудудини экологик жиҳатдан тиклаш ишларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилади. Жанубий Орол денгизи зонасининг барқарор сув таъминотини яхшилаш бўйича тегишли таклифлар ишлаб чиқиш; Оролбўйи минтақасининг турли ҳудудларида туристларга қулайликлар яратиш учун мақсадли экотуризм маршрутлар харитасини ишлаб чиқиш ва ҳудуднинг турли нуқталарида эколагерлар ва экомаршрутлар ташкил этиш; «Қуйи Амударё» давлат биосфера резервати, «Сайгачий» мажмуа (ландшафт) буюртма кўриқхонаси, «Судочье-Акпетки» давлат буюртма кўриқхонаси, «Жанубий Устюрт» миллий табиат боғи ва «Оролқум» миллий табиат боғи ҳамда «Борсаке-мас» давлат буюртма кўриқхонасида, Мўйноқ шаҳридаги денгиз кемалари қабристонини, Судочье кўлида экотуризмни ривожлантириш ишларини ташкил этиш шулар жумласидандир.

2023 йилда маиший чиқиндиларни йиғишни 100 фоизга, уни қайта ишлаш даражасини 21 фоиздан 50 фоизга етказиш назарда тутилган. Осиё тараққиёт банки иштирокидаги «Қаттиқ маиший чиқиндиларни барқарор бошқариш» лойиҳаси



доирасида 100 та махсус техника харид қилинади.

Атроф табиий муҳитни қузатиш, давлат экологик назоратини доимий ахборот билан таъминлаш, ифлослантирувчи манбаларнинг ҳолати ва атроф-муҳитга таъсири мониторинги амалга оширилади.

Иқтисодиёт тармоқлари ҳавога чиқариладиган зарарли газлар ҳажми 10 фоизгача қисқартирилади. Янги ишга тушириладиган ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотларида ифлослантирувчи манбаларида самарадорлиги 99,5 фоиздан кам бўлмаган чанггаз тозалаш ускуналари ўрнатилади.

Мамлакатимиз ҳудудларида «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида 200 млн туп манзарали, мевали дарахт ва буталар кўчатлари ҳамда қаламчаларини экилади. Бунда кўкаламзорлаштириладиган майдонларни аниқлаш, ҳар бир ҳудуднинг табиий тупроқ иқлим шароитига мос кўчат ва қаламчаларни танлаш, экиш ҳамда агротехника қоидалари асосида суғориш, парваришлаш бўйича амалий чоралар, молиялаштириш манбалари ва масъулларни белгилаш назарда тутилган.

Хулоса ўрнида айтганда, Давлат дастурида белгиланган устувор мақсадлар биринчи навбатда инсон қадрини ва фаровонлигини учун хизмат қилади.

Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институти матбуот хизмати.

ҲАШАР —

ҳамжиҳатлик, ободлик ва яратувчанлик рамзи

Наврӯз айёми арафасида мамлакатимизда “Обод ва файзли маҳалла – юрт кўрки” шиори остида ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашари халқимиз бирдамлиги, яқдиллиги, аҳиллиги ва ҳамжиҳатлигининг яна бир ёрқин намунаси бўлди. Жорий йилнинг 18 март куни республикаимиз ҳудудларида кенг миқёсдаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди.

“Маҳалла” фонди матбуот хизмати тақдим этган маълумотларга кўра, 12 мингдан зиёд эҳтиёжманд аҳолига моддий ёрдам кўрсатилди. 3 минг 102 нафар якка-ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олинди. Бунинг учун 4 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарф этилди.

Бундан ташқари, 4 мингдан зиёд эҳтиёжманд оилаларнинг уй-жойларини таъмирлаш учун 1,5 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

Ҳашар доирасида 2 миллион тупга яқин манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ўтказилди. 11 минг тоннадан зиёд маиший ва саноат чиқиндилари чиқариб ташланди. 9 мингдан зиёд қабристон, 5 юздан зиёд зиёратгоҳлар ободонлаштирилди.

Ҳашарда жами 8 миллион нафардан зиёд юртдошимиз иштирок этган бўлса, уларнинг 5 миллиондан кўпроғини ёшлар ташкил этди. Ҳашарга оид маълумотлар мунтазам тарзда «Маҳалла» фонди томонидан умумлаштириб борилди.

Мамлакатимиз бўйлаб «Обод ва файзли маҳалла – юрт кўрки» шиори остида бўлиб ўтган умумхалқ хайрия ҳашари доирасида Табиат ресурслари вазирлиги томонидан Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани Галавасой маҳалла фуқаролар йиғини тоғ олди ҳудудида дарахт кўчатлари экиш акцияси ташкил этилди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Бўстонлиқ туманининг тоғ олди ҳудудларида вазирлик ва идоралар учун сўлим боғ масканларини ташкил этиш мақсадида 1660 гектар майдон ажратилган бўлиб, бундан кўзланган асосий мақсад «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида тоғ ён бағирларида яшил майдонлар ҳудудини янада кенгайтиришдан иборат.

Туманнинг Галавасой маҳалла фуқаролар йиғини тоғ олди ҳудудида ташкил этилган дарахт кўчатлари экиш акциясида Табиат ресурслари вазирлиги, вазирлик ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги агентлиги ҳамда вазирликнинг тизим ташкилотларида фаолият кўрсатаётган 580 нафар ходимлар иштирок этишди.



Том маънода халқимизга хос ҳашар сифатида ўтказилган акция давомида Галавасой маҳалла фуқаролар йиғини тоғ олди ҳудудидаги 10 гектар майдонга жами 6500 туп, шундан 250 туп қрим қарағайи ва 6250 туп бодом кўчатлари экилди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, Галавасой маҳалласи тоғ олди ҳудудига экилаётган қрим қарағайи ва бодом кўчатлари айнан тоғли лалмикор ерлар иқлимга мос дарахт турлари ҳисобланади. Сувсизликка чидамли дарахт турларини экиш жараёнида намликни узоқ вақт сақлаш мақсадида уларнинг тағ қисмида тоғ қияликларига мослаб ариқчалар қазиб кетилмоқда. Албатта, бу чоралар баҳорнинг серёғин кунларида дарахт кўчатларининг баравж ўсиб ривожланишида муҳим ҳисобланади.

Мазкур дарахт кўчатлари экиш тадбирида Табиат ресурслари вазири ўринбосари Н. Обломуратов иштирок этди ва яхши ният билан дарахт кўчати ўтқазди.

Хулоса ўрнида айтганда, халқимизнинг ўзаро ҳамжиҳатлик, аҳиллик, ободлик, меҳру оқибат каби миллий қадриятларини ўзида мужассам этган ҳашар табиат уйғониши, яшариш ва янгилашиш рамзи Наврӯз айёми арафасида барча-барча — кексаю ёшга баҳорий кайфият, яратувчанлик завқни бағишлади.

**Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш
технологиялари илмий-тадқиқот институти
матбуот хизмати.**



Дарахт экиб, боғ барпо этиш халқимизга хос азалий қадриятлардан ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари эълон қилган «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида юртимизда йилига 200 миллион туп дарахт, бута кўчатларини экиш ва бу орқали республика-мизда яшил майдонларни кўпайтириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз бўйича 2021 йил куз мавсумида 85 млн, 2022 йил баҳорида 126,8 млн, куз фаслида 75,9 млн дона кўчатлар экилгани ҳам шундан далолат беради.

«ЯШИЛ МАКОН» УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИХАСИДА ФАОЛ БЎЛИНГ!

Мазкур лойиҳа доирасида яшил ҳудудларни кенгайтириш, дарахт кўчатларини экиш ва уларни самарали парваришлаш орқали экологик муаммолар, иқлим ўзгариши билан боғлиқ салбий оқибатларнинг олдини олиш, шаҳар ҳамда туман марказларида яшил майдонларни амалдаги 8 фоиздан 30 фоизга етказиш назарда тутилгани ҳолат аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 февралдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили» да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги фармонида мувофиқ, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида 2023 йил давомида 200 млн туп манзарали, мевали дарахт ва буталар кўчатлари ҳамда қаламчаларини экиш белгиланган. Баҳор мавсумида республика-миз ҳудудларида 125 млн дона манзарали, мевали ва бошқа турдаги дарахт, бута кўчатлари экилиши режалаштирилган.

Лойиҳа доирасида жорий йил 1 март санасидан Тошкент шаҳрида кўчат экиш ишлари бошланди. Шу муносабат билан Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Табиат ресурслари вазирлигининг Тошкент шаҳар бошқармаси, Ўзбекистон Экологик партияси ҳамкорлигида тадбир ташкил этилди.

Тадбирда Табиат ресурслари вазири Азиз Абдухакимов ҳам иштирок этиб, Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси ҳозирда кенг қулоқ ёзиб, умуммиллий ҳаракатга айланганини таъкидлади.

Шуни алоҳида қайд этиш ўринлики, жорий баҳорги мавсумда ҳам ушбу лойиҳа доирасидаги ишларни янада изчил давом эттирган ҳолда манзарали ва мевали дарахт кўчатларини, буталарни экиб, юртимизда яшил ҳудудларни янада кўпайтириш мақсад қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида жорий йилнинг 8 февраль куни ўтказилган видеосе-

латор йиғилишида 2023 йилда Тошкент шаҳрининг яшиллик даражасини 28 фоизга етказиш вазифаси кўйилди. Шу мақсадда 100 гектар майдонда янги боғ ташкил қилинади.



«Тошкент яшил белбоғи» лойиҳаси бошланиб, баҳор мавсумида 525 минг туп дарахт ва буталар, 20 миллион туп гул кўчатлари экилади.



Албатта, бу вазифаларни амалга ошириш Табиат ресурслари вазирлиги ва вазирликнинг Тошкент шаҳар бошқармаси жамоасидан ҳам катта масъулият талаб этади.

Атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашда дарахтларнинг ўрни жуда катта бўлиб, фотосинтез жараёнида дарахтлар ажратадиган кислород тоза ҳаводан нафас олишимизни таъминлаб беради. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, дарахт экиш ҳар биримизнинг бурчимизга, кенг жамоатчиликнинг вазифасига айланиши лозим.

Тадбирда шундан келиб чиққан ҳолда ўтган йиллар давомида «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида тўпланган тажриба асосида жорий мавсумда Тошкент шаҳрида дарахт кўчатларини ўтқазиб тадбирлари ҳақида маълумот берилди. Қайд этилганидек, пойтахт иқлимга мос кўчатларни танлаб, уларни парваришлаш, суғориш тизимини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Тадбирда манзарали, мевали дарахтлар ва бута кўчатлари, гуллар ҳамда ўсимликлар парвариши учун муҳим бўлган минерал ва органик озукалар кўргазмаси ташкил этилди.



Тадбир доирасида бўлиб ўтган кўчат экиш акциясида Табиат ресурслари вазири Азиз Абдухакимов яхши ният билан дарахт кўчати ўтқазди. Шу куннинг ўзида пойтахтимизнинг барча ҳудудларида ниҳолларни экиш жараёни бошланди. Режага кўра, баҳорги мавсумда Тошкент шаҳрида 600 минг донадан ортиқ манзарали, мевали ва бошқа турдаги дарахт ҳамда бута кўчатларини экиш белгиланган.

Нурафшон шаҳридаги «Янги Ўзбекистон» боғида ўтказилган дарахт кўчатларини экиш тадбири «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасида фаол бўлинг!» деб номланди. «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасининг баҳорги мавсуми доирасида Тошкент вилояти ҳокимлиги, Табиат ресурслари вазирлиги Тошкент вилояти бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирда Табиат ресурслари вазири Азиз Абдухакимов иштирок этди.

Бугун дунё миқёсида экологик вазиятни яхши деб бўлмайди. Бунинг юзага келишига эса жуда кўп омиллар сабаб бўлмоқда. Транспорт воситалари, ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда аҳоли сонининг кўпайиши шулар жумласига киради. Кейинги вақтларда экологияни зарарловчи омиллар кўпайиши баробарида ҳавони тоза-

лашга хизмат қилувчи дарахтларга бўлаётган муносабат кишини ташвишлантиради. Ноқонуний кесилишлар билан бирга дарахтлар таг қисмининг бетонланиши, турли усуллар билан илдизига шикаст етказилиши каби ҳолатлар ҳар биримиздан ўсиб турган кўп йиллик дарахтларга эътиборли бўлишни талаб қилмоқда.

“

– Шу кунларда бутун республика бўйлаб «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида кўчат экиш тадбирлари олиб бориляпти. Шунини алоҳида таъкидлашни истардимки, бу узоқни кўзлаб амалга ошириляётган муҳим лойиҳа, – деди Табиат ресурслари вазири А.Абдухакимов. – Лекин кўчат экиш билан бирга экилган кўчатларни кўкартириш ва асраб-авайлашга ҳам эътибор қаратишимиз, шунингдек, бор дарахтларни сақлаб қолиш зиммамиздаги муҳим масала саналади. Дарахтлар табиатнинг ўпкаси ҳисобланади. Уларсиз кислород етишмайди, кислородсиз эса ҳаёт бўлмайди. Мана шу оддий ҳақиқатни тушуниб, биргаликда дарахт экиш тадбирларини амалга оширсак, ўйлайманки, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасининг самарадорлиги янада ортади.

”

Тадбир давомида Тошкент вилоятида «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасининг баҳорги мавсумига старт берилди.

Маълум қилинишича, жорий мавсумда 203,4 гектар майдонда 10 млн 141 минг 900 туп дарахт ва бута кўчатларини экиш режалаштирилган бўлиб, бу борада вилоятнинг барча ҳудудларида амалий ишлар олиб борилмоқда.

Дарахт экиш акциясида А.Абдухакимов ҳам қатнашиб, кенг жамоатчилик вакиллари қаторида яхши ният билан дарахт кўчатини ўтқазди.



Акция давомида вилоятдаги корхона ва ташкилотлар жамоалари, нуронийлар, маҳалла фаоллари, депутатлар ҳамда ёшлардан иборат 2000 нафардан ортиқ иштирокчилар 1000 тупдан зиёд манзарали ва мевали дарахт кўчатларини экишди.

«Яшил макон» умумиллий лойиҳаси доирасида Термиз ва Ангор туманлари туташган «Каттақум» массивида саксовул кўчатлари ҳамда уруғларини экиш ишлари бошланди.



Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Табиат ресурслари вазири ўринбосари Н. Обломуратов, Сурхондарё вилояти ҳокими У. Қосимов Президентимизнинг жорий йил 13 март куни Сурхондарё вилоятига ташрифи давомида чўл зоналарида қум бўронлари ва чанг-тўзонлари кўтарилишининг олдини олиш мақсадида саксовулзорлар ташкил этиш бўйича белгилаб берган вазифаларининг аҳамияти жуда катта эканини таъкидладилар.

Айтиш ўринлики, Табиат ресурслари вазирлиги вилоят бошқармаси ҳамда вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан воҳада 1,5 минг гектарда саксовулзорлар барпо этиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасидан 100 минг туп саксовул кўчатлари ва 15 тонна саксовул уруғи келтирилган.

Кўчат экиш тадбиридан аввал илмий-амалий семинар ташкил этилиб, унда мутахассислар, тажрибали боғбонлар, ўрмончилар томонидан саксовул кўчатининг аҳамияти, экиш талаблари ҳақида маълумотлар берилди.

Кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган ушбу хайрли тадбирда 10 гектар ер майдонига 12 мингдан ортиқ саксовул кўчатлари экилди.

«Яшил макон» умумиллий лойиҳаси доирасида Андижон вилоятида 9 миллион 635 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ҳамда қаламчалар экилиши режалаштирилган. Айни кунларда мазкур йўналишдаги ишлар вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида юқори кўтаринкилик билан олиб борилмоқда.

Избоскан туманида ушбу хайрли лойиҳа доирасида 100 дан зиёд автомашиналарга ортилган 90 мингдан ортиқ мевали, манзарали дарахт ҳамда гул кўчатлари маҳалла ва ташкилотларга етказиб берилди. Кўчат экиш ишлари туман ҳокими, сектор раҳбарлари бошчилигида 63 та маҳалла ҳамда 60 дан зиёд ташкилот ва

корхоналарда уюшқоқлик билан ўтказилди. Балиқчи туманида эса баҳор мавсумида «Яшил макон» лойиҳаси доирасида 730 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиш режалаштирилган. Ҳозирга қадар йўл бўйларига, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг бўш турган ҳудудларига, маҳаллаларга 250 минг тупга яқин кўчатлар ўтказилди.

– Халқимизда «Яхшидан боғ қолади», деган ҳикматли гап бежиз айтилмаган, – дейди Балиқчи тумани ҳокими Жасурбек Абдураимов. – Қолаверса, кўчат экиш, ҳудудларни яшил маконга айлантиришдек хайрли иш халқимизга хос анъана, қадрият. Шу боис ҳам ушбу жараёнда каттаю кичик фаол иштирок этмоқда. Вилоятнинг барча туман, шаҳарларида «Яшил макон» лойиҳаси доирасида кўчат экиш ишлари қизғин давом этмоқда.

Бухорода «Яшил макон» умумиллий лойиҳасининг баҳорги мавсумига 3 март куни старт берилди. Шу муносабат билан Бухоро шаҳридаги «Ширбудин» тантаналар уйи рўпарасидаги майдонда тадбир ташкил этилди. Унда вилоят ҳокими Ботир Зарипов қатнашди.

Тадбир доирасида 500 туп манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Маълумотларга кўра, жорий йилнинг баҳор мавсумида вилоятда 9 миллион 668 минг дона манзарали, мевали ва бошқа турдаги дарахт ва бута кўчатларини экиш бўйича манзилли дастур ишлаб чиқилган.

Шу билан бирга, кўп қаватли уйлар атрофи, хиёбонлар, сайилгоҳлар ва бошқа манзилларга мавсумий гуллар, райҳон ва бошқа турдаги маҳаллий кўчатлар экилади.



Экилган кўчатларни парваришlash ишлари, яъни суғориш, тағ қисмини чопиқ қилиш, минерал ва органик озукалар билан озиклантириш ҳамда зараркунандаларга қарши ишлов бериш ишлари олиб борилади.

«Яшил макон» умумиллий лойиҳасига асосан Наманган вилоятида 2021-2022 йилларда 21 миллион 831 минг туп дарахт ва бута кўчатлари экилиб, парвариш қилинган. Жорий йилнинг 6 март куни ушбу лойиҳанинг баҳорги мавсумига старт берилди.

Янги Наманган туманининг «Саховат» маҳалласи ҳудудида бошланган дарахт экиш тадбирида вилоят ҳоқими Шавкат Абдураззоқов, сектор раҳбарлари, корхона ва ташкилотлар мутасаддилари, кенг жамоатчилик ҳамда ОАВ вакиллари қатнашди.

Маълумот учун, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасининг баҳорги мавсумида Наманган вилоятида 9 миллион 692 минг дона манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатлари ҳамда қаламчалари экиш режалаштирилган. Бу бўйича вилоятда 7 миллион 740 минг дона кўчат захиралари шакллантирилди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани сингари Навоий вилоятида ҳам шу кунларда «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасининг баҳорги мавсуми қизғин давом этмоқда.

Жорий йилнинг 16 март куни Табиат ресурслари вазири Азиз Абдуҳақимов бу борада амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида хизмат сафари билан Навоий вилоятига борди.

Шу ўринда айтиш ўринлики, давлатимиз раҳбари 2022 йилнинг 25 ноябрь куни Навоий вилоятига ташрифи давомида вилоятни республиканинг намунавий ҳудудига айлантириш бўйича янги ташаббусларни илгари суриб, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини амалга оширишда «Навоий тажрибаси»ни жорий этиш бўйича топшириқлар берган эди.

Мазкур ташаббус ижросини ўз вақтида таъминлаш мақсадида «Йўл харитаси» ишлаб чиқилди. «Йўл харита»га асосан вилоятда кўчат ўтқазиб бўйича чоратадбирлар белгиланиб, аниқ манзилли дастурлар ишлаб чиқилди. Бунда туманларда 5 гектардан кам бўлмаган ҳудудлар аниқланиб, экиладиган кўчатлар учун ер тайёрлаш, суғориш тизимини йўлга қўйиш, ерни маҳаллий ўғитлар билан бойитиш чоралари кўрилди.

Ҳудудлардаги ҳар бир корхона, ташкилот, муассаса ва хўжалик юритувчи субъектларнинг дарахт экиш бўйича режаси белгилаб олинди. Бунда дарахт кўчатларини экиш ишлари суғориш тизимини инobatга олган ҳолда режалаштирилди.

Навоий вилоятида, шунингдек, ҳар бир маҳаллий ҳоқимлик томонидан «Ҳоқимлик боғ»лари, вазирлик ва идораларга тегишли ҳудудларда «Вазирлик боғи»ни барпо қилиш ишлари ҳам бошлаб юборилди.

Табиат ресурслари вазири Азиз Абдуҳақимов Қизилтепа туманининг «Малиқобод» МФЙ ҳудудида ташкил этилаётган «Ҳоқимлик боғи»да бўлиб, вилоят ва туман ҳоқимлиги, кенг жамоатчилик вакиллари қаторида кўчат экиш акциясида иштирок этди.

Ушбу акция давомида 5 гектар ер майдонига 1000 туп павловния, 500 туп каталпа кўчатларини экиш ишлари амалга оширилди.

Табиат ресурслари вазири А.Абдуҳақимов ҳудудни кўздан кечириб, олиб борилаётган ишларни сифатли ташкил этиш юзасидан масъулларга кўрсатма ва тавсиялар берди.



Азиз Абдуҳақимов Навоий вилояти ҳоқими Нурмат Турсунов билан «Ҳоқимлик боғи» ҳудудида экилган ярим гектардаги терак, тол ва жийда қаламчалари, шунингдек, яна ярим гектарда пайванд усулида экилган ўрик боғи билан ҳам танишиб, бу ерда яратилган тажрибани юқори баҳолади ва ҳудудларда оммалаштириш бўйича ўз тавсияларини берди.

«Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида 2023 йил баҳор мавсумида кўчат экиш ишларининг бориши тўғрисидаги маълумотга кўра, мавсум бошидан 2 апрель санасига қадар **119 млн 819 минг** дона экилган кўчатлар туман (шаҳар) штаблари томонидан электрон платформага киритилиб, белгиланган режа **95,9 фоизга** бажарилган.

Маълумот учун: бу кўрсаткич Бухоро вилоятида **102,6 фоиз**, Фарғона вилоятида **101,8 фоиз**, Қашқадарё вилоятида **100,0 фоиз**, Сурхондарё вилоятида **100,4 фоиз**, Навоий вилоятида **97,5 фоиз**, Самарқанд вилоятида **100,7 фоиз**, Тошкент вилоятида **99,5 фоиз**, Андижон вилоятида **101,1 фоиз**, Наманган вилоятида **98,3 фоиз**, Жиззах вилоятида **100,6 фоиз**, Тошкент шаҳрида **72,9 фоиз**, Сирдарё вилоятида **75,7 фоиз**, Хоразм вилоятида **83,1 фоиз**, Қорақалпоғистон Республикасида **81,7 фоиз**ни ташкил қилади.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кўчат экиш ишлари давом этмоқда.





Атроф-муҳит ва сув ресурслари бўйича «Европа Иттифоқи – Марказий Осиё» юқори даражадаги 7-конференцияси

Табиат ресурслари вазири А.Абдухакимов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси 2023 йил 23-24 февраль кунлари Италия пойтахти Рим шаҳрида ўтказилган Атроф-муҳит ва сув ресурслари бўйича «Европа Иттифоқи – Марказий Осиё» юқори даражадаги 7-конференциясида иштирок этди.

Мазкур нуфузли конференцияда Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё давлатлари атроф-муҳит соҳасидаги

вазирлик ва идоралари вакиллари ҳамда халқаро ташкилотлар экспертлари қатнашди.

Конференциянинг очилиш тадбири доирасида Атроф-муҳит ва сув ресурслари бўйича «Европа Иттифоқи – Марказий Осиё» платформаси ҳамда Атроф-муҳит ва иқлим ўзгариши бўйича ишчи гуруҳнинг сўнгги йиллардаги фаолияти натижалари тақдироти бўлиб ўтди.

“

Платформанинг 2023-2025 йилларга мўлжалланган фаолиятининг устувор йўналишлари аниқланиб, ушбу йўналишдаги истиқболдаги лойиҳалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Табиат ресурслари вазири А.Абдухакимов маърузасида конференция иштирокчилари эътиборини Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ глобал экологик муаммоларга қаратиб, Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан кейинги йилларда ушбу эко-



логик муаммони бартараф этиш юзасидан Орол денгизининг суви қуриган туби ва Оролбўйи минтақасида кенг миқёсда амалга оши-

рилатган ишлар ҳақида маълумот берди.

Таъкидланганидек, Орол денгизининг қуриб қолган қисмида экотизимни яхшилаш, тадқиқотлар ва инновацияларнинг илғор тажрибаларини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Оролбўйи халқаро инновация маркази ва БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик траст жамғармаси ташкил этилди ҳамда Оролбўйи

минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш ҳақида БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюцияси қабул қилинди.

Шунингдек, «Яшил Марказий Осиё» ташаббуси доирасида минтақавий мулоқотни мустақкамлашни давом эттириш, табиий ресурсларни барқарор бошқариш, биологик хилма-хилликни сақлаш ва бошқа истиқболли йўналишлар бўйича ҳамкорликни кенгайтиришнинг аҳамиятли эканлиги қайд этилди.

А.Абдухакимов конференция иштирокчиларини жорий йилнинг октябрь ойида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтиши режалаштирилган БМТ Чўлланашга қарши курашиш конвенциясининг бажарилишини кўриб чиқиш қўмитасининг 21-йиғилиши ҳамда БМТ Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрвчи турларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенциясининг 14-томонлар конференцияси (CMS COP-14) да иштирок этишга таклиф қилди.

Конференция давомида бир қатор икки томонлама учрашув ва музокаралар ўтказилди



Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Табиат ресурслари вазири А. Абдухакимов конференциядаги иштироки доирасида Абрuzzо, Лацио ва Молисе миллий боғида бўлиб, ушбу миллий боғ фаолияти билан яқиндан танишди ҳамда Миллий боғ президенти Гиованни Канната билан учрашди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, мазкур миллий боғ 1922 йилда ташкил этилган, умумий майдони 496,8 кв. км ва учта тоғ тизмасини ўз ичига олади, уларнинг энг каттаси Монти делла Мета (2249 м) ҳисобланади.

Боғ ноёб ҳайвонлар турлари, жумладан, йўқ бўлиб кетиш арафасида турган ва махсус ҳимояга олинган апеннин кўнғир айиқлари ва Италия бўрилариининг доимий яшаш маконидир.

Табиат ресурслари вазири А. Абдухакимов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси мазкур миллий боғ фаолияти билан яқиндан танишиш жараёнида Италиянинг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда ишларни ташкил этиш, миллий боғни барқарор бошқариш, ёввойи табиатга зарар етказмаган ҳолда

рекреацион туризмни ривожлантириш ва тарғиб қилиш тажрибаси юзасидан маълумотлар алмашилди.

Ташриф якунлари бўйича Италиянинг бу борадаги кўп йиллик тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, республикамизнинг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида италиялик мутахассисларнинг Ўзбекистон Республикасига жавоб ташрифини ташкил этишга келишилди.

“**К**онференция доирасида Ўзбекистон Республикаси Табиат ресурслари вазири А.Абдухакимов ва БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) Бош директорининг биринчи ўринбосари Томас Лоран ўртасида учрашув ташкил этилди.





Учрашув давомида ФАОнинг иқлим ўзгаришига мослашиш, ерларнинг дегра- дацияси, экинлар ва биологик хилма-хил- лик йўқолишига қарши курашиш бўйича амалга оширилатган қўшма лойиҳалари муҳокама қилинди.

Ташкилот Бош директорининг биринчи ўринбосари Томас Лоран Ўзбекистон ке- йинги йилларда минтақада муҳим ташаб- бусларни илгари суриб, Глобал экологик жамғарма (GEF) маблағларини жалб этган ҳолда грант лойиҳаларини амалга оши- ришда фаол иштирок этганини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг Орол денгизи экологик фа- локати оқибатларини юмшатиш бораси- даги ташаббусларини эътироф этди.

Маълумот ўрнида қайд этиш лозимки, ФАО билан биргаликда Глобал экологик жамғарманинг умумий қиймати 25,2 миллион доллар бўлган 5 та лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Учрашувда Глобал экологик жамғарма 8-молиялаш даври (2022-2026 йиллар) доирасида 6,4 миллион дол- лар миқдоридagi лойиҳа концепциясини илгари суриш бўйича келишувга эришилди.

Томонлар Глобал экологик жамғарманинг глобал тақсимоти доирасида трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш, шунингдек, турғун органик ифлослантирув- чи моддаларни хавфсиз бошқариш бўйича лойиҳаларни амалга оширишда ҳамкорлик қилишдан манфаатдор эканлигини билдирди.

Ўзбекистон делегациясининг учрашуви ФАО бош қароргоҳида ташкил этилган «Ўзбекистон» тематик залида бўлиб ўтди. (ФАО) Бош директорининг биринчи ўринбосари Т.Лоран анъанавий ўзбек қадриятларини ўзида мужассамлаштирган мўъжаз зал ҳақида ҳам сўз юритиб, ходимларнинг энг сеvimли масканларидан бири эканини таъкидлади.

Учрашув якунида ФАО вакиллари жорий йилнинг кузида Самарқанд шаҳрида БМТнинг чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш, шунингдек, Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрувчи турларини сақлаш бўйича бўлиб ўтадиган юқори даражадаги тадбирла- рига таклиф этилди.

«Европа Иттифоқи – Марказий Осиё» юқори даражаги 7-конференцияси доирасида
А.Абдухакимов БМТ Европа Иқтисодий Комиссиясининг Атроф-муҳит масалалари
бўйича департаменти директори Марко Кайнер билан учрашув ўтказди.



Учрашувда томонлар ўзаро ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилди. Хусусан, Ўзбекистонда атроф-муҳит ҳолати бўйича 2019-2023 йилларга мўлжалланган Миллий ҳисоботни тайёрлаш истиқболлари бўйича фикр алмашилди.

Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг 1 февраль куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистонда атроф- муҳит ҳолати бўйича Миллий ҳисоботни ишлаб чиқиш методологияси бўйича кириш семинар-тренинги бўлиб ўтган эди. Ушбу семинарда таъкидланганидек, мазкур Мил- лий ҳисобот атроф-муҳит ҳолати ва унинг ўзгариши тенденцияларини баҳолаш им- конини берувчи экологик кўрсаткичларга асосланган асосий ахборот маҳсулидир.

БМТ томони Ўзбекистоннинг БМТ Европа Иқтисодий Комиссиясининг экологик конвенцияларига қўшилиши учун Европанинг илғор тажрибасидан фойдаланган ҳолда норматив-ҳуқуқий база ва институционал салоҳиятни мустаҳкамлашнинг барча босқичларида ҳар томонлама ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Табиат ресурслари вазири А. Абдухакимов БМТ Европа Иқтисодий Комиссиясининг Атроф-муҳит масалалари бўйича департаменти директори фаол ҳамкорлик учун миннатдорлик билдириб, жорий йилнинг октябрь ойида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтиши режалаштирилган БМТ нинг Чўлланишга қарши курашиш конвенциясининг бажарилишини кўриб чиқиш қўмитасининг 21-йиғилиши ҳамда Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрвчи турларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенциясининг 14-томонлар конференцияси (CMS COP-14)да иштирок этишга таклиф қилди.



«Европа Иттифоқи – Марказий Осиё» юқори даражадаги 7-конференцияси доирасида Ўзбекистон Республикаси Табиат ресурслари вазири А. Абдухакимов Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Т.Ҳакала билан учрашув ўтказди.

Т.Ҳакала Европа Иттифоқининг Ўзбекистон билан икки томонлама, шунингдек, минтақавий форматдаги ҳамкорлигини янада изчил амалга оширишдан манфаатдор эканлигини таъкидлади.

Жорий йилда «Ўзбекистон – Европа Иттифоқи» ва «Европа Иттифоқи – Марказий Осиё» йўналишида бир қатор соҳаларда ўтказилиши режалаштирилган муҳим учрашув ва тадбирларда экология ва атроф-муҳит соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратилиши кўзда тутилгани, шунингдек, Орол денгизининг қуриши муаммосига қарши курашишда кўмак бериш давом этилишини қайд этди.



Ўзбекистон томонининг экология соҳасида мутахассислар тайёрлаш учун Тошкент шаҳрида Минтақавий университетни ташкил этиш ташаббусини юқори баҳолади.

Европа томони Ўзбекистоннинг 2030 йилгача метан чиқиндиларини 30 фоизга камайтиришга қаратилган Глобал метан мажбуриятига қўшилиш борасидаги ҳаракатларини ҳам юқори баҳолаб, Ўзбекистонга бу йўналишда техник ёрдам кўрсатилишини ҳам маълум қилди.



Т.Ҳакала 2024 йилда Европа Иттифоқи 2021-2024 йилларга мўлжалланган бюджет цикли доирасида ажратилган молиявий ва техник ёрдам маблағларини ривожлантириш бўйича глобал таҳлил ўтказиш ниятида эканлигини билдирди.

Шунингдек, Т.Ҳакала Ўзбекистоннинг иқлим ўзгариши, биологик хилма-хилликни сақлаш ва шаҳар атрофидаги ресурслар, хусусан, сув ва ер ресурсларини бошқариш билан боғлиқ масалаларни бартараф қилишдаги минтақавий ёндашувини эътироф этди.

Учрашув якунида Табиат ресурслари вазири А. Абдухакимов Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Т. Ҳакалани жорий йилнинг октябрь ойида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтиши режалаштирилган БМТ нинг Чўлланишга қарши курашиш конвенцияси бажарилишини кўриб чиқиш қўмитасининг 21-йиғилиши ҳамда Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юривчи турларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенциясининг 14-томонлар конференцияси (CMS COP-14) да иштирок этишга таклиф қилди.

Хулоса ўрнида айтганда, Табиат ресурслари вазири А. Абдухакимов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси делегациясининг Атроф-муҳит ва сув ресурслари бўйича «Европа Иттифоқи – Марказий Осиё» юқори даражадаги 7-конференциясида иштироки ва конференция давомида ўтказилган бир қатор икки томонлама учрашув ва музокаралари жуда самарали бўлди. Рим шаҳрида ташкил этилган конференция «яшил энергия»га ўтиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги янги ташаббуслар ҳамда уларни Ўзбекистонда ва Марказий Осиё минтақасида амалга ошириш йўллари муҳокама этиш учун самарали платформа бўлиб хизмат қилгани билан янада муҳим аҳамият касб этади.

Табиат ресурслари вазирлиги матбуот хизмати.



ХАЛҚАРО СЕМИНАР:

ТАБИАТГА АСОСЛАНГАН ЕЧИМЛАР

Дунё миқёсида юзага келаётган иқлим ўзгаришлари, экологик муаммолар жаҳон ҳамжамиятидан биргаликда саъй-ҳаракатларни амалга оширишни талаб қилади. Ўзаро ҳамкорликда, билим ва тажриба алмашиш асносида белгиланган чора-тадбирлар, амалиётга татбиқ этилган лойиҳалар орқали самарали натижага эришилади.

Жорий йилнинг февраль ойида Япония пойтахти Токио шаҳрида ўтказилган «Табиатга асосланган ечимлар» мавзусидаги халқаро семинарда мамлакатимиз делегацияси таркибида Табиат ресурслари вазирлиги масъуллари ҳам иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, кўплаб мамлакатларда табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ижтимоий ва иқтисодий фаровонликни таъминлаш билан бирга иқлим барқарорлигини мустаҳкамлаш учун истиқболли ва тежамкор стратегия ҳисобланади.

Жаҳон банки иқлим муаммоларини бартараф этиш учун мамлакатларга барқарорликни оширишга ёрдам бериш мақсадида табиатга асосланган

ечимлар интеграциясини кенгайтирмоқда. Мазкур семинарда шаҳар бош режасини ишлаб чиқишда иқлим шароитига мос бўлган экотизимни барқарорлаштиришга қаратилган ва илмий асосланган ечимларни амалга ошириш бўйича ўрганиш учун платформа тақдим этилди.

Семинарнинг биринчи кунда халқаро экспертлар томонидан табиатга асосланган ечимларга умумий нуқтаи назар, сув тошқини хавфини бошқариш, жамоатчиликни жалб қилиш ва хусусий капитални сафарбар қилиш, сув ҳавзаси ва шаҳар бошқаруви учун иқлимга мослашиш мавзуларида тақдимот қилинди.

Япония, Камбоджа, Вьетнам, Индонезия, Иордания, Шри Ланка, Кот-д'Ивуар ва Руанда мамлакатлари вакиллари қаторида делегациямиз аъзолари ҳам иқлим ўзгаришини юмшатишга қаратилган ва табиатга асосланган ечимлар бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан тақдирот ўтказиб, ўзаро билим ва тажриба алмашишди.



Табиат ресурслари вазирлиги масъуллари табиийликка асосланган ечимларни такомиллаштириш орқали «яшил шаҳар» концепциясини ишлаб чиқишда мамлакатимизда амалга оширилаётган «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасининг ўрнини ва ушбу лойиҳа доирасидаги кенг қўламли ишлар ҳақида қатнашчиларга маълумотлар беришди.



Семинар давомида иштирокчилар Токио шаҳрининг шаҳар маъмурияти вакиллари яшил шаҳарларнинг бош режасини қандай режалаштириш мумкинлигини Токио мисолида амалий тарзда кўрсатиб бердилар. Масалан, жамоат парклар, йўллар четида ва бинолар олдида ёмғир сувларини йиғиш ва сақлашга мўлжалланган махсус сув тўплаш ҳавзаларидан ёнғингарчилик бўлмаган пайтларда шаҳардаги дарахт ва буталарни суғоришда фойдаланилади.

Семинарда иштирокчилар ўзаро алмашилган билим ва тажрибаларни амалиётда қўллаш юзасидан келишиб олишди.

Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институти матбуот хизмати.

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ



Жорий йилнинг 25 январь куни Ўзбекистон Республикаси Табиат ресурслари вазири Азиз Абдухакимов Жанубий Корея атроф-муҳит вазири ўринбосари Ю Чечул бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашди.



Учрашувда томонлар кейинги йилларда Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасида барча соҳаларда бўлгани каби экология ва атроф-муҳит муҳофазаси йўналишида ҳам ҳамкорлик алоқалари изчиллик билан ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этишди.

Маълумки, ҳозирги пайтда Глобал яшил ўсиш институтининг Марказий Осиёдаги ягона офиси Ўзбекистонда очилган бўлиб, Табиат ресурслари вазирлигида фаолият кўрсатмоқда. «KEITI» компанияси иштирокида самарали амалга оширилган «Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича бош режани тузиш» техник кўмаги лойиҳаси доирасида 6,6 млн АҚШ долларига тенг грант лойиҳаси молиялаштириш учун маъқулланди, шунингдек, йирик инвестиция лойиҳаси концепцияси ишлаб чиқилгани ҳолда Жанубий Корея ҳукумати тақдим этилди.

Шунингдек, «Sejin G&E So., Ltd.» компанияси иштирокида «Тошкент вилояти маиший чиқиндилар полигонларида ҳосил бўладиган чиқинди газини қайта ишлаш ҳисобига электр энергияси ишлаб чиқариш» лойиҳасини амалга ошириш бўйича Инвестициялар, саноат ва савдо ҳамда Энергетика вазирликлари билан келишувга эришилганлиги ҳам муҳимдир.

Табиат ресурслари вазирлиги ходимлари Корея Республикаси Атроф-муҳит вазирлигининг Экология

соҳасида келажакдаги илғор раҳбарлар учун магистрлик дастурида фаол иштирок этаётгани ҳам яқин ҳамкорликнинг яна бир амалий ифодаси ҳисобланади.

Учрашувда томонлар экология ва атроф-муҳит муҳофазаси йўналишида ҳамкорликда олиб борилган ишларнинг натижалари ҳамда келгусида амалга оширилиши режалаштирилган истиқболли лойиҳалар ва ташаббусларни муҳокама қилишди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Республикаси Табиат ресурслари вазирлиги ва Корея Республикаси Атроф-муҳит вазирлиги ўртасида ўзаро Англашув баёноти имзоланди.

Корея Республикаси атроф-муҳит вазири ўринбосари Ю Чечул бошчилигидаги делегациянинг мамлакатимизга ташрифи давом этди. 26 январь куни Ўзбекистон Республикаси табиат ресурслари вазири ўринбосари Н.Обламурадов, энергетика вазирининг биринчи ўринбосари А.Ахмедхаджаев, Корея Республикаси атроф-муҳит вазири ўринбосари Ю Чечул, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги бошқарма бошлиғи О.Хамраев ҳамда «Sejin G&E So., Ltd.» компанияси раиси Ли Кюнг Ёон иштирокида Тошкент вилоятининг Оҳангарон ва Майдонтол маиший чиқиндилар полигонларида ҳосил бўладиган чиқинди газини қайта ишлаш ҳисобига электр энергияси ишлаб чиқариш мажмуаси қурилишига старт берилди.

Тадбирда сўз олганлар сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасида барча соҳаларда ўзаро ҳамкорлик алоқалари жадал ривовланиб бораётгани, айниқса, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси йўналишида биргалликда амалга оширилаётган лойиҳалар юқори самара бераётганини таъкидлашди.



Айтиш ўринлики, Жанубий Кореянинг нуфузли Sejin G&E компанияси иштирокида 55 млн. АҚШ доллари миқдоридаги тўғридан-тўғри инвестиция маблағлари ҳисобига Тошкент вилоятининг Оҳангарон ва Майдонтол маиший чиқиндилар полигонидида ҳосил бўладиган чиқинди газидан умумий ишлаб чиқариш қуввати камида 16 МВт бўлган электр энергияси ишлаб чиқарадиган замонавий лойиҳанинг амалга оширилаётгани ҳамкорлик алоқалари тобора мустаҳкамланиб бораётганлигининг яққол далилидир.


Тадбир давомида Тошкент вилоятининг Оҳангарон ва Майдонтол маиший чиқиндилар полигонларида ҳосил бўладиган чиқинди газини қайта ишлаш ҳисобига электр энергияси ишлаб чиқариш мажмуаси қурилиши бошланиши олдидан рамзий тасма кесиш маросими ўтказилди.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, мазкур лойиҳани амалга ошириш натижасида нафақат мамлакатимизда, балки Марказий Осиё минтақасидаги ягона бўлган йирик маиший чиқинди полигонларида ҳосил бўладиган чиқинди газини қайта ишлаш ҳисобига электр энергияси ишлаб чиқариш станцияси ташкил этилади.



Табиат ресурслари вазирлиги матбуот хизмати.

ЖАҲОН БАНКИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ЙЎНАЛИШЛАРИ КЕНГАЙТИРИЛАДИ



Жорий йилнинг 2 февраль куни Табиат ресурслари вазирлиги А.Абдухакимов Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари М.Мантованелли билан учрашув ўтказди.

Учрашувда сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Марказий Осиё минтақасида юз бераётган долзарб экологик муаммоларни бартараф этиш бўйича амалга оширилаётган дастур ва ташаббуслар муҳокама қилинди.

Хусусан, Жаҳон банки томонидан иқлим ўзгариши шароитларини таҳлил қилиш, узоқ муддатли декарбонизация стратегиясини ишлаб чиқишда кўмак кўрсатиш, ер ресурсларидан фойдаланишни мониторинг қилишда биофизик моделлаш усулларида фойдаланишни жорий қилиш, атмосфера ҳавоси ифлосланишига қарши кураш йўналишларида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот алмашилди.

Ўз навбатида, Ўзбекистонда яшил молия ва яшил иқтисодиёт тамойилларини татбиқ этиш, «Яшил макон» умумий лойиҳасини амалга ошириш, муҳофаза

этиладиган табиий ҳудудлар майдонини кенгайтириш, экологик таълим ва маданиятни ошириш, шаҳарларни яшил ривожлантириш йўналишларида Жаҳон банкининг илғор тажрибасини инobatга олган ҳолда ҳамкорлик йўналишларини кенгайтириш таклифлари илгари сурилди.

Шунингдек, Жаҳон банки иштирокида амалга оширилаётган 153 млн. АҚШ долларига тенг «Ўрмон ландшафтларини қайта тиклаш» инвестиция лойиҳаси доирасида амалга ошириладиган ишлар муҳокама қилинди.

Учрашув яқин бўйича М.Мантованелли 2023 йил октябрь ойида ташкил этиши режалаштирилган БМТ Кўчиб юривчи ёввойи ҳайвонларни муҳофаза қилиш Конвенциясининг 14-Томонлар конференциясида иштирок этиш учун таклиф этилди.

Қўшма лойиҳалар ва келгусида амалга ошириладиган режалар муҳокама қилинди

Табиат ресурслари вазирлиги Азиз Абдухакимов 14 февраль куни БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)нинг субминтақавий координатори Виорел Гутсу билан учрашув ўтказди.

Учрашувда Табиат ресурслари вазирлиги ҳамда БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) билан ҳамкорликда олиб борилаётган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича қўшма лойиҳалар ва келгусида амалга ошириладиган режалар муҳокама қилинди.

Учрашув давомида «яшил» иқтисодиётга босқичма-босқич ўтиш, шу билан бирга, экологик таълим ва маданиятни ошириш, ходимлар ва мутахассислар



салоҳиятини юксалтириш, бу борада хорижий тажрибани қўллаш муҳимлиги қайд этилди.

ФАО ташкилоти томонидан озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, иқлим ўзгаришига қарши курашиш, сувни тежайдиган технологияларни жорий этишда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга тайёр эканлиги билдирилди.

Учрашув давомида жорий йилнинг октябрь ойида Самарқанд шаҳрида ўтказилиши режалаштирилаётган Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юривчи турларини сақлаб қолишга доир Конвенциясининг (CMS) 14-Томонлар конференцияси (COP-14)ни ҳамкорликда юқори савияда ўтказишга келишиб олинди.

Инвестицион салоҳиятни янада ошириш масалалари кўриб чиқилди

Табиат ресурслари вазири Азиз Абдуҳакимов Швецариянинг Ўзбекистондаги Фавқуллодда ва Мухтор элчиси Константин Оболенский билан учрашув ўтказди

Учрашувда икки мамлакат ўртасида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Учрашув давомида амалга оширилаётган лойиҳалар, жумладан, сув ресурсларини бошқариш ва экотизимларни тиклаш борасидаги амалдаги ишлар ва ушбу йўналишда инвестицион салоҳиятни янада ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Шу билан бирга «яшил» иқтисодиётга босқичма-босқич ўтиш, чиқиндиларни бошқариш, ҳаво ифлосланишининг олдини олиш, халқаро экологик стандартларни белгилаш, рақамлаштириш

тизимини кенг жорий қилиш, экологик таълимни ривожлантириш, ходимлар ва мутахассислар салоҳиятини ошириш, бу борада Швецария тажрибасини ўрганиш ва механизмларини ишлаб чиқиб, амалиётда қўллаш муҳимлиги қайд этилди.

Учрашувда томонлар Зарафшон дарёси сув ресурсларининг иқлимга бардошлилигини ошириш ва комплекс бошқариш йўналиши бўйича ҳамкорлик қилишга келишиб олишди.

Шунингдек, учрашувда жорий йилнинг октябрь ойида Самарқанд шаҳрида ўтказилиши режалаштирилаётган Ёввойи ҳайвонларнинг



кўчиб юривчи турларини сақлаб қолишга доир Конвенциясининг 14-Томонлар конференцияси (COP-14) тадбирини ҳамкорликда ўтказиш бўйича ҳам фикр алмашилди.

Таълимдаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди

Табиат ресурслари вазирлигида Малайзия глобал таълим хизматлари агентлиги раиси Абдул Разак Аҳмад ҳамда Малайзиянинг Ўзбекистондаги Фавқуллодда ва Мухтор элчиси Ҳенди Асан билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда икки мамлакат ўртасида олий таълим соҳасида экологик таълимни ривожлантириш, иқлим ўзгаришларининг олдини олиш, озиқ-овқат хавфсизлигини барқарор таъминлаш ҳамда сув ресурсларини бошқариш истиқболлари муҳокама қилинди.

Шунингдек, «яшил» иқтисодиётга босқичма-босқич ўтиш, Оролбўйи минтақасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, халқаро экологик стандартларни белгилаш, рақамлаштириш тизимини кенг жорий қилиш, экология соҳасида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, ходимлар ва мутахассислар салоҳиятини ошириш, бу борада халқаро тажрибани ўрганиш ва механизмларини ишлаб чиқиш муҳимлиги қайд этилди.

Томонлар экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув (ESG) тамойилларини жорий қилиш, тизимни кенг тарғиб қилиш бўйича ҳамкорлик масалаларини ҳам муҳокама қилишди.



Жорий йилнинг октябрь ойида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтиши режалаштирилган БМТ нинг Чўлланишга қарши курашиш конвенцияси бажарилишини кўриб чиқиш кўмитасининг 21-йиғилиши ҳамда БМТ Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юривчи турларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенциясининг 14-томонлар конференцияси (CMS COP-14) тадбирини ҳамкорликда ўтказишга келишиб олинди.

Учрашувда Табиат ресурслари вазири ўринбосари Ж.Казбеков иштирок этди.

Табиат ресурслари вазирлиги матбуот хизмати.



● **Пойтахтимизда 2 февраль — Бутунжаҳон сувли-ботқоқ ерлари куни муносабати билан «Дарё ва кўллarning экотизим барқарорлигидаги аҳамияти» мавзусидаги семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Экологик партияси томонидан ташкил этилган тадбирда Табиат ресурслари вазирлиги мутасаддилари ҳам иштирок этдилар.**

СУВ-БОТҚОҚ ХУДУДЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Таъкидлаш жоизки, 1971 йил 2 февраль куни Эроннинг Рамсар шаҳрида жаҳон ҳамжамияти томонидан сув-ботқоқли ҳудудларни муҳофаза қилиш, бундай ҳудудларга кенг жамоатчиликнинг эътиборини жалб этиш мақсадида «Сувда сузувчи қушларнинг асосий яшаш манзили бўлган халқаро аҳамиятга эга сувли-ботқоқ ерлар тўғрисида»ги Конвенция қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси ҳам 2001 йилда Рамсар конвенциясига қўшилган бўлиб, бугунги кунда мазкур халқаро ҳужжат бўйича қабул қилинган мажбуриятлар ижроси 2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегияси доирасида амалга оширилмоқда. Шунингдек, ушбу вазибалар 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазибаларнинг 15-мақсади 15.1-вазифаси (Халқаро битимлардан келиб чиқадиган мажбуриятларга мувофиқ ер усти ва ички чучук сувли экотизимлар, жумладан, ўрмонлар, сувли-ботқоқли ҳудудлар, тоғлар ва курғоқчил ерларни сақлаш,

тиклаш ва улардан оқилона фойдаланишни таъминлаш) ижросини таъминлашда ҳам ўз аксини топмоқда.

Бугунги кунда конвенция доирасида белгиланган чора-тадбирларнинг тизимли амалга оширилиши натижасида мамлакатимиз ҳудудидаги Денгизкўл (2002), Айдар-Арнасой кўллари тизими (2012), Тўдакўл кўли (2020) ва Куйимозор сув омбори (2020) Халқаро аҳамиятдаги сувли-ботқоқ ерларнинг рўйхатига киритилди.

Қорақалпоғистон Республикасидаги Судоче, Жилтирбас ҳамда Қашқадарё вилоятидаги Ачиқкўл ва шу каби бошқа қатор кўллари ҳам Рамсар рўйхатига киритиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Маълумотларга кўра, мамлакатимизда сув-ботқоқ ҳудудлари қарийб бир миллион гектарни ташкил этиб, 500 дан ортиқ кўллари мавжуд. Ушбу ҳудудлар сув-ботқоқ шароитига мослашган ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига бой. Республика ҳудуди орқали кўчиб юривчи қушларнинг кўплаб турлари учун сув-ботқоқ ҳудудлари қулай жой бўлиб хизмат қилмоқда.

“

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га киритилган қушларнинг 37 турининг ҳаёти сув-ботқоқ ҳудудлари билан узвий боғлиқ. Шунинг учун ҳам бундай ҳудудларни муҳофаза қилиш, уларда яшаш муҳитларининг барқарорлигини сақлаб қолиш муҳим аҳамият касб этади.

”



Халқаро ҳамжамият таклифига кўра, жорий йилда «Сув-ботқоқ ҳудудларини тиклаш» мавзусида ўтказилаётган тадбирларда мутахассислар ҳамда соҳа олимларининг таъкидлашича, глобал иқлим ўзгаришлари кучайиши туфайли сув-ботқоқ ҳудудлар ўрмон ҳудудларга нисбатан уч баробар тез камайиб кетиши эҳтимоли мавжуд. Шунингдек, тадбирда “Сувда сузувчи қушларнинг асосий яшаш манзили бўлган халқаро аҳамиятга эга сувли-ботқоқ ерлар тўғрисидаги Конвенция доирасида Табиат ресурслари вазирлиги томонидан олиб борилаётган чора-тадбирлар тўғрисида ҳам маълумот берилди.

Таъкиданганидек, бугунги глобал иқлим ўзгаришлари шароитида сув-ботқоқ ҳудудларни, айниқса, Оролбўйи

ҳудудидаги «ветланд»ларни қуриб қолишдан сақлаш ва ушбу ҳудудларда бугунги аномал об-ҳаво шароитларида биотехник тадбирларни амалга ошириш мазкур халқаро тоифадаги сув объектлари муҳофазаси учун муҳим аҳамият касб этади.

Йиғилиш иштирокчилари томонидан таъкидланганидек, сув-ботқоқ ҳудудлари ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини, айниқса, учиб ўтувчи қушларни муҳофаза қилишга, сайёрамизнинг барқарор ривожланишига, аҳолини зарурий маҳсулотлар билан ҳамда ҳудуд иқлимий шароитларининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Жавлонбек АБДУСАТТОРОВ,
Табиат ресурслари вазирлиги бош мутахассиси.



ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИДА ЙИРИК ЛОЙИХАНИНГ

2023 ЙИЛГИ МАВСУМИГА СТАРТ БЕРИЛДИ



Сўнги йилларда Орол денгизи қуришининг салбий оқибатларини юмшатиш, денгизнинг қуриган тубида яшил қопламалар барпо этиш ҳамда Оролбўйи минтақасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.



Айтиш ўринлики, давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан Орол денгизининг суви қуриган тубида «яшил қопламалар» – ҳимоя ўрмонзорлари барпо этиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Натижада, Орол денгизининг қуриган тубида 1,7 млн гектар майдонда саксовул, черкез, қандим каби шўрга ва қурғоқчиликка чидамли ўсимликлардан иборат яшил қопламалар барпо этилди.

Ушбу ишларни тизимли давом эттириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 18 январдаги «Орол денгизининг суви қуриган тубида ва Оролбўйи ҳудудларида «яшил қопламалар» – ҳимоя ўрмонзорларини барпо этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги 31-сонли қарори ижроси доирасида 2022 йилда 107 минг гектар майдонга саксовул ва бошқа чўл ўсимликлари экилди. Жами 590 тоннадан зиёд чўл ўсимликларининг уруғлари жамғарилди. 100 гектар саксовул ва бошқа чўл ўсимликларидан ниҳолхоналар ташкил этилди. Мазкур ишларни бажариш учун 635 нафар ишчи-ходимлар, 250 дона юқори унумли тракторлар ва 2 дона кичик авиация (АН-2) жалб этилди.

Эътиборлиси, барпо этилган «яшил қопламалар» соҳа олимлари томонидан доимий мониторинг қилиниб, чўл ўсимликларининг кўкариши бўйича яхши натижаларга эришилмоқда.

2023 йилда ҳам «яшил қопламалар» барпо этишни молиялаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 20 январда 25-Ф-сонли фармойиши қабул қилингани Оролбўйи минтақасида экологик вазиятни яхшилашга қаратилган ишларни янада кенг қамровда сифатли давом эттиришда муҳим аҳамият касб этади.

Жорий йилнинг 31 январь куни Орол денгизининг қуриган тубида саксовул экиш мавсуми бошланиши олдидан тадбир ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Табиат ресурслари ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Экологик партияси фаоллари, кенг жамоатчилик вакиллари, ёшлар, экологлар ва ўрмончилар иштирок этган тадбирда сўз олганлар сўнги йилларда Орол денгизининг қуриган тубида давлатимиз томонидан саксовулзор яратиш, чўлланиш хавфини камайтириш, Оролбўйи минтақаси ҳудудлари аҳолиси турмуш шароитларини яратиш борасида олиб борилган ишларни эътироф этишди.

Шундан сўнг ушбу йирик лойиҳанинг 2023 йилги мавсумига старт берилди.

Мазкур тадбирда Табиат ресурслари вазирининг ўринбосари Н.Обламурадов иштирок этди.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, 2023 йилда 100 минг гектар майдонда ҳимоя ўрмонзорлари ҳисобланувчи «яшил қопламалар» барпо этиш режалаштирилган. Ушбу «яшил қопламалар»ни барпо этиш учун жами 420 тонна саксовул, қандим, қорабуроқ каби чўл ўсимликларининг уруғлари жамғарилади. 100 гектар майдонда саксовул ва бошқа чўл ўсимликларидан ниҳолхоналар ташкил этилиши мақсад қилинган. Зарур миқдордаги техника ва механизмлар, мутахассис ва ишчи-ходимлар ўрмон мелиоратив тадбирларини амалга ошириш учун жалб этилади.

**Қорақалпоғистон Республикаси
Табиат ресурслари вазирлиги матбуот хизмати.**

Илмий-амалий семинар ўтказилди



Жорий йилнинг 27 январь куни Табиат ресурслари вазирлиги ҳузуридаги Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институти томонидан Тошкент шаҳрининг Олмазор туманидаги 196-сонли умумтаълим мактабида илмий-амалий семинар ўтказилди.

“Аҳоли ва юридик шахсларнинг қаттиқ маиший чиқиндиларни саралашда экологик маданиятни оширишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш” мавзусидаги лойиҳа доирасида ташкил этилган семинарда тумандаги “Истиқбол” маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари, мактаб маъмурияти ҳамда ўқувчи-ёшлар иштирок этишди.

Тадбирда мутахассислар томонидан чиқиндиларни саралаш орқали атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, қаттиқ маиший чиқиндиларни саралаб йиғиш тизимини татбиқ этиш, шунингдек, чиқиндиларни саралаш жараёнида эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар ҳақида иштирокчиларга батафсил маълумотлар берилди.

Мутахассисларнинг таҳлилларига кўра, мамлакатимизда бир кунда битта фуқаро томонидан 0,6-0,8 кг, умумий аҳоли ҳисобида эса кунига 18-20 минг тонна, йилига 7-7,5 млн тонна маиший чиқинди ҳосил бўлади. Хусусан, 2022 йил давомида 7,1 млн тонна қаттиқ маиший чиқинди ҳосил бўлган, умумий чиқиндиларнинг 32 %, яъни 2,2 млн тоннаси ҳудудлардаги 256 та корхона томонидан қайта ишланган ва қолган 68 % қаттиқ маиший чиқиндилар кўмиш полигонларига жойлаштирилган.

Маиший чиқиндиларнинг саралаш ишлари фуқаролар томонидан ва чиқинди тўплаш шохобчаларида лозим тарзда ташкил қилинса, полигонларга олиб кетиладиган чиқинди миқдори кескин камайиб, харажатлар қисқариши билан бирга ишлаб чиқаришнинг бир қанча тармоғини иккиламчи хомашё билан таъминлаш ортади.

Шуни айтиш ўринлики, чиқиндилар билан ишлашда аҳолининг чиқиндилар таркиби, уларнинг инсон саломатлиги ва атроф-муҳитга таъсири тўғрисида хабардорлигини ошириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги пайтда чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасининг амалдаги тизимида уларни саралаб йиғишда жамоатчилик иштироки паст даражадалигидан кўз юмиб бўлмайди. Фуқароларнинг, шу жумладан, ёшларнинг қаттиқ маиший чиқиндилар бўйича кўникмасини шакллантириш учун ҳар бир маҳаллада тушунтириш ишларини олиб бориш зарур.

Семинарда жамоатчиликнинг экологик билимларини янада бойитиш мақсадида тарғибот материаллари тарқатилиши билан биргаликда чиқиндиларни саралашга оид видеолар намоиш этилди.

Тадбир сўнггида семинар иштирокчиларини қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан батафсил жавоб берилди.

Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институти матбуот хизмати.

ОНА ТАБИАТГА ЗИЁН ЕТКАЗМАСЛИК БАРЧАМИЗНИНГ БИРДЕК ВАЗИФАМИЗ

Аҳолининг экологик маданиятини ошириш, атроф-муҳитга жиддий муносабатда бўлишни шакллантириш масалаларига дунёнинг кўплаб мамлакатларида катта эътибор қаратилади. Жорий тартиб-қоидаларга риоя қилмаган фуқароларга нисбатан қатъий чоралар кўрилиши бор гап. Масалан, Испанияда машина деразасидан чиқиндини улоқтириш 200 евро, сигарет қолдиқини йўлакка ташлаш 90 евро миқдорига жарима солишга асос бўлса, Швецияда қоғозни ерга ташлаган киши 90 евро, Сингапурда 300 дан 1000 долларгача жаримага тортилади.

Мамлакатимизда ҳам чиқиндиларни белгиланмаган жойларга ташлаганлик, атроф-муҳитни ифлослантирганлик учун қонунчиликда ва тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда чоралар белгиланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексининг 82, 91, 123-моддаларида чиқиндини ташлаш бўйича нормалар белгилаб қўйилган. 82-моддага мувофиқ, муҳофаза қилинаётган табиий ҳудуд режимини бузса, жавобгарлик белгиланган. Фуқаро 91-моддада кўрсатилганидек, белгиланмаган жойга ёхуд автомашинадан чиқиндини ташлайдиган бўлса жаримага тортилиши ва шундай ҳуқуқбузарлик содир этганларга чора кўрилишини эслатиб ўтмоқчимиз.

Соҳа инспекторлари томонидан ҳудудларда белгиланмаган жойларга чиқинди ташлаш учун Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексига кўра, жаримага тортилиши ҳақда тушунтириш ишлари олиб борилишига қарамай афсуски, бундай ҳолатлар кўплаб учраб турибди. Баъзи юртдошларимиз чиқиндини белгиланмаган жойга, кўча-кўйга, дарахт тагига, ариқ ичига, умуман, дуч келган жойга ташлаш мумкин эмаслигини тушуниб етмаяпти. Энг ёмони, кўплаб фуқаролар ўз хонадонларида ҳосил бўлаётган маиший чиқиндиларни автотранспорт воситалари ёрдамида белгиланмаган жойларга чиқариб ташламоқда. Бу билан улар нафақат ўзларининг соғлиқларига зиён етказётганини, балки атроф-муҳитнинг ифлослантираётганини ўйлаб ҳам ўтирмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 сентябрдаги «Маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 4845-сон-



ли қарорига асосан тендер асосида вилоят ҳудудига санитар тозалаш хизматлари давлат-хусусий шерикчилик лойиҳаси асосида хусусий секторга бириктирилиши белгиланган. Ушбу ҳужжатга асосан Тошкент вилоятидаги 15 та туман ва шаҳарлар 4 та лот асосида тендерга қўйилиб, битим асосида тадбиркорларга бириктирилган.

Тошкент вилояти туман ҳамда шаҳар ҳудудларига давлат-хусусий шерикчилик асосида маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматларини кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар хизмат кўрсатиб келмоқда. Жумладан, Ангрен шаҳар, Паркент ҳамда Юқори Чирчиқ туманларига «Зеро -Waste» МЧЖ, Нурафшон, Олмалик шаҳарлари, Оҳангарон, Ўрта Чирчиқ туманларига «Ангрен, Бунёд фэйз» МЧЖ, Янгийўл шаҳар, Бекобод, Бўка, Зангиота, Қуйи Чирчиқ, Оққўрғон, Пскент, Чиноз, Янгийўл туманларига «Зангиота ободон» МЧЖ, Бўстонлик, Қибрай туманларига «Рахнамо Сервис» МЧЖ давлат-хусусий шерикчилик лойиҳаси асосида бириктирилган бўлиб, улар томонидан ҳудудлардан махсус техникалар ёрдамида чиқиндилар олиб чиқиб кетилмоқда.

Шунингдек, Оҳангарон шаҳрида «Оҳангарон санитария» МЧЖ муқобил корхонаси, Бекобод шаҳар ҳудудига 7 та муқобил корхонага бириктирилганлиги маълум қилинади. Бугунги кунда Тошкент вилояти ҳудудларига қарашли 20 туман ва шаҳарда давлат-хусусий шерикчилик асосида ҳамда 2 та шаҳарда муқобил корхона хизмат кўрсатмоқда.

Азиз юрдошлар, белгиланмаган жойларга чиқиндилар ташлаб, атроф-муҳит ифлосланишига йўл қўймайлик. Қолаверса, соҳа ходимларининг меҳнатини қадрлайлик. Албатта, масъуллар томонидан намунали санитар хизмат кўрсатиш назоратга олиниб, бу борада тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Лекин, шу билан бирга, энг аввало, ўзимизнинг зиммамиздаги масъулиятни унутмайлик.

**Табиат ресурслари вазирлиги
Тошкент вилояти бошқармаси
матбуот хизмати.**



Мутахассисларнинг фикрига кўра, бугунги кунда каврак ўсимлиги экспортбоп ва юқори қийматга эга ҳисобланади. Аммо кейинги йилларда назоратсиз, режасиз ва нотўғри фойдаланилаётгани туфайли бу доривор ўсимликнинг табиий тарқалган майдонлари борган сари қисқараётгани кузатилмоқда. Бугун ички бозорда ҳам, ташқи бозорда ҳам кавракка бўлган талаб ошиб бораётгани бу жараёнда асосий омил бўлмоқда. Рақамларга эътибор берадиган бўлсак, юртимизда 2015 йилда 54 минг гектар ер майдонида каврак ўсган бўлса, ҳозирда бу майдон 13,5 минг гектарга қисқарган.

Каврак учун 3 йилга мораторий жорий этилди

Республикамизда ёввойи ҳолда ўсувчи кавракнинг табиий захираларини сақлаб қолиш, уларнинг тикланишини таъминлаш, кавракнинг маданий плантацияларини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 февралдаги «Яйловларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-24-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га киритилган Тожик кавраги (Ферула тадшикорум Пименов) ўсимлигини муҳофаза қилиш ва унинг табиий популяциясини таъминлаш мақсадида мазкур ўсимликдан фойдаланишга 2023 йилдан бошлаб 3 йилга мораторий жорий этилди.



Шунингдек, Фармон билан ўсимлик дунёси объектларидан ноқонуний фойдаланиш натижасида етказилган зарар миқдорини ҳисоблашда:

Сассиқ каврак (Ферула асса-фозтида) ўсимлигининг ҳар бир килограмм шираси (смола), йпйғи ва ҳар битта тупи учун етказилган зарарни ҳисоблаш миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 коэффиценти;

Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га киритилган тожик кавраги (Ферула тадшикорум Пименов) ўсимлигининг ҳар бир килограмм шираси (смола), йпйғи ва ҳар битта тупи учун етказилган зарарни ҳисоблаш миқдори эса базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,5 коэффиценти этиб ёки 10 барабар оширилди.

Шу билан бирга, уч ой муддатда яйлов ер майдонларида ташкил этилган каврак ўсимлигининг маданий плантациялари хатловдан ўтказилади.

13. . Erkabaev F.I., Axmedov U.K. Electrochemical recovery of chromium ions (VI) in the presence of polyhydric alcohol // Austrian Journal of Technical and Natural Sciences, №7-8, 2017, p.38-41, Vena, Austria. (02.00.00; №2);

ЕР ВА ТУПРОҚ МУАММОЛАРИ, ЕР РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФЙДАЛАНИШ

ТУПРОҚ ТАРКИБИДАГИ ТУЗ ИОНЛАРИНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЭКИНЛАРИГА ЭКОЛОГИК ТАЪСИРИ

Мадримов Ражаббой Машарипович,

Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институти
Ер ресурсларини муҳофаза қилиш лабораторияси мудири, б.ф.ф.д. (PhD),

Рўзимова Холида Комилжоновна,

Чирчиқ давлат педагогика институти табиий фанлар ўқитувчиси, б.ф.ф.д. (PhD).

Аннотация. Мақолада Хоразм вилояти тупроқлари мисолида тупроқ таркибидаги туз ионларининг ўсимликка экологик таъсирлари ўрганилган ва уларни бартараф этиш йўллари ҳақида фикрлар билдирилади.

Калим сўзлар: Тупроқ, шўрланиш, кимёвий ўғитлар, ўсимлик, ризосфера, буғдой, ғўза, токсик моддалар, калий, фосфор.

Аннотация. В статье рассмотрено экологическое воздействие растительных ионов на примере почв Хорезмской области и высказываются мнения о путях их преодоления

Ключевые слова: Почва, засоление, химический удобрения, ризосфера, хлопчатник, пшеница, токсичный вещества, калий, фосфор

Abstract. The article considers the environmental impact of plant ions on the example of the soils of the Khorezm region. Opinions are expressed on ways to overcome them

Key words: Soil, salinity, chemical fertilizers, plant, rhizosphere, wheat, cotton, toxic substances, potassium, phosphorus.

Қириш. Кейинги 40-50 йил мобайнида ерларнинг шўрланиши даражаси ортиши сайёрамизнинг йирик глобал муаммоларидан бирига айланмоқда. Тупроқнинг экологик ҳолати, яъни шўрланиш туфайли қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги пасайиши кузатилмоқда [1,2,3,4]. Тадқиқотлар ва статистика маълумотларига кўра, 2050 йилгача суғорма деҳқончилик қилинадиган тупроқларнинг деярли 50 фоизи шўрланиши мумкин [11,12]. К.Riadh ва бошқа тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, ҳозирда жаҳоннинг 5,2 млрд. гектар қишлоқ хўжалик ерларининг 3,6 млрд. гектарида эрозия, деградация ва шўрланиш стресс хавфи мавжуд. Тупроқда ўсадиган ўсимликларга турли стресс омиллар таъсир этади, шундан абиотик омиллар асосий роль ўйнайди [7]. Туз ионларининг тупроқ таркибидаги минераллар-

дан ажралиши, шунингдек, деҳқончиликда кимёвий ўғитлардан фойдаланилганда тупроқ ёки сувга ўтиши ҳамда ер ости сувлари сатҳининг кўтарилиши оқибатида шўрланиш вужудга келиши мумкин. Ёғингарчилик кам бўлган минтақаларда, тупроқдаги ионларнинг ажралиши (выщелачивания) учун етарли бўлмаган нам ҳолатда тузлар тупроқда тўпланиб, шўрланишга сабаб бўлиши кузатилади [5,6,8,10]. Қишлоқ хўжалиги амалиёти билан боғлиқ ҳолда пайдо бўладиган шўрланиш, шунингдек, ўсимликлар илдиз тизимидаги тузлар дренаж сувларининг кам бўлган ҳолатда пайдо бўлиши илмий манбаларда кўрсатиб ўтилган [13]. Шўрланган тупроқларнинг унумдорлиги пастлиги, нафақат тузларнинг захарлиги ёки ўсимликларнинг илдиз тўқималари ортиқча туз билан шикастланиши, балки органик ва минерал модда-

лар, айниқса, N, P ва Кетишмаслигига ҳам боғлиқ [1,4,8].

Тадқиқот объекти, предмети ва усуллари. Хоразм вилоятининг географик жойлашуви ҳамда тупроқларнинг эволюцион шаклланишида антропоген омилларнинг таъсири ҳамда экологик ҳолати бўйича тадқиқотларда тупроқларни солиштирма-географик, солиштирма-аналитик тадқиқ қилиш услубларидан фойдаланилди. Тупроқнинг механик таркиби – Н.А.Качинскийнинг пипетка услубида, тупроқдаги тузлар миқдори ва ионлар таркиби сувли сўрим услуби, гумус моддалари таркиби – И.В.Тюрин услуби, умумий азот – Къельдал услубида, ҳаракатчан шаклдаги фосфор

ва калий–1 % ли углеаммоний сўрими ёрдамида, шунингдек, карбонатлар таркиби ацидиметрик услубида таҳлил қилинди.

Олинган натижалар ва унинг муҳокамаси. Тажриба Хоразм вилояти Тупроққалъа туманидаги эскидан суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлардан иборат «Шухрат – Нодир» фермер хўжалиги ҳамда янгидан суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлардан ташкил топган «Қаландар Яхшибаев» фермер хўжалиги далаларида буғдойдан кейинги ғўза (2017 йил) ва буғдой-оралиқ экин-ғўза (2019 йил) тизимида ўтказилган.

1-жадвал.

«Шухрат – Нодир» ф/х эскидан суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларнинг қайта шўрланиш даражасининг буғдой-ғўза ва буғдой-оралиқ экин-ғўза экинлари тизимида ўзгариши

Кесма	Чуқурлик, см	Қуруқ қолдиқ, %	НСО ₃ , %	Сl, %	SO ₄ ²⁻ , %
Буғдойдан кейин ғўза экилган. 14.04.2017					
1	0-30	0,480	0,030	0,026	0,290
	30-50	0,510	0,031	0,023	0,302
	50-100	0,412	0,027	0,028	0,270
2	0-30	0,318	0,029	0,019	0,286
	30-50	0,300	0,030	0,018	0,179
	50-100	0,295	0,020	0,014	0,160
Вегетация охири. 01.11.2019					
1	0-30	0,520	0,029	0,033	0,38
	30-50	0,610	0,030	0,026	0,392
	50-100	0,600	0,027	0,021	0,401
2	0-30	0,586	0,031	0,030	0,398
	30-50	0,330	0,032	0,019	0,275
	50-100	0,295	0,027	0,018	0,283
Буғдой-оралиқ экин-ғўза экилган. 12.04.2019					
1	0-30	0,283	0,037	0,011	0,216
	30-50	0,270	0,031	0,013	0,198
	50-100	0,295	0,029	0,010	0,186
2	0-30	0,201	0,033	0,010	0,150
	30-50	0,190	0,034	0,009	0,172
	50-100	0,186	0,031	0,009	0,169
Вегетация охири 10.11.2019					
1	0-30	0,310	0,026	0,029	0,226
	30-50	0,300	0,030	0,022	0,240
	50-100	0,360	0,027	0,028	0,272
2	0-30	0,330	0,030	0,029	0,283
	30-50	0,390	0,033	0,042	0,284
	50-100	0,183	0,028	0,016	0,115

Тажрибамизда тупроқ шўрланиши орқали тупроқ – ризосфера – ўсимликда кечадиган жараёнлардан экологик таъсир қонуниятларини изоҳлаш назарда тутилган. Тупроқнинг шўрланиши туфайли ўсимликларнинг илдиз тизимида тузларнинг тўпланиши ҳамда унинг ўсишини бўғиб қўйиш муаммоси кузатилди. Ортиқча тузларнинг ўсимликнинг илдизи атрофида тўпланиши унинг ривожланишига халақит қилади, тупроқдаги намлик миқдоридан қатъи назар, ўсимлик учун муҳим бўлган сувларнинг илдизга етиб боришини камайтиради. Сув ёки тупроқ таркибидаги тузлар ўсимлик учун муҳим бўлган сувни олишга сарфлайдиган энергиянинг кўпроқ сарфланишига олиб келади ва ҳосилдорликнинг ошишига халақит қилиб, ўсимликда стресс ҳолатни келтириб чиқаради.

Қурғоқчилик таъсирида, сувнинг меъёридан кўп буғланиши натижасида баъзи бир минераллар чўкма ҳосил қилади. Шунингдек, тупроққа солинган кимёвий

ўғитлар сувда эриб, тушган жойидаги шўрланишни янада кучайтиради. Тупроқдаги шўрланиш жараёнида асосан, Na^+ , K^+ , Ca^{2+} , Mg^{2+} , Cl^- , HCO_3^- ва SO_4^{2-} ионлари тупроқ кесмаси профили бўйича тўпланади (1,2-жадваллар).

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, тупроқнинг шўрланиши, осмотик стресс, захарли (токсик) ионларнинг таъсири кабилар ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишида муҳим озиқа моддаларининг дисбалансига салбий таъсир кўрсатади. Осмотик стресс, ташқи шўр эритмасининг концентрациясига пропорционал бўлиб, одатда осмотик босим 1МПа дан кўпроқ бўлади.

Шўрланиш ўсимликнинг ривожланишига турли хил аспектларда таъсир кўрсатган ҳолда, намлик, илдиз, поя ва барглarning қуруқ массасини камайтиради. Ўсимликнинг барг ўлчови кичиклашуви, морфологияси ўзгаришига, шунингдек, фотосинтезни бўғиб қўйган ҳолда ионли гомеостазга таъсир этиб, моддалар алмашинуви дисбалансини ва оксидланиш стрессини чақиради.

2-жадвал.

«Қаландар Яхшибаев» ф/х янгидан суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларнинг қайта шўрланиш даражасининг буғдой-ғўза ва буғдой-оралиқ экин-ғўза экинлари тизимида ўзгариши

Кесма	Чуқурлик, см	Қуруқ қолдиқ, %	HCO_3^- , %	Cl^- , %	SO_4^{2-} , %
Буғдойдан кейин ғўза экилган. 14.04.2017					
3	0-30	0,290	0,021	0,022	0,169
	30-50	0,388	0,033	0,020	0,192
	50-70	0,400	0,030	0,022	0,260
	70-100	0,330	0,029	0,019	0,283
Вегетация охири. 01.11.2019					
3	0-30	0,310	0,033	0,041	0,300
	30-50	0,320	0,030	0,035	0,295
	50-70	0,350	0,032	0,013	0,346
	70-100	0,405	0,028	0,037	0,250
Буғдой-оралиқ экин-ғўза экилган. 12.04.2019					
3	0-30	0,295	0,026	0,023	0,201
	30-50	0,300	0,027	0,034	0,231
	50-70	0,310	0,036	0,017	0,235
	70-100	0,216	0,031	0,021	0,201
Вегетация охири. 10.11.2019					
3	0-30	0,280	0,027	0,044	0,201
	30-50	0,310	0,031	0,029	0,265
	50-70	0,350	0,029	0,022	0,201
	70-100	0,312	0,026	0,035	0,285

Ўсимлик хужайрасида кузатиладиган оксидланиш стресси шўрланишнинг негатив эффекти билан барча ўсимликларда намоён бўлади. Хужайра мембраналари орқали ионларнинг ташилиши шўрланишга чидамликни белгиловчи асосий омил ҳисобланади.

Шўрланиш тупроқдаги эритмани паст осмотик потенциалда ушлаб туради, бунинг оқибатида ўсимлик ўзига етарли даражадаги сувни қабул қила олмайди, бу эса тузли стресснинг ўсимликка осмотик ёки сув дефицит таъсирига олиб келади. *Ahmad S* ва бошқаларнинг фикрларига кўра, шўрланишнинг самараси ўсимлик ўсишининг деярли барча босқичларида намоён бўлади: униб чиқиш, кўчат, ҳосил тўплаш, унинг пишиб етиши ва ҳ.к., аммо униб чиқиш босқичи ва кўчатлар шўрланишга бошқа босқичларга қараганда сезгирроқ бўлади. Бошқа ўсимликлардан фарқли ўлароқ, ғўза бир-бирига мос келадиган эриган моддаларни ёки цитоплазматик осмопротекторлар учун захарли бўлмаган осмопротекторларни тўплаш хусусиятига эга бўлганлиги учун ҳам тупроқдаги паст осмотик потенциалда ривожлана олиш хусусиятига эга. Осмотик стресс билан боғлиқ бўлган хужайравий ва метаболитик жараёнлар курғоқчилик жараёнларида содир бўладиган жараёнларга ўхшаб кетади ва янги баргчалар пайдо бўлиш ва ривожланиш тезлиги кўп ҳолларда курғоқчиликда содир бўладиганларга ўхшаб кетади. Осмотик стресс туфайли ўсимлик ингибирланиши вақтга ва муайян тўқиманинг ва ўсимлик турининг жавоб даражасига боғлиқ бўлади ва стрессга

тўсатдан ёки секин-аста берилади.

Шўрланиш курғоқчиликка нисбатан кўпроқ миқдордаги генларни шикастлантиргани ва кучлироқ концентрациядаги тузда бу ҳодиса янада кучлироқ кетганлиги кузатилган. *Nawaz K* ва бошқаларнинг фикрларига (2010 й.), токсинлик шўрланган тупроқдан ёки суғоришда ишлатиладиган сувдан маълум бир токсик ионларни ютиб олиш ва уларни тўплаш натижасида содир бўлар экан. Бу токсик моддалар натрийнинг хлорли ёки сульфат тузларидан иборат бўлади. Гарчан Cl^- ва SO_4^{2-} муҳим элементлардан бўлса-да, шўрланган тупроқларда уларнинг миқдори соғлом ўсимлик талабидан анчагина кўпроқ бўлиши аниқланган. Улар қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг ҳосилдорлиги пасайтириши ва ниҳоят уларнинг нобуд бўлишга олиб келиши ҳам мумкин.

Хулоса. Шундай хулоса қилиш мумкинки, шўрланиш жараёнида ионларнинг токсинлиги, осмотик стресс ва озуқа моддаларнинг дисбаланси туфайли ўсимликларнинг ривожланишини бўғиб қўйиши кузатилади. Натижада тупроқ шўрланишининг таъсири ўсимликнинг ташқи кўриниши, уруғнинг униш даражаси пасайиши, кўчатларнинг ўсиб ривожланиши сусайиши, биомассанинг пасайиши ва ниҳоят иқтисодиётнинг пасайишида намоён бўлади. Ўсимликлар, жумладан, ғўзанинг тузга чидамлигини оширишда тупроқ таркибидаги туз миқдорини камайтириш орқали биологик ва экологик йўқотишларни пасайтиришга эришиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ханин М., Эбель С., Нгом М., Лаплазе Л. и Масмуди К. Новые взгляды на механизмы устойчивости растений к соли и их потенциальное использование для селекции. // Фронт. Растениевод. 7: 1787 г.; doi: 10.3389/fpls.2016.01787, 2016. - с. 1-17.
2. Хасануззаман М., Нахар К., Алам М. М., Бховмик П. С., Хоссейн А. М., Рахман М. М., Нарасимха Вара Прасад М., Озтюрк М., Фуджита М. Возможное использование галофитов для восстановления засоленных почв, BioMed Research International, 2014. <http://dx.doi.org/10.1155/2014/589341>.
3. Манучарова Н.А., Добровольская Т.Г., Степанов А.Л. Таксономический состав денитрифицирующих бактерий в дерново-подзолистой почве // Микробиология. -2000. - том 69. №2. - С. 286-289.
4. Макскамова Д.Ю. Актиномицеты в гипсоносных почвах Джизакской степи // XXIV Международная научная конференция студентов, аспирантов и молодых ученых. Ломоносов
5. Муродова С.С. Разработка новых конкурентоспособных микробных препаратов, повышающих устойчивость хлопчатника к стрессовым условиям, на основе местных штаммов ризобактеров и оценка их практической значимости. Автореф. доктор биол. наук 03.00.04-Институт биотехнологии микробиологии АН РУз 2018, - С. 54.
6. Гафурова Л.А., Мадримов Р.М., Разаков А.М., Набиева Г.М. Почвы юго-восточной части Хорезмского оазиса. Монография. «НАУЧНО-ТЕХНИЧЕСКОЕ ИЗДАТЕЛЬСТВО», Ташкент, 2020.- С. 144.
7. Гафурова Л.А., Мадримов Р.М., Разаков А.М., Набиева Г.М. Экология, генезис, трансформация и эволюция Питнякского оазиса. Коллективная монография: Основные достижения, подходы и перспективы в повышении плодородия деградированных почв. Москва, 2019. – с. 102-122
8. Хоразм вилояти тупроқлари. Ўзбекистон ер ресурслари давлат қўмитаси Тупроқшунослик ва агрохимия илмий-тадқиқот давлат институти. Тошкент “ФАН” 2003. – 188 б.
9. Наваз К., Хуссейн К., Маджид А., Хан Ф., Афган С., Али К. Гибель растений от солевого стресса: морфологические, физиологические и биохимические аспекты // Afr J Biotech, 2010. - 9 (34). - стр. 5475-5480.
10. Chaves M.M, Flexas J., Pinheiro C. Photosynthesis under drought and salt stress: regulation mechanisms from whole plant to cell // Ann Bot. 2009. - 103, -pp. 551-560.
11. Tavakkoli E., Fatehi F., Coventry S, Rengasamy P. and McDonald G.K., Additive effects of Na Cl ions on barley growth under salinity stress // Journal of Experimental Botany, 2011. vol. 62, no. 6, - pp. 2189-2203.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ТОҒОЛДИ ЕР ОСТИ СУВЛАРИ КОНИНИНГ ГЕОЭКОЛОГИК ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ

Жуманали Қурбонов,

етакчи илмий ходим,

Жураев Марифали Турғунбоевич,

“Геоэкология” лабораторияси мудири,

Хусанова Азиза Холмумин қизи,

гидрогеолог,

Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги Геология фанлари университети

“Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти” давлат муассасаси.

Аннотация: Мақолада “Қўриқланадиган майдон” мақоми берилган Жиззах вилояти Тоғолди ер ости сувлари кони ҳудуди геологик муҳитининг ҳозирги аҳволи, унга қўрсатилаётган табиий-техноген омиллар даражасининг даврий ўзгаришлари ва салбий оқибатлари ҳақида сўз юритилади. Майдонда ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашуви, грунт сувларининг ҳолати ва сифатига, тупроқларнинг шўрланишига, ер ости туз балансига таъсир қўрсатаётган омиллар келтириб ўтилган. Ер ости сувлари сифати ўзгарган майдонларда сувларнинг минераллашуви, умумий қаттиқлиги, ифлослантирувчи ингредиентлар миқдори меъёр даражасидан ортиқлиги тўғрисида маълумотлар берилган. Ер ости сувлари ҳолати харитасида уларнинг турли даражада ифлосланган майдонлари ажратилди. Ер ости сувлари сифатини яхшилаш ва улардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари келтирилди.

Калим сўзлар: экология, грунт сувлари, ифлосланиш, минераллашув, оғир металллар, сув сатҳи, ерларни суғориш, оқова сувлар.

Аннотация: В статье приводятся сведения о современном состоянии геологической среды Предгорного месторождения подземных вод в Джиззахской области со статусом “Охраняемая территория” и динамика изменения природно-техногенных факторов, отрицательно влияющие на состоянии геологической среды. Также упоминаются факторы, влияющие на ухудшение мелиоративного состояния земель, состояние и качество грунтовых вод, засоление почв, водно – солевой баланс. На участках с изменённым качеством грунтовых вод приводятся данные о минерализации, общей жесткости вод, превышении нормативного уровня содержания загрязняющих веществ. На карте состояния подземных вод выделены территории с различным состоянием подземных вод. Приведены природоохранные мероприятия для сохранения и рационального использования.

Ключевые слова: экология, грунтовые воды, загрязнение, минерализация, тяжелые металлы, уровень воды, орошение земель, сточные воды.

Abstract: The article provides information on the current state of the geological environment of the foothill groundwater deposit in the Jizzakh region with the status of “Protected area” and the dynamics of changes in natural and man-made factors that negatively affect the state of the geological environment. Factors affecting the deterioration of the ameliorative state of lands, the state and groundwater quality, soil salinity, water-salt balance. In areas with altered groundwater quality, data are provided on mineralization, general water hardness, and excess of the normative level of pollutant content. On the groundwater status map, areas with different groundwater status are highlighted. Environmental measures for conservation and rational use are given.

Keywords: ecology, groundwater, pollution, mineralization, heavy metals, water level, irrigation of land, wastewater.

Ўзбекистон Республикаси ер ости сувлари аҳолини ичимлик суви билан таъминлашнинг асосий манбаси ҳисобланади ва уларнинг 60% хўжалик ишлари талабларини қондиради.

Жиззах вилояти Тоғолди ер ости сувлари кони чучук ер ости сувлари ҳосил бўлиш майдонлари ва аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашнинг асосий манбаси бўлгани сабабли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 12 январдаги 14-сонли қарорига асосан ушбу ҳудудга республика миқёсида алоҳида қўриқланадиган майдон мақоми берилди. Мазкур ер ости суви кони Шимолий Нурота тоғи текислигининг шимолий-ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, шарқдан Кли ариғи билан, шимолдан Айдар – Арнасай

кўли билан, ғарбдан Жиззах вилояти чегараси билан белгиланади.

Майдонда ер ости сувлари ва ер усти сувлари Писталитов ва Хонбандитов тоғлари ёриқли-карст сувларининг шимилиши ва ер ости сувлари оқими орқали тўйинади. Ер ости сувли қатламлар қалинлиги тоғли ҳудудларда 20-30 метр бўлиб, текисликларда эса 50-70 метргача ўзгаради. Тошли, шағалли сувли қатламларнинг сув ўтказиш коэффициенти 1,0-10,0 м/сут, айрим жойларда 25 м/суткагача, бу ҳудуддаги ер ости сувлари сатҳи 3,5 метрдан 20,0 метргача ўзгаради. Қудуқлардаги сув сарфи 0,5-5,0 л/с ташкил этиб, сув сатҳи ўзгариши 0,5-12,0 метрни ташкил этса, айрим қудуқлардаги сув сарфи 9,12 л/с бўлиб, сув сатҳи ўзгариши эса 13,3 метрни ташкил этади.

Бу ҳудудда ер ости сувлари асосан чучук сувлар ҳисобланиб, уларнинг минераллашуви 1,0 г/л гача, ҳудуднинг шимол томонларида ер ости сувларининг минераллашуви 3,0 г/л гача ўзгариши кузатилади. Кимёвий таркибига кўра, гидрокарбонат-кальцийли, сульфат-натрийли сувлар ҳисобланади. Ер ости суви кони башоратланган захиралари 165,9 минг м³/суткани, тасдиқланиб фойдаланиладиган захиралари эса 163,2 минг м³/суткани ташкил этади [1].

Ушбу ер ости сувлари кони ҳудудида “Кўйтош”, “Учкулоч” ва “Узункудук” истиқболли участкаларига ажратилган. Ҳозирги даврда бу жойларда қишлоқ хўжалиги омиллари, яъни ерларни ўзлаштириш ва суғориш алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашуви грунт сувлари ҳолати ва сифатига, тупроқларнинг шўрланишига, ер ости сув туз балансига таъсир кўрсатади. Янги ерларни ўзлаштириш оқибатида грунтлар таркибидаги тузларнинг ювилиши оқибатида ер ости сувлари минераллашуви ҳамда умумий қаттиқлигининг ошиб боришига сабаб бўлмоқда.

Жиззах вилояти мелиоратив экспедицияси маълумотларига кўра, суғориладиган майдонлар ҳажми 2010 йилда 290800 гектарга, 2021 йилга келиб 303800 гектарга ошиши кузатилиб, суғориладиган майдонларга бериладиган сув миқдори охириги йилларда 2922,26 млн м³ ни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин.

Улардан ташқари майдон ҳудудида атроф-муҳитга таъсир ўтказаяётган ифлослантирувчи локал объектлар, Учкулоч шахтаси, тоғ-кон комбинатининг оқова ва чиқиндилари (отваллари), Оқтом каръери, ёқилғи қуйиш шохобчалари, қишлоқ хўжалик ва чорвачилик комплекслари, марказлашган сув олиш иншоотлари фаолият олиб бормоқда.


Ифлослантирувчи компонентларнинг атроф-муҳит ҳолатига таъсиридан ташқари ер ости сувлари миқдорини камайиш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Чучук ер ости сувларининг захираси камайиши миқдор ва сифат кўринишида бўлиб, улар сифат даражасини пасайиши, ер ости сувларидан меъёрдан ортиқ равишда фойдаланиш оқибатида улар сатҳининг 2,0-4,0 метрга пасайишида намоён бўлмоқда (1-расм).

Ер ости сувлари минераллашуви майдон бўйлаб асосан 1,0 г/л. Шимолда қум-барханлик майдонларда минераллашуви 3,0 г/л ўзгариши кузатилади.

Кимёвий таркибига кўра (1,0 г/л) гидрокарбонат-сульфатли, натрий-кальцийли, (1,0-3,0 г/л) сульфат-хлоридли, натрийли-магнийлидир [2]

Ер ости суви конининг “Кўйтош” участкаси сув олиш иншооти бўйлаб олиб борилган ер ости сувлари захираларини қайта баҳолаш ишлари маълумотларига

кўра, Қўйтош тоғи шимолий ён бағри майдонларида янги тузилган фермер хўжаликлари томонидан ўзбошимчалик билан 120 дан ортиқ қудуқлар қазилиб ерлар суғорилмоқда. Натижада суғориш мавсумида сув олиш иншооти фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Сув олиш иншооти ғарбий қисмидаги ер ости сувлари минераллашуви 0,4-0,8 г/л, умумий қаттиқлиги 5,1-6,2 мг.экв/л бўлиб, ер ости сувлари иншоотнинг шарқий қисмида 1,2 г/л умумий қаттиқлиги 10,2-11,4 мг.экв/л. гача ўзгарганлигини кузатиш мумкин Маълумки, суғориладиган ерларда сувларга кўрсатилаётган техноген босим натижасида экин майдонларида фойдаланилаётган минерал ва азотли ўғитларнинг тупроққа сингиб кетиши 13-19% дан 24-29% ни ташкил этса, коллектор-завурлар орқали 8-15% таъсир этиб, ер ости сувларига уларнинг 12-15% таъсири этиб боради.



1-расм. Тоғолди кони ер ости сувлари сатҳи ўзгариши графиги.

Суғориладиган 1 км² майдонга аҳоли яшаш шароитида ҳосил бўлаётган суюқ ва қаттиқ чиқиндилар, қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган минерал ва азотли ўғитларнинг ер ости сувлари сатҳига сингиши солиштирма техноген босим сифатида қабул қилинди.

Ер ости сувларига кўрсатилаётган босим 2010 йилларда ушбу ҳудудда олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра йилига 4,57 т/км² ни, 2020 йилда эса 5,149 т/км² ни, яъни 12,6% ошганлиги аниқланди.

Ер ости сувларига кўрсатилаётган экологик босим даражаси эса улар таркибидаги ифлослантирувчи компонентлар концентрациясининг меъёрга нисбатан кўрсаткичи орқали аниқланади. Ушбу кўрсаткичлар Табиатни муҳофази қилиш давлат қўмитаси томонидан 2008 йилда ишлаб чиқилган қўлланма асосида амалга оширилади (1-жадвал).

Кўриқланадиган майдондаги Тоғолди ер ости сувлари кони бўйлаб жойларда фойдаланилаётган қудуқлардан олинган сув намуналари кимёвий таҳлилларига асосан ер ости сувларига кўрсатилаётган экологик босим даражасига кўра, Қўйтош участкасида - 2,12; Учкулоч

1-жадвал.

Мезонлар	Ер ости сувларига экологик босим даражаси (класс)				
	I - ўта кучсиз	II - кучсиз	III - ўрта	IV - юқори	V-ўта юқори
Ер ости суви ифлосланиш даражаси	0-1	1-2	2-3	3-5	5-7

УЎТ: [577.4+912.43:622]575.11+14

ТОҒ-КОН САНОАТИНИНГ ГЕОЭКОЛОГИК МУАММОЛАРИ

Ботиржон Абдуллаев Дадажонович,
 “ГИДРОИНГЕО институти” ДМ “Ер ости сувлари менежменти” лабораторияси бош илмий ходими,
 геология минералогия фанлари доктори,
Насиба Дадаходжаева Рустамходжаевна,
 “ГИДРОИНГЕО институти” ДМ “Тоғ-кон ишларида муҳандис геологик тадқиқотлар” лабораторияси
 катта илмий ходими,
Муяссар Холмуродова Хамидовна,
 “Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти”
 Миллий тадқиқот университети магистри,
Урол Саидмуродов Камол ўғли,
 Геология фанлари университети нефть ва газ конлари геология факультети 3-курс талабаси.

Аннотация. Ўзбекистоннинг тоғ-кон саноати, яъни конларни қидириш, разведка қилиш, унинг захираларини ҳисоблаш, маъдан қазиб олиш, ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва хом ашё экспортининг ошиб бориши давлат иқтисодиётининг барқарорлаштириш ва унинг захираларини тўлдирмоқда. Бир сўз билан айтганда, тоғ-кон ишлари давлат саноатининг ривожланиши ва иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлайди ва бюджетининг муҳим жиҳатларини белгилайди. Бироқ тоғ-кон саноати бутун атмосфера ҳамда литосферани қамраб олиши, унинг билан келадиган айрим муаммоларни ҳам келтириб чиқаради. Яъни атроф-муҳит деградацияси ва экологик муаммолар ривожланиш қўламини оширади. Мақолада конларни очиқ ва ер ости усулида қазиб олишда унинг геоэкологик муҳитга салбий таъсири ҳамда тоғ-кон саноатининг атроф муҳитга таъсири камайтириш бўйича тавсиялар келтирилган.

Калим сўзлар: Геоэкология, фойдали қазилма, карьер, кон, деградация, чиқинди, хом ашё, оқова сув, фойдали қазилма кони.

Аннотация. Горнодобывающая промышленность Узбекистана, то есть разведка, разведка, подсчет его запасов, добыча руды, производство готовой продукции и экспорт сырья, стабилизирует экономику государства и пополняет его запасы. Одним словом, горные работы обеспечивают развитие и устойчивость экономики государственной промышленности и определяют важные аспекты бюджета. Однако тот факт, что добыча полезных ископаемых затрагивает всю атмосферу и литосферу, создает некоторые проблемы. То есть деградация окружающей среды и экологические проблемы увеличивают масштабы развития.

В статье представлены рекомендации по снижению негативного воздействия открытых и подземных горных работ на геоэкологическую среду и воздействия горных работ на окружающую среду.

Ключевые слова: Геоэкология, полезные ископаемые, разработка карьеров, добыча полезных ископаемых, добыча полезных ископаемых, деградация, отходы, сырье.

Annotation. The mining industry of Uzbekistan, that is, exploration, calculation of its reserves, ore mining, production of finished products and export of raw materials, stabilizes the state's economy and replenishes its reserves. In short, mining ensures the development and sustainability of the economy of the state industry and determines important aspects of the budget. However, the fact that mining involves the entire atmosphere and lithosphere creates some problems. That is, environmental degradation and environmental problems increase the scale of development.

The article presents recommendations for reducing the negative impact of open and underground mining on the geoeological environment and the impact of mining on the environment.

Keywords: Geoecology, mineral, quarry, mine, mine, degradation, waste, raw material, wastewater, mining.

Республикаимиз иқтисодиёти жадал суръатлар билан ўсишининг асосий омилларидан бири фан ва техникадир. Ушбу замонавий техника асрида тоғ-кон саноатининг ривожланиши атроф-муҳитга, инсониятга, ўсимлик дунёсига ўз таъсири кўрсатиб, қатор экологик муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Тоғ-кон саноати конларни қидириш, уларни разведка қилиш ва ер остидан фойдали қазилмаларни қазиб

олиш тармоғи ҳисобланади. Мамлакатимиз ўзининг йирик табиий захиралари билан машҳур бўлиб, улардан оқилона фойдаланиш давлатнинг асосий мақсадларидан биридир. [1]

Хусасан, ҳозирда республикаимизда Ангрэн-Олмалик тоғ-кон ҳудудида жойлашган “Қалмоқир” полеметал кони ўзининг захираси ва рентабеллиги билан бошқа конлардан ажралиб туради. Бу кон 1925 йилда


С.Машковцев томонидан очилган.

Қайд этиш жоизки, Қалмоқир кони дунёдаги энг йирик очиқ усулда (карьер) қазиб олинган мис конларидан биридир. Бугунги кунга қадар карьернинг узунлиги 4 км, эни 2 км, чуқурлиги 530 метрни ташкил этади. Руда қазиб олиш учун коннинг лойиҳа қуввати йилига 30 миллион тонна рудани ташкил этади (1-расм).



1-расм. Қалмоқир карьери.

Кон асосан интрузив жинслардан ташкил топган. Кон ксенолитлар қуйи девон кварс порфирлари ва юқори девон оҳақтошлари билан ифодаланган. Интрузив жинслар кондан узоққа чўзилган йирик Олмалиқ сийенит-диорит массивига мансуб. Деярли барча саноат минераллашуви Олмалиқ массивининг иккинчи фазасига мансуб бўлиб, сийенит-диоритларда жамланган. Улар массив ёки ноаниқ ифодаланган порфирит текстурага эга бўлган гипидиоморф-донали тузилишга эга бўлган яшил-кулранг рангдаги жинслардан ташкил топган. Маъданларни ўзлаштириш даврида ернинг табиий ҳолати бузилишига олиб келади.



малахит

азурит, малахит

Минерал хом ашёларни қазиб чиқариш ва қайта ишлашда атмосфера табиий ва сунъий материалларни майдалаш ва ёқиш жараёнида ифлослантиради, асосий массасининг 2% гачаси атмосферага тушади. Асосий чиқинди ва чанг газсимон чиқиндилардир. Конларни қазиб, бурғулаш ва портлатиш ишлари жинслар ва фойдали қазилмаларни ортиш, тушириш, уларни ташиш, майдалаш, маъданларни қайта ишлаш чиқиндиларни жойлаштириш атрофнинг жадал чангланишига олиб келади. Маъданларни бойитишда фойдали қазилма ва жинсларнинг зарраларидан ташкил топган чиқиндилар ҳосил бўлади. [2]

Фойдали қазилма конларидан маъдан ўзлаштириш ишлари даврида маълум миқдорда маъдансиз бўш

жинслар ҳам қазиб чиқарилади ва ер юзасида унинг йирик тўпламлари ҳосил бўлади. Қазиб олинган хом ашё тўпланиб қайта ишланади. Маъдан 30% фойдага эга бўлса, унинг қолган 70% бўш жинслар бойитиш жараёнида ажратиб ташланади. Кейин тахминан 60% фойдали компонентга эга бўлган концентратга, технологик қайта ишлашга киради, натижада яна чиқиндилар пайдо бўлади, чиқиндиларнинг тўпланиши ер юзасининг техноген бузилишини юзага келтиради. Кўпинча чиқиндилар (отвал) экологик вазиятнинг ёмонлашишига сабаб бўлади. [3]

Конларда фойдали қазилмаларни қазиб олишни кенгайтириш, муҳандис ва транспорт коммуникацияларини барпо қилиш бузилган тупроқли ва рельефли ҳудудларни кескин ортишига олиб келади. Маълумки, фойдали қазилмаларни очиқ усулда қазиб олиш иқтисодий жиҳатдан сермахсул ҳисобланади. Бунда меҳнат унумдорлиги 5-6 баробар юқори, маҳсулотнинг таннархи эса ер ости усулидагига нисбатан 2-3 баробар арзон бўлади. Лекин айнан очиқ кон ишларида маъдан қазиб чиқариш ҳудуднинг ландшафти ва гидрогеологик шароити ўзгаришига ёки айрим ҳудудларда тупроқ қопламасининг бутунлай йўқотилишига олиб келади. Демак, мавжуд технологияларда тоғ ишларининг кенгайтирилиши, фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш оширилиши ҳар доим маҳсулдор ерларнинг қисқариши ва мавжуд экологик мувозонатнинг бузилиши билан яқунланади. [4]

Аксарият ҳолларда захарли чиқиндиларни сақлаш учун яроқсиз жойлар танланади. Асосан республиканинг депрессив ҳудудларида тоғ-кон чиқиндилари тўпланади. Масалан, Ўзбекистоннинг Нурота-Зарафшон ва Ангрен-Олмалиқ тоғ-кон маъданли майдонларида табиий муҳитни сақлаш ва унга зарар етказмаслик учун тоғ-кон ва маъданни қайта ишлаш корхоналари чиқиндилари билан ифлослантириш муаммоси айниқса долзарбдир. Бу тоғ-кон майдонида маъдан қазиб даврида ва металлургия саноати чиқиндиларининг асосий қисми чиқинди сақлаш майдончаларига юборилаётганлиги мазкур ҳудуддаги вазиятни янада оғирлаштиради. [5]

Фойдали қазилма конларини очиқ ва ер ости усулида қазиб олиш, бир томондан бўшлиқлар ва чуқурликларнинг (кўчки ҳодисаларини ва ер юзасининг чўкишини юзага келтирадиган) шаклланиш билан бирга боради, бошқа томондан бўш жинсларнинг улкан чиқиндиларини ҳосил қилади. Замонавий тоғ-кон саноатининг ривожланишида, дунёда ҳар йили миллиардлаб кубометр тоғ жинслари ернинг усти қисмига чиқарилади. Бу эса қазиб олинган тоғ жинсларининг ўрни бўшлиқ ҳолатта қолади. Бундан ташқари қазиб олиш чуқурлигини ошириш ва фойдали таркибий қисм миқдори оз бўлган конларни ўзлаштириш тенденцияси бу жараёнларни янада кучайтиради. Юқоридагилар ер юзасининг ўзгариши, унинг морфологияси рельефи ва янги техноген ландшафтларнинг шаклланиши билан боғлиқ ҳолда ўзининг салбий оқибатларини кўрсатади.

Атроф-муҳитнинг турли даражадаги табиий ҳолати бузилишига олиб келадиган тоғ кон ишлари:


- фойдали қазилма конларидан маъдан қазиб олиш ишлари даврида тоғ иншоотларини ўтиш;
- тоғ массасини термир йўл орқали, конвейерда, махсус юк ташувчи автоулов ёки гидравлик усулда ташиш;
- фойдали қазилмаларни қайта ишлаш;
- чиқиндиларни (отвал) тўплаш ва кейинчалик утилизация қилиш;
- дренаж ва сув чиқариш тадбирлари;
- рекультивация ишлари.

Маъданга бой истиқболли майдонларда шахта, штоля ва карьерларида фаолият юритаётган мутахассисларнинг касб касалликлари ривожланиши, умр кўриш давомийлигининг қисқариши ташвишли албатта. [6]

Саноатнинг жадал суръатлар билан ривожланиши табиий ресурсларининг камайишига, табиий муҳитнинг ифлосланишига, дегредациянинг вужудга келишига, бу эса экологик муҳитнинг салбий оқибатларга олиб келишига сабаб бўлади.

Зармитан маъданли майдони асосан олтин фойдали қазилмасига бойлиги билан бошқа худудлардан ажралиб туради. Хусусан, Ғужумсой кони олтин захираси ва рентабеллиги билан ажралиб туради. Кон ёпиқ усулда қазиб олинади.

Ғужумсой истиқболли майдони Нурота-Зарафшон тоғ-кон худудида жойлашган бўлиб, асосан кондан олтин қазиб олинади. Ўрганилаётган худуд Самарқанд вилояти Қўшработ туманининг Нурота тоғ тизмаси марказий-жанубий ён бағрида жойлашган Олай-Кўкшол бурма тизимининг Зарафшон-Туркистон структуравий зонасида шаклланган (2-расм).



2-расм. Ғужумсой, Чармитан ва Ўрталик олтин конларининг 3D тасвири кўриниши.

Майдоннинг рельефи ўрта-паст тоғликлардан иборат бўлиб, мутлақ баландлиги 900 м дан 1025 м гача ўзгариб туради. Баландликларнинг қиялиги 10-30° бўлиб, майдоннинг шимоли-ғарбий қисмида эса 35-40° ни ташкил этади. Кон тарқалган майдон неоген ва тўртламчи давр қатламлари билан қопланган.

Лекин у ерда экологик муаммо ҳам йўқ эмас. Олтин қазиб олишда қимматбаҳо металлларнинг атмосферага захарли таркибий қисмлари чиқиши билан бирга минерал аралашмалардан ажратиш технологияси қўлланилади. Бу ўз навбатида экологик муҳитга салбий таъсир кўрсатади (3-расм). [7]



3-расм. Зармитан истиқболли майдони.

Тоғ-кон саноатининг ер табиий сфераларига салбий таъсири: тоғларни қазиб олиш ишлари ернинг ички қисми билан боғлиқ бўлишига қарамай, бу саноатнинг зарарли таъсири фақат тупроқ, рельеф ва бутун литосфера билан чекланган деб тахмин қилиш хатодир, охир-оқибат барча табиий комплекслар ва бирликлар таъсирида у ёки бу тарздаги глобал характердаги ўзгаришларга олиб келади. [8]

Тоғ-кон саноати корхоналари томонидан атмосферага зарарли моддаларнинг чиқарилиш фойдали қазилмаларни ўзлаштириш жараёнида турли хилдаги ёнувчи, эритувчи ва портлатувчи жисмлардан фойдаланиш, айниқса, кўмир конларини очиқ усулда ўзлаштиришда атмосферага чанг, азот оксиди, углерод оксиди, олтингугурт диоксиди, водород сулфиди қаба зарарли моддалар чиқиши кузатилади (4-расм). [9]

Ҳозирги кунда тоғ-кон маъданларини қайта ишлаш корхоналари қурилишида экологик муаммоларни камайтириш мақсадида барча технологик ишларни бажаришда конларни қазиб олиш, маъданларни ташиш ва қайта ишлаш ишларида хавони интенсификация равишида ифласлантирувчи чанг зарраларини ҳажмини камайтириш ва тозалаш даражалрига қараб аэрозол чиқиндиларини тозалаш қурилмаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир (5-расм).

Кўмир ва нефть саноати кўп ҳолларда атроф-муҳитни оқова сувлар билан ифласлантиради. Кўмир, нефть ва бошқа турдаги конларни қазиб олишда дренажлаш ишлари натижасида ер ости сувлари захираларига ўз салбий таъсирини кўрсатади. Шунингдек, карьер, шахта ва саноат тозаланмалари натижасида оқова сувлар ер усти сувларини ифласлантиради.

Тоғ-кон саноатининг ривожланиши билан бирга айрим муаммоли вазиятларни келтириб чиқаради. Ер юзасининг турли хилдаги деформацияга учраши, дарё сойларнинг саёз ёки бутунлай йўқолиб кетиши, ер юза-



4-расм. Ангрэн қўмир кони.



5-расм. Саноат газларининг атроф-муҳитга тарқалиши.



Саноатда оқова сувларнинг зарарли таъсиридан ҳимояланиш мақсадида оқова сувларни сақлаш майдонлари, уларни тиндириш ва керакли мақсадлардан қайта фойдаланишни назоратга қўйиш талаб этилади (6-расм). [10]

6-расм. Саноат оқова сувлари.

сига катта миқдорда чиқинди жинслар чиқарилади, бу эса зарали газлар ва ҳавода чанг миқдорининг ошиб кетишига олиб келади.

Сувларни тозалаш иншоотларини қуриш замонавий кончилик корхоналарининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлиши керак.

Шахта, штольня ва карьер сувларининг асосий ифлослантувчи моддалардан махсус тозалаш майда дисперсланган шағалтош ва кумдан қурилган сув ҳавзаларида тиндирилиб, кейин керакли мақсадларга йўналтирилса ифлосланишнинг қисман олди олинган бўлади.

Экологик вазиятни тубдан яхшилаш учун қуйидаги характердаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур:

Хуқуқий жиҳатдан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни яратиш, тозаланмаган оқова сувларни сув ҳавзаларига ташлашни тақиқлаш, ишлаб чиқариш чиқиндиларини утилизация қилмасдан тўплаш.

Иқтисодий жиҳатдан тоғ-кон саноатига техноген таъсир оқибатларини бартараф этишда молиявий сармолярни талаб этади. Шунинг учун бу масалада тадбир-

корлик субъектларини йўлга қўйиш керак.

Фойдали қазилма конлари атрофларида катта-кичик аҳоли пунктларида дарахт ва буталар экиш, уларнинг ҳудудида кўкаламзорлаштириш ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Тоғ-кон саноати ривожланган ҳудудларда ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишга алоҳида аҳамият бериш лозим. Ифлосланган сув ҳавзаларини тозалаш ва тиклашнинг замонавий технологияларини ишлаб чиқиш, санитария муҳофазаси зоналарини ободонлаштириш, саноат чиқиндилари билан ҳаво, шунингдек, тупроқ ифлосланишига чидамли ўсимликларни танлаш муҳим ҳисобланади.

Хулоса. Юқорида келтирилган муаммолар инсониятга бевосита таъсир қилмаса-да, вақт ўтиши билан салбий оқибатларини келтириб чиқаради. Албатта, тоғ-кон саноатини тўхтатиб бўлмайди, чунки давлат иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан ҳисобланади. Кон қазииш ишларидаги экологик муаммолар ҳозирги кун давр талабларидан бири, биз заминнинг ички табиий ҳолатини сақлаш орқали келажак авлод учун соғлом турмуш тарзини таъминлашга эришамиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ахметжанов А.Е., Страмоусов С.С. КГКП “Геологоразведочный колледж УО ВКО А” г.Семей
2. Ярбобоев Т.Н., Қосимова К.Ё. “Тоғ-кончилик саноатининг экологик муаммолари” Таълим фидойилари
3. Торгоев И.А., Алёшин Ю.Г. “Геоэкология и отходы” горнопромышленного комплекса Кыргызстана
4. Яхшиева З.З., Ахмаджонова Ё.Т., Ахмаджонова УТ. “Оқова сувларни тозалаш усуллари ва технологиялари” “SCIENCE AND EDUCATION” SCIENTIFIC JOURNAL September 2021/volume 2 Issue 9
5. Абдуллаев Б.Д., Подолнқй О. Рахимова В., Бимурзаев Г.А., Рахимов Т., Дадажонов Б.Б., Аурели А. Товмасян К. “SCIENTIFIC AND METHODOLOGICAL FOUNDATIONS OF MODELING PRITASHKENT TRANSBOUNDARY AQUIFER INTERMEDIATE RESULTS OF THE GGRETA PROJECT IN CENTRAL ASIA” «Замонавий гидрогеологик, муҳандис геологик ва геоэкологик тадқиқотларнинг илмий ва инновацион жиҳатлари» Республика илмий-техникавий анжумани 14 октябрь 2022 йил
6. Дадаходжаева Н.Р., Машарипова Г.Б., Мақсудова Г.Б. “Развития провалных воронок на территории Зармитанского рудного поля”, «Замонавий гидрогеологик, муҳандис геологик ва геоэкологик тадқиқотларнинг илмий ва инновацион жиҳатлари» Республика илмий-техникавий анжумани 14 октябрь 2022 йил
7. Дадаходжаева Н.Р., Абдурахманов Б.М., Машарипова Г.Б., “Зармитан истиқболли майдонида ўпирилиш ўпқонларининг ривожланиш сабаблари”. «Геология ва минерал ресурслар» журнали 2022 йил 4-сон.
8. Дадаходжаева Н.Р., Абдурахманов Б.М. “Зармитан маъдан қамровчи тоғ жинсларининг муҳандис геологик шароитлари ва дарзланиши”. «Геология ва минерал ресурслар» журнали 2020 йил 5-сон.
9. Махмудов М.М., Дустмуродова Д.М. “Тошкент вилояти саноат экологиясининг умумий тавсифи” ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONNAL SCIENCES VOLUME-2
10. Кудратов О., “Саноат экологияси” ўқув қўлланма. Тошкент 2003.

УЎТ: 502.3.

ТАБИАТИМИЗ КЕЛАЖАГИ БАРКАМОЛ АВЛОД ҚЎЛИДА

Базарова Нигора Шамсиевна,

Қарши давлат университети Агрокимё ва экология кафедраси доценти.

Аннотация. Мазкур мақолада ёш авлодга экологик таълим-тарбия беришнинг ўрни ва аҳамияти тўғрисида сўз юритилган. Шунингдек, узлуксиз таълим тизимининг барча турларида, хусусан, мактабгача таълимдан бошлаб экология фанини ўқитишнинг зарурлиги кўрсатилган.

Мақолада ёшларнинг баркамол ва етук кадрлар бўлиб шаклланишида экологик таълимнинг муҳимлиги ёритилган.

Калим сўзлар: атроф-муҳит, экологик таълим, экологик онг, экологик дунёқараш, экологик маданият, экологик концепция, мактабгача таълим, интеллектуал салоҳият, баркамол авлод.

Аннотация. В данной статье говорится о роли и значении экологического образования в воспитании молодого поколения. Также показана необходимость преподавания предмета экологии во всех этапах системы непрерывного образования начиная с дошкольного.

В статье освещен вопрос о важности экологического образования в формировании молодежи и в подготовке ведущих кадров.

Ключевые слова: среда, экологическое образование, экологическое сознание, экологическое мировоззрение, экологическая культура, экологическая концепция, дошкольное образование, интеллектуальный авторитет, идеальное поколение.

Annotation. In the current era of rapid development of science and technology, the impact of man on nature has multiplied. The development of various industrial enterprises inevitably has an impact on the natural environment. It is advisable to anticipate these effects, take appropriate measures, reduce their negative consequences and increase their benefits.

Therefore, the protection of the natural environment and the rational use of its natural resources has become the most urgent and responsible task of our time.

Key words: environment, ecological education, ecological consciousness, ecological outlook, ecological culture, ecological concept, preschool education, intellectual authority, perfect generation.

Кириш. Фан ва технологиялар шиддат билан ривожланаётган ҳозирги даврда инсоннинг табиатга таъсири бир неча баробарга ортди. Турли хил саноат корхоналарининг ривожланиши табиий муҳитга салбий таъсир кўрсатади. Бу таъсири олдиндан англай билиш, тегишли чора-тадбирларни кўриш, уларнинг салбий оқибатларини камайтириш ва фойдали томонларини ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шу боис, табиий муҳитни муҳофазалаш, унинг имкониятларидан оқилона фойдаланиш ҳозирги замоннинг энг долзарб ва ғоятда масъулиятли вазифасига айланган. Бу вазифаларни ҳал этиш учун аҳолининг барча қатламларида, айниқса, ёш авлодда мактабгача таълим ёшида экологик билим, тушунча ва дунёқарашни шакллантириш ниҳоятда зарур. Ёшлик давридан бошлаб табиат сир-синоатларини тўлиқ тушунган инсонгина, табиатдаги мувозанатни сақлаш ҳаётимизнинг давомийлигини таъминлашини англай олади. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш кўп жиҳатдан инсонларнинг экологик саводхонлик даражаси, экологик маданиятига боғлиқ. Бу эса жамиятни ривожлантириш, табиат бойлиги ва гўзаллигини асраб-авайлаш вазифалари билан уйғунлашади.

Зеро, Президентимиз томонидан олиб борилаётган сиёсат ҳам шуни тақозо этади. Хусусан, 2017 йил 19 июл-

да Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори ҳамда 2017 йил 30 сентябрда “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони мувофиқ бу соҳада янги тизим яратилди [1-2]. 2019 йил 16 декабрда “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди [3]. Мазкур ҳужжатлар асосида мактабгача таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш ишлари амалга оширилмоқда.

Тадқиқот мақсади. Келажакда ёшларнинг кенг тафаккурли, маънан бой, қобилиятли инсонлар бўлиб-вояга этишларида табиат билан ҳамоҳанг тарбия беришнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Табиат ёшларни маънавий бойитишнинг битмас-туганмас манбаидир. Болалар доимо турли шаклларда табиат билан алоқада бўлиб турадилар. Айниқса, тирик олам, ўсимлик ва ҳайвонларнинг хилма-хиллиги болаларда табиатга нисбатан қизиқиш, ҳавас ҳис-туйғуларини уйғотади. Ёшлардаги инсоний фазилатлар меҳр-муҳаббат, қадрият, эзгулик кабиларни таркиб топиши ва ривожланишига ёрдам беради. Шу боис, мактабгача таълим ёшдаги болаларга табиат ресурсларига оид тушунчаларни ўргатиш ҳамда экологик онги ва дунёқарашини шакллантириш

мақсадга мувофиқ. Шу билан бирга, узлуксиз таълим тизимида экология фанини ўқитишни кенг жорий қилиш орқали ёшларнинг комил инсон бўлиб вояга етишларига эришилади.

Тадқиқот методологияси. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш чора-тадбирларидан устувори ёшларга экологик таълим-тарбия беришдир, чунки табиатда бўладиган ўзгаришларни тўғри англай олган инсон аниқ ва атроф-лича хулоса чиқара олади. Шундай экан, экология фанларини узлуксиз таълим тизимининг барча буғинларида олиб бориш ниҳоятда муҳим ҳисобланади. Айниқса, экологияга оид билимларни мактабгача таълим муассасаларидан бошлаш, мактабгача ёшдаги болаларга дастлабки табиат ҳақидаги билимларни бериш ва тасаввурларини кенгайтириб, бойитиб бориш муҳим масаладир.

Кейинги йилларда мактабгача таълим муассасаларга болаларни 100% қамраб олишга қаратилган алоҳида дастурлар ишлаб чиқилмоқда, шу билан бирга, уларга табиатга оид билимларни бериб бориш мақсадида “Эколог болажон” дастурини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш муҳим масала сифатида қабул қилинган. Бу вазифаларни амалга оширишда мактабгача таълим муассасаларининг ўз ўрни ва аҳамияти бор. Ушбу таълим муассасаларининг ўқув дастури ва режаси таркибига экологик билимларга тааллуқли мавзуларни киритиш ва соатини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир. Чунки, ҳозирга қадар мактабгача таълим муассасаларида экологик таълим-тарбияга эътибор талаб даражасида эмас. Тарбия беришнинг етарли даражасида эмаслиги уларнинг табиатдан узоқлашиб қолаётганига сабаб бўлмоқда. Шу боис, экологик тарбияни узлуксиз таълимнинг бошланғич бўғинида олиб боришни йўлга қўйиш зарур. Экологик таълим-тарбияни олиб бориш учун аввало, миллий экологик таълим-тарбия тушунчаси таянч бўлиб хизмат қилиши зарур. Улар ўзлари яшаб турган жой ва унда мавжуд маҳаллий манбалар билан яқиндан танишишлари лозим. Асосий эътибор бола шахсида ёшлигидан бошлаб табиатга бўлган ижобий муносабатларни шакллантиришга қаратилади. Бунинг учун болаларга табиатнинг энг гўзал мўъжизаларини, ажойиботларини, табиатнинг мафтункорлигини бола ёшига хос ва мос тарзда тушунтириш, табиатга оид шеърлар ўргатиш, расмлар билан ишлаш ва видеотасвирларда кўрсатиш, айниқса, табиатга саёҳатлар уюштириш, турли экологик тадбирлар ва акциялар ташкил этиш йўллари билан олиб бориш яхши натижа беради. Қолаверса, келгусида табиатни қадрлайдиган, эъзозлайдиган комил инсонларни тарбиялашда экологик таълимнинг ўрни беқиёсдир. Шу нуқтаи назардан чет элларда мактабгача таълим тизимида экологик билимларни бериш борасида олиб борилаётган ишларга эътибор қаратиш, уларнинг илғор тажрибасини таҳлил қилиш, лозим бўлса ибратли жиҳатларини юртимиз муассасаларига мослаштириш ва йўлга қўйиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мактабгача таълим муассасаларини такомиллаштиришга имкон беради.

Хусусан, чет эл мамлакатларида “Экология” мустақил фан сифатида узлуксиз таълимда кўзга ташланади. Масалан, Ғарбий Европа мамлакатларида болаларга экологик тарбия бериш 3 ёшдан бошланади. Австрияда эса экологик таълим мактаб дастурларига киритилган ва махсус ўқув қўлланмалар мавжуд. Шунингдек, Германияда ўрмон болалар боғчалари ташкил этилган бўлиб, кўпинча ўрмонларда жойлашган бўлади. Болажонлар доимо очик ҳавода бўладилар, дарахтлар ва бошқа ўсимликларни ўрганадилар, табиий материаллардан турли нарсалар ясайдилар. Болаларга табиатни севиш ва уни асраб-авайлаш ўргатилади. Бундай шаклдаги боғчаларнинг иккинчи кўриниши деҳқон ҳовлиси, қўрғони болалар боғчаси дейилади. Улар деҳқон хўжаликларида, фермерлар ёки уларга яқин ерларда жойлашган бўлади. Болалар дала ва боғларда сабзавот ва мевалар ўстиришга, фермерларга молларни боқишда кучлари етгунча ёрдам берадилар. Германия боғчаларининг яна бир тури Фрайнет-боғчаси деб номланади ва унда болаларнинг табиат қўйнига экскурсияга боришига катта аҳамият берилади.

Япониядаги мактабгача тарбия тамойиллари – соғлом, мустақил, ҳар томонлама ривожланган билимга эга ва ўз Ватанини севувчи жамият аъзоларини яратишга қаратилган. Бу ерда мактабгача тарбия бешта йўналишни ўз ичига олади, булар: ижтимоий муносабатлар; саломатлик, хавфсизлик; тил; атроф-муҳит; ҳис-туйғуларини ифодалаш. Япон болалари табиатни жуда севадилар ва чуқур ҳис этадилар, балки айнан шунинг учун ҳам Японияда турли дарахтлар, табиат ҳодисаларига бағишланган миллий байрам ва фестиваллар кўп бўлса керак. Ёшлиқдан гўзалликни севишни ва табиатни ҳис этишни ўргатилган япон болалар бу туйғулар билан умрбод яшайдилар. [4]. Бу борада буюк педагог В.А.Сухомлинский: “Мен болалар алифбонинг сўзини ҳижжалаб ўқишларига қадар, аввал табиатдан энг ажойиб табиат китобини мутолаа этишларини истар эдим” деб жуда тўғри айтган.

Шу ўринда республикамызда экологик таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2019 йил 27 майда 434-сонли қарор билан тасдиқланган “Экологик таълимни ривожлантириш концепцияси” қабул қилинди. Республикамызда барча аҳолида экологик маданиятни шакллантириш мақсадида экологик таълим-тарбияга узлуксиз таълим тизимининг муҳим таркибий қисми сифатида қараш ва таълим тизими жараёнига кенг жорий этиш, яъни барча таълим турларида ўқитиш зарур [5].

Шунингдек, экология ҳақидаги билимларнинг умумий ўрта ва ўрта махсус таълимда давомийлигини таъминлаш зарур. Зеро, инсон ҳаётида мактаб жуда катта ўрин тутишини биламиз. Айнан мактабда ёшларнинг таълим олишида ҳар бир фаннинг асоси шакллантирилади. Шу боис, экологияга оид билимлар ҳам ёшлиқдан бериб борилса, уларнинг табиатга бўлган муносабати ва дунёқараши ижобий ҳис-туйғулар билан ривожланади.



Ёш авлодда экологик билимлар орқали экологик онг ва дунёқараш ўсади, фикрлайди, табиатни англайди, тушунади ва натижада экологик маданият шаклланади.

Бироқ экология мустақил фан бўлишига қарамасдан ҳанузгача Ўзбекистонда мустақил фан тармоғига айланмаган. Узлуксиз таълим турларида экология фанини ўқитишнинг узвийлиги ва узлуксизлиги ҳозирга қадар тўлиқ амалга ошмаган. Шундай бўлса-да, биз экологик муаммолар ҳақида тўхтовсиз гапирамиз, ёзамиз, уларнинг ечими сушт бораётганлигини танқид қиламиз. Баъзан бу муаммоларнинг ечими йўқдек туюлади, улар шунчалик илдиз отиб кетганки қандай қилиб ва қайси йўللار билан уларнинг ечимини топиш мумкинлиги ҳақида бош қотирамиз. Албатта, мамлакатимизда экология соҳасида кўплаб амалий инновацион ишлар бажарилмоқда, қайсидир маънода ечими топилмоқда, аммо барча инсонлар онгида табиатга бўлган ижобий муносабат ҳали-ҳануз муаммолигича қолмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида таъкидлаганидек, барчамиз яхши биламизки, инсоннинг онги ва дунёқарашини, фикри ўзгармаса, жамият ўзгармайди. Жамият ўзгармаган жойда ҳеч қандай ижобий натижа ҳам, тараққиёт ҳам бўлмайди. Бугун биз яшаётган жамиятга янги фикр, янги ғоя, энг муҳими, ислохотларни амалга оширишга қодир бўлган янги авлод кадрлари керак. [6]. Айниқса, экологик таълимнинг узлуксизлигини таъминлаган ҳолда, олий таълимда давом

этириш ва уни тўлиқ қамраб олиш натижасида, бўлажак мутахассислар табиат ва унинг қонуниятларини илмий жиҳатдан англаб, чуқур билим, интеллектуал салоҳият, юқори экологик маданиятга эга бўладилар. Ёшлар келгусида қайси соҳа мутахассиси бўлиб ишлашларидан қатъи назар, улар яратаётган турли хил маҳсулотлар ва фаолият кўрсатаётган корхоналардан чиқаётган чиқиндилар табиатга, унинг асосий унсурлари: ҳаво, сув, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот оламига зарар келтирмаслик зарурлигини тушуниб етадилар.

Шу боис, “Экология” фанини чуқур ва ҳар томонлама ўрганишлари, инсон фаолияти (антропоген таъсир) натижасида биосферада рўй бераётган ҳодисаларнинг сабаб ва қонуниятларини таҳлил этишлари, табиат муҳофазасини илмий асосда англашлари муҳим аҳамият касб этади. Биз бугун мана шу ҳақиқатни англаб етмоғимиз даркор.

Мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбиясига алоҳида эътибор берилмоқда. Ўғил-қизларимизнинг замонавий билим олиши, юксак маънавиятли бўлиб вояга етиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Таълим муассасаларининг сони ва сифат даражаси юқори поғоналарга кўтарилмоқда. Бу имкониятлардан тўғри фойдаланиш зарур. “Ҳаммамизга аёнки, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам бу – илм-фан, таълим ва тарбиядир. Эртанги кунимиз, Ватанимизнинг ёруғ истиқболи, биринчи навбатда, таълим тизими ва фарзандларимизга

бераётган тарбиямиз билан чамбарчас боғлиқ”, – деб Юртбошимиз жуда тўғри баҳо берганлар [6].

Шу боис, экология фанини мустақил фан сифатида ўқитишни “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддаси таълим турларининг мактабгача таълим ва тарбия (1) бўғинидан бошлаш ҳамда умумий ўрта ва ўрта махсус таълим (2) да давом эттириб бориш мақсадга мувофиқдир. Қолаверса, экологик таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида барча таълим турларида, яъни профессионал таълим (3), олий таълим (4), олий таълимдан кейинги таълим (5), кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш (6), мактабдан ташқари таълим (7) да йўлга қўйиш албатта керакли натижаларни беради деб ҳисоблаймиз [7].

Тадқиқот натижалари. Ёшлар табиатнинг инсоният ҳаётидаги аҳамияти нақадар муҳим эканлигини чуқур ҳис этишлари, табиатни муҳофаза қилиш қонунлари билан танишишлари, табиатга нисбатан онгли муносабатларининг шаклланиши экологик тарбиянинг асосини ташкил этади. Ёшлар баркамол инсон бўлиб вояга етишлари учун экологияга оид билимлар тизимини илмий-амалий жиҳатдан эгаллашлари муҳим бўлиб, узвий ва узлуксиз ёндашишни тақозо этади. Илмий-педагогик ва методик йўналишларни тадқиқ этиш, амалий жиҳатдан самарали тажриба ўтказиш учун ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Бу ўзига хослик

ўрганилаётган экологик жараёнларнинг серқирра ва мураккаблигида, ўқув-тарбия жараёнида илмий ва педагогик омилларни бирлаштириш заруратида намоён бўлади. Хусусан, юртимизнинг табиати ва табиий ресурслари ҳақида тушунчага эга бўладилар, улардан фойдаланиш ва иқтисод қилиш, муҳофаза этиш йўллари ўрганиладилар, табиатнинг инсоният ҳаётидаги аҳамияти муҳимлигини англаб этадилар.

Ёшлар билим ўзлаштириш баробарида, теран фикрли, интеллектуал салоҳиятли, дунёқараши кенг инсонлар бўлиб вояга етадилар. Чунки таълим-тарбиянинг барча жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган ёшлар баркамол авлод деб аталади. Бу эса, ўз юрти гўзаллигидан фахрланувчи, унинг қадриятларини асраб-авайлайдиган, меҳр-шафқатли, экологик саводхон, билимли ва салоҳиятли ёшлар авлоди шаклланишига олиб келади. Биз соғлом, ахлоқли, меҳнатсевар, пок, билимдон инсонларни, бир сўз билан айтганда, баркамол авлодни тарбиялаб, ўстира олганимиздагина келажагимиз порлоқ бўлади. Чунки, ёшларни табиатга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш шунчаки бир эрмак эмас, бу давлат аҳамиятига эга бўлган долзарб масаладир.

Келажак ёшлар қўлида экан, табиатни бутунлигича асраш, уни келгуси авлодларга қадимги аждодаларимиз асрагандек етказиш инсонлар олдида турган юксак вазифалардан эканлигини ёш авлод қалбига сингдириш зарур.



ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзиёев Ш.М. “Мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-528-сонли қарори 2017 йил 19 июль.
2. Мирзиёев Ш.М. “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5198-сонли қарори. 2017 йил 30 сентябрь.
3. “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2019 йил 16 декабрь.
4. Абидов Б.К. Мактабгача таълим (хорижий мамлакатлар тажрибасидан). “Замонавий таълим” журнали, 2017 йил №11. 34-46 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси экологик таълимни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги 434-сонли қарори. 2019 йил 27 май.
6. Мирзиёев Ш.М. “Ўқитувчи ва мураббийлар янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суянчимиздир”. Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 2020 йил 30 сентябрь.
7. “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2020 йил 23 сентябрь.

Сувни тежаш ва унумли фойдаланиш — давр талаби

Ҳозирги кунда аҳоли ва қишлоқ хўжалиги истеъмолчилари томонидан ер ости сувларидан тўғри ва оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш масаласи тобора муаммога айланиб бормоқда. Жаҳонда юз бераётган иқлим ўзгаришининг натижасида минтақамизда ҳам сув ҳавзаларининг сувсизланиши, сув сарфининг камайиши, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида ер ости сув манбаларидан ортиқча фойдаланиш билан боғлиқ антропоген таъсирлар кузатилмоқда.



Мамлакатимизда ҳам сувдан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида” ги қонуни бу борадаги муҳим ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Ҳозир республикада 97 та ер ости сув конлари аниқланган бўлиб, уларнинг умумий сув ресурслари 63,9 млн. куб м/сутка (умумий сув ресурсларининг 25%) ташкил қилади, шундан шўрлиги 1 г/л гача бўлган сувлар 25,8 млн куб м/сут (40%)ни ташкил қилади.

Маълумот учун: Ер ости сувлари минералланиш даражасига ёки эриган тузларнинг таркибига кўра 4 турга: чучук (1 г/л гача), кам шўрланган (1-10 г/л), ўрта шўрланган (10-50 г/л) ва юқори шўрланган (50 г дан юқори) турларга бўлинади.

Ер ости чучук сувлари захиралари республика бўйича бир хил тарқалмаган бўлиб, асосан Тошкент вилоятида 28 фоиз, Самарқанд 14 фоиз, Сурхондарё ва Наманган 13 фоиздан, Андижон – 12 фоиз ва Фарғонага – 8 фоизга тўғри келади ва республика ичимлик сув таъминотининг 67 фоизини ташкил этади.

Шундан Фарғона (29,1%), Наманган (13,2%), Қашқадарё (10,8%), Самарқанд (11,5%), Тошкент (10,3%) вилоятларида ер ости сувларидан кенг фойдаланилмоқда.

Ер ости сувлардан асосан қишлоқ хўжалиги ва саноат мақсадларда кенг фойдаланиб, жами 18,6 млн. куб м/сут ёки 6,8 куб км/йил миқдоридан олинмоқда.

Ҳозирги ер ости сувлари мониторинги тизими 1465 кузатув қудуқларидан олинган сув намуналарининг минераллашув даражасига асосан таҳлил қилинмоқда.

Атроф-муҳит объектларининг ифлосланиши мониторингига кўра, ер ости сувларининг асосий ифлослантурувчи моддалари саноат, қишлоқ хўжалиги ва коммунал корхоналар ҳисобланади. Республикаимизнинг айрим худудларида ер усти сув чиқариш тармоқлари ва дренаж тизимларининг қониқарсиз ҳолати айрим шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларида ер ости сувлари сатҳининг интенсив кўтарилишига олиб келган.

Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси худудида 6 та ер ости сув конлари мавжуд бўлиб, улар – Қуйи Амударё, Қорақалпоқ, Устюрт, Бузайбай, Тўрткўл ва Жанубий Оролбўйи артезиан ер ости сувлари конларидан иборат. Бугунги кунда мавжуд бўлган жами 662 та эксплуатацион қудуқлар ёрдамида турли мақсадлар учун 46,41 минг м³/сут миқдорда сув олинмоқда.

Кейинги йилларда Амударёнинг ер усти оқимининг камайиши ва ер усти сувлари сифатининг ёмонлашиши кузатилмоқда. Айниқса, кам сувли даврда ер ости сувларининг минераллашуви дарёга яқин линза (ер ости сувлари қатлам)ларда 1,3-2,4 г гача ортиб бормоқда. Қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш минтақавий иккиламчи шўрланиш жараёнларининг ривожланишига сабаб бўлган. Ер ости сувларининг минераллашуви 0,6-60,8 г/л ораликда, асосан сульфат-хлорид-натрийли тузлар билан шўрланиш кузатилган.

Қорақалпоқ ер ости сув кони худудидаги каналлар сувининг камайиши оқибатида Шуманай туманида (1/3-сон кузатув қудуқда) ер ости сувлари сатҳининг 1,5-3,5 м гача пасайиши ҳамда минерал таркиб ошиши кузатилган 0,7-1,2 г/л ни ташкил этган.




ЕР ОСТИ СУВЛАРИДАН ТУРЛИ МАҚСАДЛАРДА ФОЙДАЛАНИЛАЁТГАН ҚУДУҚЛАРНИ ХАТЛОВДАН ЎТКАЗИШ НАТИЖАЛАРИ


Фойдаланиш мақсади бўйича тақсимот



Худудлардаги қудуқлар сони



Ер ости сувларидан фойдаланиш ҳажми



Рухсат этувчи ҳужжатларнинг хатлови

№	Худудлар	Қўлқондан ўтказилган қудуқлар сони	Гидрогеологик ҳалоса		Қудуқ вамаишта дўлатнома		Қудуқнинг техник паспорти		Сувдан мақсус фойдаланиш рухсатномаси		Худудий гидрогеологик станцияларга зисобот тошарилашнинг	
			бор	йўқ	бор	йўқ	бор	йўқ	бор	йўқ	тошариган	тошаримаган
1	Қорақалпоғистон Республикаси	81	81	0	80	1	81	0	0	81	40	41
2	Андижон	248	0	248	0	248	0	248	0	248	0	248
3	Бухоро	1794	0	1794	0	1794	1107	687	976	818	1194	600
4	Жиззах	475	0	475	0	475	0	475	0	475	0	475
5	Қашқадарё	178	0	178	0	178	0	178	0	178	0	178
6	Навоий	71	1	70	0	71	60	11	20	51	0	71
7	Наманган	3147	677	2470	336	2811	134	3013	1492	1655	25	3122
8	Самарқанд	381	0	381	0	381	0	381	0	381	0	381
9	Сурхондарё	296	17	279	1	285	3	292	7	289	0	296
10	Сирдарё	381	0	381	0	381	0	381	0	381	0	381
11	Тошкент	383	135	48	135	48	135	48	34	149	166	17
12	Фарғона	139	0	139	0	139	0	139	0	139	0	139
13	Хоразм	77	77	0	77	0	77	4	0	77	5	72
	Жами	7951	988	6963	629	7322	1593	6358	2529	5422	1430	6521

Устьурт ер ости сув кони ҳудудидаги “Устьуртгазкимё” комплексида (Ақшолақ участкаси) жойлашган 2з-сонли кузатув қудуғида 2019-2021 йилларда ер ости сувлари сатҳининг 1,8 м дан 5,0 м гача пасайганлиги ва минерализациясининг 2 г/л дан 8,0 г/л га кўтарилгани кузатилган.

Ер ости сувларининг камайиши ва ифлосланиши олдини олиш борасида назоратни кучайтириш ва жойларда экологик назорат тадбирлари ўтказиш бўйича амалий ишлар қилинмоқда. Тадбиркорлик субъектлари томонидан фойдаланишда бўлган 3886 та ер ости қудуқлари ўрганилганда 2299 та ер ости қудуқлардан тегишли ҳужжатларсиз фойдаланиб келинганлиги аниқланди.

Шундан 2472 та (ҚР 11 та, Бухоро 1226 та, Жиззах 237 та, Қашқадарё 44 та, Навоий 310 та, Наманганда 3 та, Сурхондарё 438 та, Сирдарё 97 та, Фарғонада 16 та, Тошкент вилоятида 90 та) қудуқлар тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилмасдан фойдаланиб келинаётгани, 760 та қудуқларга геологик ҳулосалар олинмаганлиги, 801 та қудуқларга ер ости сувларига қудуқ бурғилашга рухсатномалар олинмаганлиги, 2237 та қудуқларда техник паспорти йўқлиги, 1578 та қудуқларга сувдан фойдаланиш учун рухсатномалар олинмаганлиги ҳамда 112 та ҳолатда (Жиззахда 63 та, Навоийда 22 та, Сирдарёда 27 та) қудуқ бурғулашда қонун бузилишига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Ҳозирда аниқланган қонун бузилиш ҳолатларини бартараф қилиш, қудуқларнинг қонуний расмийлаштирилишини таъминлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Бугунги кунга қадар 2472 та тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилмасдан фойдаланиб келинаётган қудуқлардан 1032 та қудуқлар бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиши таъминланди.

Қўшимча равишда халқ ҳўжалигининг барча тармоқларида сувга, хусусан, ер ости сувига бўлган эҳтиёжининг кескин ошиб бораётганлигини эътиборга олиб, геология ва гидрогеология бўлинмалари томонидан қўшимча ер ости сув ресурсларини аниқлашга ҳамда ер ости сувлари мониторингини кучайтиришга қаратилган чоралар кўриш мақсадга мувофиқ саналади.


Ер ости сувларини муҳофазасини кучайтириш ва амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш борасида ишлар амалга оширилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ер ости сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2022 йил 7 декабрдаги ПҚ-439-сон қарори қабул қилинди. Қарорга кўра, ер ости сувларига қудуқларни бурғилаш учун рухсатнома беришнинг амалдаги тартиби бекор қилинди, ер ости сувларининг кўп йиллик ўртача сув сатҳига нисбатан солиштирилганда 5 метрдан ортиқ пасайиб кетган ҳудудлар (Навоий, Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё, Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларининг айрим ҳудудлари) бўйича ерларни суғориш ва ишлаб чиқариш мақсадларига қудуқлар бурғилаш учун мораторий эълон қилиниб, ер ости сув-



ЕР ОСТИ СУВЛАРИ Тўғрисидаги ХАРИТА

97 та ер ости сув конлари мавжуд.
Ер ости сувларининг умумий табиий бойлиги **63986,5** минг м³/сут

Вилоятлар	Жами	%	l г/л гача
Қорақалпоғистон Республикаси	5612.18	8,8	-
Андижон	5242.75	8,2	3184,7
Бухоро	2574.72	4,0	64,8
Жиззах	936.3	1,5	632,45
Қашқадарё	1721.95	2,7	1348,7
Навоий	1166.4	1,8	72,58
Наманган	7653.31	12,0	3312,58
Самарқанд	3672	5,7	3547,58
Сирдарё	4015.87	6,3	3373,75
Сурхондарё	6445.44	10,1	639,36
Тошкент	9285.84	14,5	7375,19
Фарғона	9446.98	14,8	2270,59
Хоразм	6201.49	9,7	-
Умумий	63986.53	100	25822,05



Сув сатҳи тушиб кетаётган ҳудудлар

- 1 Нурота тумани
- 2 Фориш, Зомин, Ш.Рашидов туманлари
- 3 Кибрай
- 4 ВУ№1
- 5 Охангарон тумани
- 7 Қўшрабод тумани
- 8 Ургут тумани
- 9 Пайариқ тумани
- 10 Бешариқ, Ўзбекистон ва Учқўприк т.
- 11 Қўрғонтөпа
- 12 Пахтаобод тумани
- 13 Чуст тумани
- 14 Янгиқўрғон ва Чортоқ туманлари
- 15 Косонсой тумани
- 16 Косон ва Чироқчи туманлари

ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР

- Минерализация, г/л
- 1,0-3,0
- 1,0 гача
- 3 дан юқори
- Тоғли ҳудудлар
- Адирликлар
- Сув сатҳи тушиб кетаётган ҳудудлар



ЕР УСТИ ВА ЕР ОСТИ СУВЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР



Президент Фармони лойиҳаси тайёрланди



Табиатга етказилган зарарни ҳисоблаш методикаси ишлаб чиқилмоқда



Ҳуқуқбузарликни аниқлаш "Эконазорат" тизими ишга туширилди



Дарёларга маъсул бўлган ва уларни тасарруф этувчи ягона вазирликни белгилаш



Запрет бурения

Чуст, Янгиқўрғон, Косонсой, Чортоқ, Нурота, Қўшрабод, Зомин ва Янгиобод туманлари фақат ичимлик учун қудуқлар қазилишига рухсат этилиши



Бешариқ, Учқўприк, Ўзбекистон, Пахтаобод, Избоскан, Қўрғонтөпа, Жалалқудуқ, Нуробод, Ургут, Пайариқ, Қуйиқирчиқ, Охангарон, Ш.Рашидов, Фориш, Янгиобод, Чироқчи ва Косон туманларида ичимликдан ташқари мақсадларда қудуқлар қазилишини чеклаш.





Юқорида қайд этилган 26 та туманларида ерларни сугоришда сув тежовчи технологияларни жорий этиш.

ларига қудуқларни бурғилаш, гидрогеологик хулоса бериш ҳамда мавжуд қудуқлардан ерларни сув тежовчи технологияларсиз суғориш тақиқланди. Шунингдек, бурғиловчи субектларга ўз тасарруфидаги бурғилаш ускуналарини ГПС-трекерлар билан жиҳозлаш ва уларни доимо ишчи ҳолатда сақлаш мажбурияти юклатилди. Инспекция томонидан бундай ҳолатлар аниқланган тақдирда, бурғилаш ускуналарини мусодара қилиш бўйича судга мурожаат қилиш ваколати берилди. Барча ер ости сувларидан фойдаланувчиларга олинган сувлар





миқдори ҳақида ҳисобот топшириш мажбурияти юклатилиб, ер ости сув сатҳи пасайиб кетаётган ҳудудларда сувдан оқилона фойдаланиш ва сув сатҳи камайишининг олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

Шунингдек, Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда янги “Сув кодекси” лойиҳаси (ИД-73608) ишлаб чиқилди. Унга кўра, ер ости сувларидан фойдаланиш соҳасидаги ваколатли органларга қатор вазифалар белгилаб берилиши кўзда тутилмоқда.

Табиат ресурслари вазирлиги томонидан ер ости сув манбаларини ифлосланиши ва камайиб кетишдан муҳофаза қилиш мақсадида келгусида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган:

- 1** Йирик санот корхоналарида ҳосил бўладиган оқова сувларни дастлабки тозалаш тизимлари самарадорлигини аниқлаш ҳамда такомиллаштириш бўйича тадбирларни амалга ошириш; 
- 2** Тозаланмаган оқова сувларнинг сув ҳавзаларига тўғридан-тўғри ташла-нишини олдини олиш, ярмига камайтириш ва дастлабки тозаланган сувларни қишлоқ хўжалиги мақсадларида қайта фойдаланишни жорий этиш; 
- 3** Саноатда айланма сув тизимини кенг жорий этиш ҳамда тозаланган сувларнинг сув айланма тизимига қайтарилиши даражасини 25 фоизга етказиш; 
- 4** Ер ости сувлари сатҳининг пасайиши кузатилаётган ҳудудларда дарё тубини чуқурлаштириш ишларини чеклаш ва бошқалар. 

Шу билан биргаликда сув фойдаланувчилари томонидан сув ҳисобининг юритилиши борасида Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги ташкилотларга тақдим этилиши билан боғлиқ қуйидаги ҳисоботларни жорий этиш таклиф этилмоқда:

- 1** Сув ресурсларининг ҳисоб-китобини аниқ юритиш, ҳар ойда ҳудудга кириб келган, чиққан ва сарфланган сувни балансини чиқариш. 
- 2** Сув исрофгорчилигининг олдини олиш ҳамда тўғри тақсимланишига аниқлик киритиш учун SMART WATER электрон тақсимлаш тизимини кенг жорий этиш, назорат органларига сув ҳисоби тўғрисидаги маълумотларни тўғридан-тўғри олиш имкониятлар яратиш. 
- 3** Сувдан фойдаланувчилар эса ўз навбатида Сув хўжалиги бўлиmidан ажратилган чекланган сув миқдори (лимит), махсус сувдан фойдаланиш рухсатномалари, сув олишга рухсат талонлари бўйича олган сув миқдорлари ҳақида ҳар 10 кунда Сув истеъмолчилари уюшмалари (СИУ) билан ҳамкорликда назоратчиларга тегишли маълумотларни тақдим қилиш. 
- 4** Ер ости сув қудуқларини тўлиқ электрон сув ҳисоблаш воситалари билан жиҳозлаш. 

Бир сўз билан айтганда, бугун атрофимизда рўй бераётган сув билан боғлиқ экологик муаммолардан ҳар биримиз тегишли хулоса чиқариб, сувни тежаш ва исроф қилмаслик тамойилини кундалик мезонимизга айлантиришимиз зарур. Бугун бизга ҳаёт ва завқ улашаётган тоза ичимлик сувидан келажак авлод ҳам биздек баҳра олиши лозим.

Сув, ер ресурслари ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш бошқармаси.



БМТ САЙЁРАМИЗ БИОХИЛМА-ХИЛЛИГНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШГА ЧАҚИРАДИ

Дунёда ёввойи ҳайвонлар ва ўсимликларнинг миллионлаб турлари йўқ бўлиб кетиш арафасида турибди. Биологик хилма-хилликнинг кескин камайиши табиат ресурсларидан фаол фойдаланиб келаётган инсоният учун ҳақиқий хавф туғдиради.



Табиат бойликлари кўплаб материаллар, энергия ва озиқ-овқат манбаи, ёввойи ўсимликлардан дори воситалари олинади. БМТ биохилма-хилликни асраш дунё ҳамжамиятнинг асосий вазифаларидан бири эканини таъкидлайди.



“Бир миллион турлар яшаш худудларида табиий муҳити бузилиши, қазиб олинган ёқилғилар туфайли ифлосланиши ва иқлим ўзгариши кучайиши сабабли йўқ бўлиб кетиш арафасида турибди. Биз табиат қарши олиб борилаётган бу урушни тўхтатишимиз керак”, деди БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш.

2023 йилги Бутунжаҳон ёввойи табиат кунининг мавзуси: “Ёввойи табиатни асраш учун ҳамкорлик”. Бу мавзу ёввойи табиатни асраб-авайлаш бўйича турли ташаббуслар билан чиқадиган фаолларнинг ролини эътироф этишга қаратилган.

Ҳамкорлик кенг миқёсли ва маҳаллий даражадаги кичик ташаббуслардан иборат. Бу табиатни муҳофаза қилиш учун ўтказиладиган тадбирлар ёки акция доирасида йўқолиб бораётган ҳайвон ва ўсимлик турларига одамларнинг эътиборини жалб этиш учун

уларнинг фотосуратларни интернетга жойлаштириш бўлиши мумкин.

“Бу йилги “Ёввойи табиатни асраш учун ҳамкорлик” мавзусидан аниқ кўриниб турибдики, биз ҳукуматлар, фуқаролик жамияти ва хусусий сектор билан уларнинг зиммасидаги мажбуриятларини ҳаракатга айлантириш учун ишлашимиз керак”, деди Гутерриш.

2013 йил 20 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси ўз резолюцияси билан кенг жамоатчиликнинг ёввойи ҳайвонот ва ўсимлик дунёси ҳақида хабардорлигини ошириш мақсадида 3 мартни – Бутунжаҳон ёввойи табиат куни деб эълон қилган.

Жорий йилда табиий биохилма-хилликни муҳофаза қилиш соҳасида яна бир муҳим ҳужжат — “Йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турларининг халқаро савдоси тўғрисида”ги конвенция (СИТЕС) қабул қилинганига 50 йил тўлди. Айнан шу конвенцияни имзолаган давлатлар вакиллари томонидан БМТга 3 март санасини Бутунжаҳон ёввойи табиат куни сифатида белгилаш таклифи билдирилган ва бу сайёраимиздаги биологик хилма-хилликни асраш зарурлиги билан бевосита боғлиқдир. СИТЕС бугунги кунда 37 000 дан ортиқ ҳайвон ва ўсимлик турларини турли даражада ҳимоя қилади.

Бутунжаҳон ёввойи табиат куни фауна ва флоранинг хилма-хиллиги ва гўзаллигига эътибор қаратиш имконини беради ва табиатни асраш инсон учун ҳаётий зарурат эканини англатади. Аслини олганда кишилик жамияти ва табиат бир бутун. Уларни айри ҳолда тасаввур эта олмаймиз. Шу ўринда буюк олим Альберт Эйнштейннинг қуйидаги сўзлари ёдга тушади: “Табиатга яхшилаб назар солинг, шунда кўп нарсаларни чуқурроқ англайсиз”.





ОБ-ҲАВО ҚАНДАЙ БЎЛИШИДАН ДАРАК БЕРУВЧИ АЛОМАТЛАР

Эртага об-ҳаво қандай бўлишини нафақат гидрометеорология хизматидан олинган маълумотларга, балки осмон жисмлари, қуёш ва ойнинг ҳолатига, атмосферада рўй берадиган турли ҳодисаларга, ўсимликлар ва ҳайвонлардаги баъзи ўзгаришларга қараб ҳам билиш мумкин. Аслини олганда, бу борада ҳам биз аждодларимиз ақл-заковатига, қузатув ва тажрибасига таянамиз.

Қуйидаги аломатларга асосланиб об-ҳавонинг қандай бўлишини олдиндан билиш учун эса белгиларга синчковлик билан ёндашиш талаб этилади.

Янги ой тутилиши арафасида об-ҳаво ўзгаради.

Ой ўтов тикса — ҳаво айнаши мумкин.

Юлдузларнинг кўпроқ жимирлаши ҳавонинг айнашидан дарак беради.

Тунда ва эрталаб шудринг ёки қиров тушса — ҳавонинг очиқ бўлиши кутилади.

Мўридан чиққан тутун тик кўтарилса — ҳаво очилиб кетади.

Мўридан чиққан тутун ер бағирлаб тарқалса — ҳаво айнийди.

Эрталаб туман тушса — ҳаво очилиб кетади.

Ёмғир пайтида бирданига шамол турса — ҳаво юришиб кетади.

Қуёш чиқишидан олдинги шамол ва қора булут — ёмғир белгиси.

Қуёш ботаётганда осмон беғубор бўлса — эртасига ҳаво очиқ бўлади.

Қуёш кечқурун булутлар орқасига ўтиб ёки қорамтир-қизариб ботса, яъни шафақ тўқ қизил бўлса — эртасига об-ҳаво айнийди.

Тушга бориб қуёш хиралашса — ҳаво ўзгаради.



Қора булутларнинг пастлаб, тез сузиб юриши — узоқ давом этадиган ёмғир белгиси.

Осмонда патсимон булутларнинг тез сузиб юриши — ёғингарчиликдан далолат.

Кечга яқин шамол кучайса, ҳаво айниши кутилади.

Қишда кечкурун ҳаво эрталабкига нисбатан бирмунча илиса, осмонга булут чиқиши мумкин.

Ёмғир томчисидан сувда пуфакчалар ҳосил бўлиши ёғингарчилик анча вақт давом этишини билдиради.

Шиддат билан ёққан йирик ёмғир тезда тўхтайтиди, шивалаб ёққан ёмғир узоқ давом этади.

Кундузи иссиқ, кечаси совуқ бўлса, ҳаво узоқ вақт очиқ бўлиши мумкин.

Йўнғичка гули, қоқигул юмилса — ҳаво айнийди.

Печак гуллари катта-катта бўлиб очилса, ҳаво очиқ бўлади.

Терак кучаласи ҳавода учиб юрса — ҳаво очиқ бўлади.

Гуллар одатдагидан кўра кўпроқ ҳид таратса, ёмғир ёғишини кутиш керак.

Асаларилар учиб кетмай инида ғувиллашиб турса, ҳаво айниб, ёмғир ёғиши мумкин.

Ҳаво очиқ пайтда чумолиларнинг кам кўриниши об-ҳаво айнишининг белгисидир.

От баҳорда ёмғир олдидан, қишда қор олдидан ётиши мумкин.

Мушукнинг керишиб, деворни тирнаши ҳаво айнишидан далолат беради.

Ит бошини олд оёқлари орасига олиб, ғужанак бўлиб ётса, совуқ бўлишини кутиш керак.

Ўрдак ва ғозлар тумшугини қанотлари остига бекитиши совуқ бўлишини билдиради.

Ўрдаклар қанот қоқса, патларини тозаласа ёмғирни кутилади.

Қалдирғоч баландлаб учса — ҳаво очиқ ва қуруқ бўлади, пастлаб, ер бағирлаб учса — ёмғир ёғади.

Қарға хурпайиб олса, ёмғир ёғишини кутиш керак.

Қушлар чуғурлашиб сайраса, ҳаво яхши бўлади.

Булбулнинг тинмай сайраши очиқ ҳаво белгисидир.

Зоғчалар тўдалашиб учса, ёмғир ёғишини кутиш керак.

Чумчуқларнинг баҳорда гала-гала бўлиб пастлаб учиши ҳаво айнишидан дарак беради.

Қора чигирткаларнинг тундаги тўхтовсиз чириллаши — яхши об-ҳаво белгиси.

Балиқ сув бетига сапчиб чиқаверса — ҳаво айниши, ёмғир ёғишини кутиш керак.

Ўргимчакнинг ин қурабошлаши — ҳавонинг очилиб кетиш белгиси, инининг ўртаси қимир этмай туриши — ҳаво айниши, ёмғир ёғиши белгисидир.


Кўршапалакнинг қуёш ботгач тинмай учиши ҳавонинг очиқ бўлишидан далолат беради.

Чувалчанглар ер бетига чиқса, ёмғир ёғишини кутиш керак.

Мол сувни кам ичса ва кундузи мудраса ёмғир ёғиши кутилади.

Камалак—ҳаво юришиб кетиши белгиси.

Кечкурун боғда далага нисбатан иссиқроқ бўлса, ҳаво очиқ келишини кутилади.




1

Амазонкада дарахт кесилиши Тибетга ҳам таъсир кўрсатади

Олимлар Амазонка тропик ўрмонларида дарахтларнинг кесилиши ва Тибетда ҳаво ҳароратининг исishi ўзаро боғлиқлигини аниқлашди.

Иқлимшунос олимларнинг халқаро гуруҳи Амазонка тропик ўрмонларидаги ўрмонларнинг кесилиши, гарчи оралиқдаги масофа 15 000 километрдан кўпроқ бўлишига қарамасдан, Тибетдаги об-ҳавога таъсир кўрсатаётганига оид далилларни топишди. Улар ўз илмий тадқиқоти натижасини Nature Climate Change журналида чоп этишди.

Амазонка тропик ўрмонларининг кесилиши иқлим ўзгаришининг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Аксарият олимларнинг фикрига кўра, яқин келажакда кескин ўзгариш ҳолати рўй беради, яъни бу ўрмонларни, ҳатто дарахт кесишларнинг барчаси тўхтатилиб, дарахт кўчатлари экилган тақдирда ҳам табиий ҳолатига қайтаришнинг асло имкони бўлмайди. Бундан ташқари, янги тадқиқотга мувофиқ, дарахтлар кесилиши учун иқлим ўзгариши жавоби нафақат Амазонкадаги «ҳарорат режими»га иссиқлик даражаларни қўшибгина қолмай, балки Тибет ва ғарбий Антарктика музликларига ҳам ҳароратни оширди. Шунингдек, олимлар Амазонкада кўпроқ ёмғир ёғса, юқоридаги икки ҳудудда камроқ ёгингарчилик бўлишини аниқлашди.



Тадқиқотчилар ўрмонларнинг кесилиши динамикасини ҳисобга олган ҳолда 1979 йилдан 2019 йилгача бўлган иқлим ўзгариши йўлини кузатишга муваффақ бўлишди. Ўрмонларнинг кесилишига нисбатан иқлим ўзгариши жавоби дастлаб Африканинг жанубига, сўнгра Арабистон ярим оролига етиб боргани ва ниҳоят Тибетни ҳам қамраб олганини аниқлаган олимларнинг ҳайратини тасаввур қилиш мушкул. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, бу ўзига хос кашфиёт Амазонкада дарахтлар кесилиши туфайли кескин ўзгариш ҳолати юз берса, бу ўз навбатида Тибетда ҳам ортга қайтарилмас иқлим оқибатларини келтириб чиқариши мумкин.

Манба: mir24.tv

2

Голливуд экологияга жиддий зарар етказмоқда



Олимлар Голливудда блокбастерларнинг тасвирга олиниши атроф-муҳитга таҳдид солаётганини айтишди. Ҳар бир фильмнинг съёмка жараёни карбонат ангидрид ва газ ташланишини келтириб чиқаради.

Бу ҳақда интернетдаги экохабарларда маълумот берилди. Асосий сабаб — электр энергияси сарфи жуда юқори.

Дизель генераторлари ва профессионал ускуналар узлуксиз ишлашни талаб қилади. Ўртача битта блокбастерни тасвирга олиш 3 минг тоннадан ортиқ углерод қолдиғини қолдиради. Олимларнинг фикрича, зарарни экологик тоза материаллар ёрдамида камайтириш, масалан, дизель генераторлари ўрнига водород ускуналарини қўллаш мумкин. Шунингдек, кино ижодкорларига танаффус вақтида электр аппаратларини ўчириб қўйиш тавсия этилади.

Манба: iz.ru

3

Сайёраимизнинг 50 йил мобайнида ташқи кўриниши кескин ўзгарди

Ер шарига иқлим ўзгариши ва инсон фаолиятининг таъсири ярим асрлик фарқ билан олинган иккита фотосуратда яққол кўринади.

Чапдаги тарихий суратни 1972 йил декабрда Аполлон-17 миссияси, ўнгдаги тасвирни 2022 йил декабрда NASA олган. Фотосуратларда иқлим ўзгариши ва инсон фаолиятининг оқибатлари акс этгани маълум.



1972



2022

Мутахассисларнинг таъкидлашича, аввал яшил кўринишда бўлган Мадагаскар жигарранг рангга айланган. Бу орол биологик хилма-хилликни жадаллик билан йўқотаётганидан далолат беради.

Бундан ташқари, Африка тропикларида ўсимликлар ҳозирги даврда юзлаб километр жанубдан бошланади. Бу минтақанинг чўлланиши ҳақидаги тадқиқот маълумотларига мос келади. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, Африка минтақаларидан бирида дарахтларнинг жойлашиш зичлиги аста-секин 18 фоизга камайди. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ҳисоб-китобларига кўра, 1990 йилдан 2010 йилгача даврда мамлакат ҳар йили 3-4 миллион гектар ўрмонни йўқотган.

Антарктида муз қатлами ҳажми сезиларли даражада қисқарди. Қорни булутлардан ажратиш қийин бўлиши мумкин, бироқ мутахассислар Эроннинг Загрос ва Марказий тоғ тизмаларида қорнинг йўқолиб бораётганини кўришган, эҳтимол бу мавсумий кескин ўзгаришлар билан боғлиқдир.

—Бизнинг кўз ўнгимизда 50 йил давомида атроф-муҳит деградациясига учраши далили намоён бўлиб турибди. Космик миссия ҳозир ҳақиқатан ҳам муҳим, бу Ерни қутқаришга қаратилган миссия, – инглиз олимлари мақоласини шу сўзлар билан яқунлаган.

Манба: hightech.fm

4

Олимлар сув фалокати ҳақида огоҳлантирмоқда

Европа ер ости сувлари захираларини тўлдиришга тўсқинлик қилувчи кучли қурғоқчилик туфайли табиий фалокат ёқасида турибди. Бу ҳақда The Independent газетаси олимлар тадқиқотига асосланиб хабар беради.

Тегишли тадқиқот Geophysical Research Letters илмий журналида чоп этилди. Ушбу мақолага кўра, кучли қурғоқчилик ҳайвонларнинг табиий яшаш муҳитини бузади, қишлоқ хўжалигига зарар етказиши ва жиддий энергия танқислигига олиб келади.



Қайд этилишича, 2018 ва 2019 йилларнинг ёз ойларида Марказий Европада сувнинг кескин танқислиги сезилган. Ўша вақтдан то ҳозиргача ер ости сувлари сезиларли кўтарилиши кузатилмаган ва улар доимий равишда паст даражада қолмоқда, бу 2022 йилнинг ёзида ҳам яққол намоён бўлди.

Олимлар гуруҳи дунёдаги ер ости сув ресурсларини кузатиб бориш учун сунъий йўлдошлардан фойдаланди ва йиллар давомида аниқланган ўзгаришларни хужжатлаштирди.

—Бундан неча йиллар аввал мен Европада, айниқса, Германия ёки Австрияда сув муаммоси бўлиши ҳақида ҳечам ўйламаган бўлардим, — деди тадқиқотчилардан бири, доктор Майер-Гюрр.

Манба: euronews.com

5

Биологлар филларнинг камайиб кетиши ва глобал исиш ўртасидаги боғлиқликни аниқлади

Йирик ўтхўр ҳайвонлар сингари ўрмон филлари ҳам ўзлари яшайдиган худудларнинг ландшафти шаклланишида асосий роль ўйнайди. Уларнинг қирилиб кетиши Африка ўрмонларининг атмосфера углеродини тутиш ва ушлаб туриш қобилиятини сезиларли даражада ёмонлаштириши мумкин.



Одамлар неча минг йиллар давомида филларни овланган, ҳозир эса бу улкан ўтхўрларнинг учта тури ҳам йўқолиб кетиш хавфи остида. Айниқса, бугунги кунда Марказий ва Ғарбий Африка ўрмонларида яшайдиган Африка ўрмон фили ҳимоясиз бўлиб, сўнгги 30 йил ичида браконьерларнинг овлаши ва яшаш муҳитининг йўқ қилиниши туфайли филларнинг бу тури сони 86 фоизга камайди.

Сент-Луис университети (АҚШ) тадқиқотчилари ўрмон филларининг батамом қирилиб кетиши нафақат Африка биологик хилма-хиллиги, балки бутун инсоният учун катта йўқотиш бўлишини аниқлашди. Охири филларни йўқ қилиш орқали одамлар сайёрамизда шусиз ҳам юзага келган иқлим ўзгаришини янада ёмонлаштиради, чунки бу ҳайвонлар Африка ўрмонини сақлашда ва унинг атмосфера углеродини ушлаб туриш қобилиятида муҳим роль ўйнайди.

Африка ўрмонида энгил ва оғир ёғочли дарахтлар ўсади, шунга мос равишда углеродни кам ва кўп сақлайди. Биринчиси тез ўсиб боради, бу эса қуёш нури учун курашда рақобатчиларни ортда қолдиришга имкон беради, шунинг учун “юқори углеродли” дарахтлар сояда қолади.

Бироқ филларнинг шарофати билан “кам углеродли” дарахтларнинг устунлиги узоқдавом этмайди: ҳайвонлар ўрмонни яғана қилиб, бундай ўсимликларнинг шохлари ва барглари билан озиқланади, чунки улар сояда қолган “юқори углеродли” дарахтлар баргларига нисбатан кўпроқ тўйимли ва мазали бўлади. Натижада фил яшайдиган жойларда зич ёғочли дарахтлар яхши ўсади ва йирик меваларни беради, уларни ҳайвонлар ейди ва кўп километр масофага олиб боради.

Тадқиқотчиларнинг ҳисоб-китобларига кўра, агар ўрмон филлари бутунлай йўқ бўлиб кетса ёки уларнинг популяцияси кескин камайса, ҳайвонлар атроф-муҳитга сезиларли таъсир кўрсатишни тўхтатса, Амазонка ўрмонларидан кейин иккинчи ўринда турадиган Африка ўрмонлари ўзининг атмосфера углеродини ушлаб туриш қобилиятини 6 фоиздан 9 фоизгача йўқотади. Бу эса глобал исиниш кучайтириши мумкин. Олимлар ушбу ҳимояга муҳтож “ўрмон боғбонлари” муаммосига кўпроқ эътибор беришга чақирмоқда, чунки уларнинг йўқ бўлиб кетиши бутун Ер шарига салбий таъсир кўрсатади.

Манба: ecosphere.press

6

Қора оққушлар парранда гриппидан қирилиб кетиши мумкин

Австралиялик тадқиқотчилар қора оққушлар парранда гриппи туфайли қирилиб кетиши мумкин деган хулосага келишди. «Genome Biology» журналида қайд этилишича, бу қуш тури вирусли инфекциялардан ҳимоя қилувчи иммун генларга эга эмас. Ҳолбуки, вишилдоқ оққуш ва бошқа оққушларда ушбу генлар мавжуд бўлиб, бундай касалликларни энгил ўтказиб юршади.

Мутахассислар аввалроқ қора оққушлар парранда гриппига кўпроқ мойил эканлигини қайд этган.



Улар бу касаллик туфайли икки-уч кун ичида ҳалок бўлади. Янги тадқиқот кўрсатдики, бунинг сабаби вирусларни таниб олиш учун масъул бўлган асосий генларнинг етишмаслигида. Шунинг учун инфекция қушларнинг ҳужайраларига осонгина кириб, яллиғланиш жараёнини келтириб чиқаради.

Олимлар популяциянинг аҳволидан хавотирда, чунки ҳозирги вақтда парранда гриппи Австралияга таҳдид солмоқда. Агар вирус мамлакатга етиб келса, қора оққушлар кўпайиш имкониятга эга бўлмайди. Шу билан бирга, генетик хусусиятлари туфайли бошқа инфекциялар ҳам қора оққушларга хавф туғдиради. Бу Австралияда яшайдиган оққушларнинг яғона тури. Уни Янги Зеландияда ҳам учратиш мумкин, қуш у ерга XIX асрда учиб бориб қолган.

Манба: nia.eco

7

Жомбойда ноёб қуш топилди



Самарқанд вилояти экология бошқармаси хабарига кўра, Жомбой тумани Полвонариқ маҳалласида яшовчи Умарбек Наврўзов уйи яқинидан ноёб қуш топиб олган.

Кўринишидан маҳаллий қушларга ўхшамаганлиги сабабли табиатга бефарқ бўлмаган ушбу фуқаро мутахассисларга мурожаат қилган.

Аниқланишича, ушбу қуш бугунги кунда йўқолиб бораётган ноёб тур ҳисобланиб, «Қизил китоб»га киритилган “Қора бўйинли Гребе” қушидир. Ушбу тур Шимолий Американинг ғарбий қисмида, Евроосиёнинг мўътадил ва субтропик кенгликларида, қисман Африкада яшайди.

“Айни пайтда бу қуш туман давлат инспекторлари томонидан назоратга олиниб, махсус тиббий кўриқдан ўтказилмоқда. Тез орада табиат қўйнига қайтарилди”, дейилади вилоят экология бошқармаси хабарида.

Манба: zarnews.uz

"ЭКОЛОГИЯ ХАБАРНОМАСИ" – ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛИ МАҚОЛАЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

"ЭКОЛОГИЯ ХАБАРНОМАСИ" ижтимоий-иқтисодий, илмий-амалий журнали таҳририяти умумий шарҳдан ва ахборот шаклидаги илмий мақолаларни нашр учун қабул қилмайди. Таҳририятга тақдим этилаётган қўлёзма бўйича муаллиф илмий-тадқиқот иши олиб бораётган ташкилот раҳбариятининг йўлланма хати, мақолани чоп этиш мумкинлиги ҳақидаги эксперт ҳулосаси бўлиши керак.

Мақоланинг ёзилиш тили, тузилиши ва таркиби. Мақолалар ўзбек, рус ва инглиз тилларида қабул қилинади. Мақола кенг омма учун тушунарли тилда, грамматика қоидаларига амал қилган ҳолда ёзилган бўлиши керак. Мақола ўзида муайян илмий-тадқиқотнинг тугал ечимларини ёки унинг босқичларини ифодалаши зарур. Сарлавҳа мақоланинг мазмуни тўғрисида ахборот бера олиши, имкон қадар қисқа бўлиши ва умумий сўзлардан иборат бўлиб қолмаслиги керак. Одатда илмий мақолада қуйидагилар бўлиши керак: универсал ўнлик таснифи (УДК), мақоланинг сарлавҳаси (уч тилда), аннотацияси (уч тилда), таянч сўзлар (уч тилда), кириш, кўриб чиқиладиган муаммонинг ҳозирги ҳолатининг таҳлили ва манбааларга ҳаволалар, масаланинг қўйилиши, ечиш усули, натижалар таҳлили, ҳулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, муаллиф(лар) тўғрисида маълумот.

Мақолада одатда қабул қилинган атамалардан фойдаланиш, янги атама киритганда, албатта уни аниқ асослаб бериш керак. Физик катталикларнинг ўлчов бирликлари Халқаро ўлчамлар тизими (СИ)га мос бўлиши керак. Мақолада муаллиф ўзининг ишларига ҳаволалар сони 20 фоиздан ошмаслиги керак.

Мақолага қўйиладиган техник талаблар. Мақоланинг сарлавҳаси, муаллиф (лар) ва у(лар)нинг лавозими, илмий даражаси ва иш жойи, аннотация, таянч сўзлар (уч тилда) бир устунда ёзилади. Мақоланинг қолган матнлари икки устунда ёзилади. Мақола MS Word 2003–2010 матн муҳарририда ёзилиши ва қуйидаги кўрсаткичларга мувофиқ қатъий расмийлаштирилиши керак: - А4 форматда, матн саҳифасининг барча чеккаларида 2 см дан жой қолдирилади, Times New Roman шрифтида, мақола учун шрифт ҳажми - 12 пт (жадваллар бундан мустасно), жадваллар учун шрифт катталиги - 10 пт, қатор оралиғи - 1,15 интервал, матн саҳифа кенглиги бўйича текисланади, хат боши - 1 см («Tab» ёки «Пробел» тугмаларидан фойдаланмасдан).

Қуйидагиларга рухсат этилмайди: саҳифаларни рақамлаш, матнда саҳифани автоматик бўлишдан фойдаланиш, матнда автоматик ҳаволалардан фойдаланиш, автоматик бўғин кўчириш, камдан-кам ҳолларда ишлатиладиган ёки қисқартма ҳарфларни қўллаш.

Графикли материаллар (рангли расмлар, чизмалар, диаграммалар, фотосуратлар) ўзида тадқиқотнинг умумлаштирилган материалларини ифодалаши керак. Графикли материаллар юқори сифатли бўлиши керак, агар зарурат туғилса, таҳририят ушбу материалларни алоҳида файлда 300 dpi дан кам бўлмаган ўлчамда jpg форматда тақдим этишни талаб қилиши мумкин. Графикли материалнинг номи ва тартиб рақами пастки қисмда келтирилиши зарур.

Формулалар ва математик белгилар MS Wordда ўрнатилган форматли муҳаррирда ёки MathType муҳаррири ёрдамида бажарилиши керак.

Аннотация (ўзбек, рус, инглиз тилларида) – аннотация ҳажми 100-250 та сўздан иборат бўлиши ва мақоланинг тузилишини қисқача ифодаловчи, ахборот шаклида берилиши керак.

Таянч сўзлар (ўзбек, рус, инглиз тилларида) – 8-10 та сўз ва иборалардан иборат бўлиши керак.

Кириш. Кириш қисмида тадқиқотларнинг долзарблиги ва объекти тавсифланади. Мавжуд илмий мақолаларнинг таҳлили келтирилади. Чоп этилган адабиёт манбаларида қўйилган илмий изланишларнинг кўрсатилган ҳолда муаллифнинг илмий ишлари йўналиши кўрсатилади.

Муаммонинг ечимлари. Бунда танланган усул батафсил тавсифланади. Олиб борилган тадқиқотлар, улар ичидан танлаб олинган оптимал натижалар келтирилади.

Натижалар. Натижаларни асосан жадваллар, графиклар ва бошқа кўринишида келтирилиши мумкин. Ушбу бўлим олинган натижаларни таҳлил қилиш, уларни шарҳлаш, бошқа муаллифларнинг натижалари билан солиштиришни ўз ичига олади. Натижалар тадқиқотнинг объекти параметрлари ўртасидаги муносабатлар муаллифлар томонидан белгиланган мақоланинг асосий илмий натижаларини умумлаштирувчи, маълумотларни ўз ичига олади.

Ҳулоса. Илмий тадқиқотлар доирасида олинган натижалар умумлаштирилади, мақбул шароитлари танланади, илмий янгилиги келтирилади ва амалиётда қўлланишга тавсиялар берилиши мумкин.

Адабиётлар. Адабиётлар рўйхати 15 тадан кам бўлмаган манбалардан иборат бўлиши керак, Адабиётлар рўйхатига дарсликлар, ўқув қўлланмаларини киритиш мумкин эмас. Барча манбаларга матнда ҳаволалар берилиши зарур.

Муаллиф (лар) ҳақида маълумот: фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими, илмий даражаси ва иш жойи. Ушбу маълумотлар мақола тақдим этилган ўзбек/рус тилида ҳам, инглиз тилида ҳам келтирилиши ҳамда мақоланинг охирида – адабиётлар рўйхатидан кейин жойлаштирилиши керак. Юқоридаги талабларга жавоб бермайдиган мақолалар кўриб чиқишга қабул қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Мақолаларда келтирилган маълумотларнинг ҳаққонийлигига муаллиф(лар) жавобгардир.



EKOLOGIYA

xabarnomasi

Ijtimoiy-iqtisodiy, ilmiy-amaliy jurnal

Tahririyat manzili: O'zbekiston Respublikasi Tabiat resurslari vazirligi huzuridagi Atruf muhit va tabiatni muhofaza qilish texnologiyalari ilmiy-tadqiqot instituti, O'zbekiston Respublikasi, 100043, Toshkent shahri, Chilonzor tumani, Bunyodkor shox ko'chasi, 7a-uy.

Telefon: 71-277-69-83; **Faks:** 71-277-89-22

E-mail: eco_nii@uznature.uz